O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI * معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 17-sentabr, chorshanba | № 75 (7580)

Da'vat

Masalaning mohiyati bilimning butunligida emas, aqlning butunligidadir.

DEMOKRIT

Ibrat

Nurobod tumanidagi 56-maktabning tomi (1700 kv.m) viloyat hokimining e'tibori bois shifer bilan yopildi. Bu ishni maktab o'qituvchilar jamoasi o'z kuchi bilan amalga oshirdi.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

BOSH ASSAMBLEYANING NAVBATDAGI SESSIYASI

Nyu-Yorkda BMT Bosh assambleyasining 58-sessiyasi boshlandi. Unda tashkilotga a'zo 191 davlat delegatsiyasi ishtirok etmoqda. Mazkur sessiyada 165 qismdan iborat muhim masalalar ko'riladi. Ular orasida ayni paytda o'ta dolzarb bo'lib turgan Xavfsizlik kengashining hisoboti, Iqtisodiy va ijtimoiy kengash faoliyati, Xalqaro sud va MAGATE, mustamlakada bo'lgan mamlakat va xalqlarga mustaqillik berish, Afg'oniston va Yaqin Sharqdagi vaziyat, Falastin muammosi hamda BMTni isloh qilish masalalari o'rin olgan.

UCHRASHUV

Germaniya Bundestagi Byudjet masalalari bo'yicha qo'mitasi raisi Manfred Karstens boshchiligidagi delegatsiya O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi raisi Erkin Xalilov hamda Tashqi ishlar vaziri Sodiq Safoev bilan uchrashuv o'tkazdi.

YILNING ENG YAXSHI BANKI

Buyuk Britaniyada chop etiladigan "Banker" jurnali hamda "FT Bisiness" gazetasi O'zbekiston "Paxtabank" aktsiyadorlik tijorat bankini "2003 yilning eng yaxshi banki" deya e'tirof etdi. O'zbekistonning "Eng yaxshi banki"ga g'oliblik sertifikati topshirildi.

(Davomi 2-betda)

МАМНУНИЯТ ТУЙҒУСИ

Паркент туманидаги "Навбаҳор" ширкат хўжалиги раиси Турғун Раҳматиллаев ташаббуси билан ўтган йили қурилиши бошланган 38-мактабнинг янги биноси 2003-2004 ўқув йили арафасида фойдаланишга топширилди. 240 ўринга мўлжалланган мазкур янги иншоот туман ҳокимлиги томонидан барча керакли жиҳоз ва ўқув қуроллари билан таъминланди.

«Навбаҳор» қўрғонида қад ростлаган янги мактаб биноси очилишида таълим муассасасига хўжалик фаоллари, отаоналар ҳам ташриф буюришиб, таълим сифати яхшиланганини, энди мактаб жамоаси таълим мазмунини янада шакллантириши, бунинг учун асосий вазифа ўқитувчилар зиммасида эканини таъкидлашди. Мактаб раҳбари Б.Парпиев саховатпеша кишилар томонидан кутубхона ҳам бадиий адабиётлар билан таъминланганини мамнуният билан билдирди.

Суратларда: мактаб биноси ва дарс жараёнидан лавҳалар акс этган.

Бурҳон РИЗО олган сурат.

ТАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ЁРКИН КЕЛАЖАК ЙЎЛИДА
2-бет

АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА МУАММОЛИ ТАЪЛИМ
ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРНИ ЯНГИ БИЛИМ ВА МАЛАКАЛАРНИ ЭГАЛЛАШГА ҲАМ ЙЎНАЛТИРАДИ
3-бет

ХАЛҚИМИЗ АРДОҚЛАР, СИЗНИ МУАЛЛИМ!
4-бет

ТАРИХИМИЗ ТАРҒИБОТИ
5-бет

ҲАШАР — ЭЛНИНГ САХОВАТ МАКТАБИ
5-бет

«БИЗ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЯХШИРОҚ КЕЛАЖАКНИ ҚУРИШИМИЗ ҲАҚИДА СЕНГА ЁЗАМАН»
6-бет

Istiqlol — imkoniyat

Бу саволни ҳар ким ҳам ўзига бера олмайди. Чунки олган тарбияси, билими, маълумоти, жамиятда тутган ўрни ва оилавий муҳитига қараб, кишилар турлича фикрлашади. Шундай замондошларимиз борки, улар юрт ва халқ манфаатини ўзларинкидан устун қўйишади. Уларнинг акси ўлароқ, ўз шахсини биринчи ўринда кўришга интиладиган шахслар ҳам борки, ҳар қанча уринманг, фикрларини ўзгартира олмайсиз.

Ҳарқалай, юртсеварлик, халқпарварлик қадрланадиган инсоний туйғу. Кишига омад кулиб боқиб, қайсидир хорижий мамлакат сафарига борадиган бўлса, у албатта ўз юртини, унинг одамларини қўмсаши, табиий. Ана шундай имконият кўп ҳолларда таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар, олимлар ва қолаверса, ўқувчию талабаларга берилаётгани, оддий воқеликка айланди. Бу эса Ўзбекистон деб аталган мустақил давлатнинг дунё таълим тажрибасига мурожаат қилаётганидан, унинг мақбул ва илғор жиҳатларини ўрганишга киришганидан далолат беради. Шу ўринда Юртбошимиз И.Каримовнинг куюнчаклик билан айтган бир гапи ёдга тушади: *"Ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобилият, зеҳн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ. Фақат мавжуд имкониятларимизни тўлиқ ишга солишимиз, улардан мукаммал тарзда фойдалана билишимиз зарур"*.

МЕН ВАТАНГА НИМА БЕРДИМ?

ёхуд хорижий мамлакатларда малака оширган, таълим олган юртдошларимиз бу саволга қандай жавоб бераётганлиги хусусида

Имкониятлар эса ахтарилмоқда. Албатта, мамлакатимизни ҳар томонлама — иқтисодий, ижтимоий, технологик жиҳатдан ривожлантириш поғонама-поғона ва катта-кичик жараёнларни ўз ичига олади. Таълим ҳам бундан мустасно эмас, таъбир жоиз бўлса, бу соҳанинг қолган тармоқлардан хизмати кам бўлмай, аксинча уларнинг туб негизида туради. Республикамиз Президентининг шу йил 1 июлда чиқарган "Истеъдод" жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони таълим соҳасидаги ўзга давлатлар билан олиб борилаётган ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтаришда муҳим қадам бўлиши, шубҳасиз. Фармонга мувофиқ, иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "Умид" ҳамда "Устоз" республика жамғармалари бирлаштирилди. Фаолиятлари бир-бирига ўхшаш бўлган жамғармаларни қўшиш, уларни ягона мақсад теварагига жипслаштиришни кўзлайди. Бу мақсад нимадан иборат? Фармонда таъкидланадики, "**... мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳиятини, фан, педагогика ва иқтисодиётимиз тармоқларининг ривожланиш даражасини жаҳоннинг энг илғор илмий изланишлар ва юқори технология ютуқлари даражасига кўтариш**" керак.

(Давоми 3-бетда)

МЕҲР — МУҚАДДАС ТУЙҒУ

Пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номидаги истироҳат боғида республикамиз мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб, республика "Маънавият ва маърифат" маркази, боғ маъмурияти, ўзаро ижтимоий ёрдам "Меҳрибонлик" ногиронлар жамияти нодавлат-нотижорат ташкилоти, Афғон уруши, II жаҳон уруши ногиронларининг ижтимоий, ҳуқуқий ва маиший муҳофазаси билан шуғулланувчи ташкилотлар билан ҳамкорликда "Ўзингга ўзинг ёрдам бер" — семинар тренинги, "Мафтункор ранглар олами" халқаро ногирон болалар рассомчилик конкурслари доирасида байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, ногирон инсонларнинг маънавий-маърифий савиясини ошириш, улар ҳам давлатимизнинг тенг ҳуқуқли фуқароларигина эмас, балки иқтидорли-салоҳиятли инсонлар эканликларини ногиронларга етказа билиш эди.

Шу ўринда Чилонзор тумани "Меҳрибонлик" жамияти туманда истиқомат қилувчи ногиронларга янги ишчи ўринлари яратиш, корхоналар очиш ва уларни иш ўринларига жалб қилиб, жамиятнинг бир бўлаги эканлигини уларга тушунтира билиш учун ибратли ишларни амалга ошираётганлигини қайд этиб ўтиш лозим. Халқимиз айтганидай "Саховат ва мурувватнинг эрта-кечи йўқ". Келинг, азизлар ана шу кўнгли ярим, меҳрга зор инсонлардан меҳр-мурувватимизни, баҳоли қудрат қўлимиздан келган ёрдамимизни дариғ тутмайлик.

Зевара АҲМЕДОВА,
ЎзМУ I-курс талабаси

O'qituvchi yon daftariga

ENG ULKAN TIMSOH

Uzunligi 3,5 metrdan 4,3 metrgacha, og'irligi 500-600 kilocha keladigan eng ulkan timsohlar janubi-sharqiy Osiyo va Avstraliyadagi sho'r suvlarda yashaydi. 1823 yili Filippindagi qishloqlardan birida odamlarga tahdid solib kelgan og'irligi 2 tonna va uzunligi 8 metr bo'lgan yirik timsoh tutib o'ldirilganligi haqida ma'lumotlar bor.

KULING VA SOG' BO'LING!

Mutaxassislar fikricha, kulgu yuz muskullari, ovoz pardalari, qorin, qo'l va oyoq mushaklari o'z maromida ishlashida muhim vosita bo'lib, ertalabki badantarbiya mashqlari kabi foydalidir. AQSHning bir qator tibbiyot markazlarida davolanuvchilarni kuldirish uchun azot ikki oksididan ozgina miqdorda ingalyatsiya yo'li bilan yuboriladi. Bu gaz kishi chehrasida kulgu paydo qiladi. Bir so'z bilan aytganda, kulgu va sog'liq egizak tushunchalardir.

5 YILDA 2 BAROBAR

Yaponiya sog'liqni saqlash va mehnat vazirligi bergan ma'lumotda aytilishicha, ayni paytda mamlakatda 100 va undan yuqori yoshdagi fuqarolar soni 20 mingdan oshgan. Bu keksalarning beshdan to'rt qismini ayollar tashkil etadi. Ta'kidlanishicha, so'nggi besh yilda kunchiqar davlatning 100 yoshdan oshgan fuqarolari soni ikki baravarga ko'paygan.

Birlashgan o'zar

АҲИЛЛИК ҲИКМАТИ

Маҳалла — мактаб — оила ҳамкорлигини йўлга қўйиш ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Таълим ва тарбия мураккаб жараён. Фарзандларимизни яхши инсонлар қилиб тарбиялаш эса, аввало, оиладан бошланади. Оиладаги тарбиявий муҳит ёш авлод ҳаётида муҳим ўрин тутади. Ибратли ишлардан улар яхшилик ва одобни, меҳнатга муҳаббат ва юртга садоқатни ўрганадилар. Оиладаги носоғлом муҳит эса фарзанднинг дунёқарашини салбий томонга ўзгартиради. Уларга етарли шарт-шароитлар яратиб берилмаслик ҳам таълим олишда ва ўзлаштиришда муаммоларни келтириб чиқаради. Шу боис маҳалла ва мактаб ҳамкорлигини йўлга қўйиш мақсадида мактабимизда икки йилдан буён қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

"Қозоқ" қишлоғидаги мослаштирилган бинода жойлашган ўқув даргоҳимизни кенгайтириш учун бизга имкониятлар эшиги очилди. Туман ҳокими қарорига асосан собиқ Гўзалкент туманидаги марказий касалхонанинг жарроҳлик бўлими мактабимизга қўшимча бино сифатида берилди. Ўқитувчилар жамоаси билан келишиб, уч йил мобайнида хароба ҳолга келган бинони таъмирдан чиқардик. Бу ўринда оталиқ ташкилот — Жониқул Юсупов номидаги ширкат хўжалиги, Гўзалкент машина-трактор парки очиқ турдаги акциядорлик жамияти, «Гўзалкент» маҳалла фуқаролар йиғини ва отаоналар жамоаси ҳамкорликда иш юритдик. Натижада бино ичидаги майда хоналар йириклаштирилиб, синфхоналарга айлантирилди. Электр ва газ тармоқлари қайтадан таъмирланиб, иситиш ва ёритиш тизими ишга туширилди. Мактаб атрофини девор билан ўраб чиқишни таъминладик. Мактаб биноси ёнидаги "Тез ёрдам" бўлими биноси ҳашар йўли билан тартибга келтирилиб, мажлислар зали ҳамда маънавият ва маърифат хонасига айлантирилди. Ахлат ва чиқиндилар уюлиб ётган майдон ҳам текисланиб, спорт майдончаси ҳолига келтирилди.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларида маҳалла фаоллари, ўқитувчилар, оталиқ ташкилотлари ходимлари самарали меҳнат қилишди. Энг аҳамиятлиси шундаки, ўтган йилнинг баҳор ва куз ойларида кўплаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Очиқ майдонларда гулзор барпо қилинди.

Ҳозирги кунда мактаб иккита бўлак бинода жойлашган бўлиб, 20 та синф хоналари, 10 та маъмурий хоналар ўқитувчи-ю, ўқувчилар ихтиёрида. Бироқ, ҳали ўзига хос муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, мактаб ҳудудида собиқ марказий касалхонанинг 2 та биноси — иситиш қозонхонаси ва ошхона бўш турибди. Ҳеч ким фойдаланмаётган бу бинолар мактаб ихтиёрига берилса, иситиш қозонхонасини спорт залига айлантирардик. Ўқувчилар овқатланадиган ошхона ташкил қилишни ҳам мўлжалаб турибмиз.

Хуллас, аҳиллик билан иш юритиб, ўқувчиларга етарли шарт-шароит яратиб берсак, мустақил юрт фарзандларининг илмли ва иқтидорли инсонлар бўлиб камол топишига замин яратган бўламиз.

Раъно ЖУМАБОЕВА,
Пастдарғом туманидаги

O'zbekistondagi oltmishta maktabda yagona tarmoqqa ulangan kompyuter markazlari barpo etiladi.

Biz —parlament a'zolari Bola huquqlari konventsiyasini, O'zbekiston Konstitutsiyasini izchil o'rganib, yon-atrofimizdagi tengdosh do'stlarimizga o'rgatamiz va hammamiz birgalashib yomon illatlarga qarshi kurashamiz.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

(Davomi. Boshi 1-betda)

LOYIHA ASOSIDA KOMPYUTERLAR

AQShning Xalqaro taraqqiyot agentligi (USAID) tomonidan moliyalashtirilgan "O'zbekiston maktablari uchun kompyuterlar" xalqaro loyihasi asosida Jizzax viloyatidagi oltita maktab zamonaviy kompyuter jamlanmalari va o'quv-uslubiy qo'llanmalar bilan ta'minlandi.

XITOYDA BEHZOD HAYKALI

Xitoyning Chanchun shahrida bo'lib o'tgan xalqaro festival doirasida Sharq miniatyura maktabining buyuk namoyondasi Kamoliddin Behzod haykalining ochilish marosimi bo'lib o'tdi. Haykalni mashhur haykaltarosh, O'zbekiston xalq rassomi Jaloliddin Mirtojiev ishlagan.

BITIM IMZOLANDI

Misr Arab Respublikasining "Ayn Shams" universiteti Adabiyot fakulteti gumanitar tadqiqotlar markazi hamda O'zbekiston Ibn Sino xalqaro jamg'armasi o'rtasida ilmiy-madaniy hamkorlik to'g'risida bitim imzolandi. "Ayn Shams" universiteti rektori, janob Solih Hoshim kelajakda "Ayn Shams" universiteti Adabiyot fakulteti gumanitar tadqiqotlar markazi qoshida Ibn Sino xalqaro jamg'armasi bo'limini ochish tashabbusi bilan chiqdi.

FERMER HIMMATI

Qoraqalpog'iston Respublikasi Beruniy tumanida yashovchi fermer Maqsud Yo'ldoshev tumandagi 56-maktabni o'z homiyligiga oldi hamda kam ta'minlangan oilalar farzandlaridan 40 nafariga o'quv jihozlari, nafaqadagi muallimlar va 15 nafar bog'cha tarbiyalanuvchilariga sovg'alar topshirdi.

QOVUN SAYLI

Sirdaryo viloyatida an'anaviy qovun sayli bo'lib o'tdi. "Eng yaxshi qovunchi" nominatsiyasi bo'yicha 1-o'rin Mirzaobod tumanidan Tohirjon Mamajonovga, 2-o'rin Sirdaryo tumanidan Valijon Majidovga, 3-o'rin esa Sharof Rashidov tumani vakili Sh.Eshonqulovga berildi.

МАКТАБЛАР ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДА

Ўзбекистондаги олтмишта мактабда ягона тармоққа уланган компьютер марказлари барпо этилади. Бу ҳақида лойиҳа ташаббускори бўлмиш IREX ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхонасидан "Туркистон-пресс"га маълум қилинди.

IREX ваколатхонасидан билдирилишча, ушбу марказлар Андижон, Фарғона, Қарши, Наманган, Нукус ва Термиздаги умумтаълим мактаблари қошида очилади. Барча тадбирлар АҚШ Давлат департаменти таълим ва маданият масалалари бўйича бюроси томонидан молиялаштирилаётган "Ўзбекистон мактабларида интернет" дастури доирасида ўтказилади. IREX интернетдан маълум бир мамлакатнинг ахборотдан узилиб қолганлигини бартараф этиш ва минтақавий ривожига ёрдам берувчи сифатида ўн йиллик муваффақиятли тажрибага эга.

Унда иштирок этувчи мактаблар очиқ ва кўп поғонали танлов асосида танлаб олинганки, бу ўқитувчиларга ўқув юртларида интернетдан фойдаланиш бўйича ўз ғояларини ривожлантиришга ёрдам беради. IREX ўз шериклари, жумладан интернет таълимига ихтисослашган IEARN ва Тошкент ижтимоий маърифий маркази билан биргаликда ўқув жараёнларида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш бўйича тренинглар олиб боради. Шунингдек, Ўзбекистон ва АҚШ мактаб ўқувчилари ўртасида қўшма лойиҳаларни бажариш режалаштирилмоқда.

Дастур доирасида АҚШ мактабларидаги танловдан ўтган ўқитувчилар ва раҳбарлар ҳамкасблари билан тажриба алмашишлари ва Колумбия университетида интернет тармоғини ўрганишга йўналтирилган бир ҳафталик курсда иштирок этишлари мумкин. Дастур шартига кўра, компьютер марказларига қатнаш эркин бўлиб, бу жамоатчиликни ахборот ва ўқув технологияларига жалб этиш имконини беради.

"Туркистон-пресс" маълумоти: Халқаро тадқиқотлар ва алмашувлар кенгаши — IREX олий таълим ва интернетни ривожлантириш соҳасида дастурларни ишлаб чиқиб, уларни амалга оширадиган етакчи нотижорат ташкилоти ҳисобланади. Шунингдек, у АҚШ, Европа, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари, Яқин Шарқ ва Осиёда мустақил ОАВ ва ҳуқуқий жамият масалалари билан шуғулланади.

"БАРКАМОЛ АВЛОД — 2005"ГА ТАРАДДУД

Мамлакатимизда ўтказилаётган "Баркамол авлод" спорт ўйинлари ёшларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий тарзда жалб этишда муҳим ўрин тутмоқда. Соғлом авлодни тарбиялашга қаратилган навбатдаги бундай тадбир 2005 йилда Тошкент вилоятида бўлиб ўтади.

Спорт мусобақаларининг муваффақиятли ўтишини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлигида молиялаштириш жамғармаси тузилди.

"Баркамол авлод — 2005" спорт мусобақаларини ўтказиш бўйича тузилган ишчи гуруҳи йиғилишида кўрсатиб ўтилганидек, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларида спортда самарадорликка эришиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, спортнинг олимпия ва миллий турларини ривожлантириш каби долзарб масалаларни ҳал этишда бу жамғарма фаоллик кўрсатади.

Жамғарма ёшларни спорт мусобақаларига тайёрлаш, спорт иншоотларини қуриш, транспорт хизматини ташкил этиш учун маблағлар ажратади. Вилоятда янги марказий ўйингоҳни бунёд этиш ҳам кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, ўнга яқин спорт мажмуасини таъмирлашга киришилади.

"Туркистон-пресс"

ЁРҚИН КЕЛАЖАК ЙЎЛИДА

«Болалар ҳуқуқлари» тўғрисидаги конвенция 1924 йил Женева декларациясида, кейинчалик 1959 йилда БМТнинг Бош ассамблеясида қабул қилинган. Конвенция 1992 йилда Ўзбекистонда тан олинди.

Республикамизда «Келажак авлод» кенгаши номи билан юритилаётган Болалар парламенти бевосита БМТнинг Болалар ташкилоти ҳамда «Болалар жамғармаси» билан ҳамкорликда фаолият олиб боради. Ушбу Болалар парламентининг ўз мақсад, вазифалари мавжуд бўлиб, у йилда икки марта жойлардан сайланган 200 нафардан ортиқ ёш депутатлар иштирокидаги сессиясини ўтказади. Яқинда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишдан ҳам вилоятлардан келган ёш депутатлар олам-олам таассуротлар, кўникмалар билан қайтишди. Қуйида парламент аъзоларининг фикрлари билан танишасиз.

Шероз НАЗАРОВ, Чуст шаҳар ихтисослаштирилган лицей-интернатининг 11-синф ўқувчиси:

— Ўтган йили ўтказилган парламентнинг 1-сессияси иши мобайнида олган билим ва малакамни мактабдаги, маҳалладаги дўстларимга етказдим. Уларнинг менинг гапларимдан сўнг Конституцияни, Болалар конвенциясини ўрганишга қизиқишлари ортди. Биз яшаётган юрт Ўзбекистон дея аталади. Мамлакатимизда завод ва фабрикалар, кўркам бинолар ва боғлар кўп, уларнинг ҳаммаси халқ учун хизмат қилади. Ҳозир биз ёшларга ҳамма ҳавас билан қарайди, чунки биз оддий мактаб ўқувчилари эмас, балки, мустақил Ўзбекистоннинг эркин фуқароларимиз. Мустақилликни мустаҳкамлаш учун кўп довонлар ошилади. Бунинг учун биз ўз ҳуқуқларимизни билишимиз керак.

Беҳзод ҲАКИМОВ, Самарқанд вилояти, Жомбой туманидаги 46-мактаб ўқувчиси:



— Яқинда «Келажак авлод» кенгаши номи билан ўтказилаётган Болалар парламентининг сессияси бўлиб ўтди. Болалар парламенти Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «ЮНИСЕФ» ҳамда «Болалар жамғармаси» томонидан ташкил топган. Биз —парламент аъзолари Бола ҳуқуқлари конвенциясини, Ўзбекистон Конституциясини изчил ўрганиб, ён-атрофимиздаги тенгдош дўстларимизга ўргатамиз ва ҳаммамиз биргалашиб ёмон иллатларга қарши курашамиз. Биз болалар ўзимизга нисбатан ҳар қандай шахс томонидан ҳақоратланиш, қўпол муомалада бўлишдан ҳимояланишга эгамиз. Шунга кўра биз Болалар ҳуқуқлари конвенциясини ўқиб, ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни билиб олишимиз керак.

Озода СУЛАЙМОНОВА, Фарғона вилояти, Риштон туманидан келган ёш депутат:

— Биз ёш депутатлар бизга кенг имкониятлар яратиб берган Ўзбекистонимиз ҳукуматига, илк бора қўлимизга қалам, дафтар ушлатиб, ўқиш-ёзишни ўргатган устозларимизга, бизга ишонч билдириб, депутатликка сайлаган тенгдош ўқувчиларга ҳам ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Qutlug' ostona

Яшнар ХОЛИҚОВ, Тошкент вилояти, Паркент туманидаги 5-ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси:

— Авваламбор ўзимиз таҳсил олаётган мактабда, сўнг бошқа мактабларда учрашув, дебат ва семинарлар ташкил қилмоқдамиз. Ҳар бир мактабдан биттадан вакил танлаб олиб, улар билан биргаликда иш олиб бормоқдамиз. Ўтказилган учрашув, дебатлар ҳақидаги фикрлардан фақат шу ердаги ўқувчиларнигина эмас, балки ҳар бир кишини хабардор қилиш учун маҳаллий матбуотимизда ҳам ёритиб бормоқдамиз.

Азизбек СОЛИЕВ, Наманган вилояти, Учқўрғон шаҳридаги 43-гимназия ўқувчиси:

— Туман, шаҳарларда «Меҳр-шафқат», «Заковат» клубларини ташкил этганмиз. Унда бир қанча йўналиш бўйича гуруҳлар фаолият кўрсатади. Ўқувчиларнинг таътил кунларида ҳам биз депутатлар бўш ўтирмай, маҳалла, гузарларда ёшлар ўртасида спорт мусобақаларини ташкил қилиб келмоқдамиз.

Шухрат ҚУШБОҚОВ, Жиззах вилояти, Бахмал туманидаги 4-лицей-интернати ўқувчиси:



— Бизнинг жойларда ўтказилаётган барча тадбирларимизга маҳаллий ҳокимият кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Ҳоким ўринбосарлари, ижтимоий масалалар ва хотин-қизлар қўмитаси раислари ҳамда ХТБ, «Камолот» ёшлар ҳаракати раҳбарлари биз депутатларни доимо қўллаб-қувватлаб келмоқда. Биз бундан янада руҳланиб барча билимларимизни тенгдошларимизга ўргатиб келмоқдамиз.

Назокат ХОЛМЕТОВА, Расулжон АБДУЛЛАЕВ

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Жиззах давлат педагогика институти қошидаги "Сайилжой" академик лицейида 4 йўналиш бўйича 483 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Аниқ, ижтимоий-гуманитар, хорижий филология ва табиий фанлардан ўқувчиларга сабоқ берувчи ушбу таълим муассасасида ёшларнинг замон талаби даражасида билим олишлари учун барча шароитлар етарли.

Таълим-тарбияда кутилган натижага эришиш ўқувчиларга сабоқ берувчи ушбу таълим муассасасида ўқитувчилар салоҳияти ва малакасига боғлиқ. Ҳозир жамоада меҳнат қилаётган 62 нафар педагогнинг 4 нафари фан номзоди 13 нафари олий тоифали, 12 нафари 1-тоифали мутахассислардир. Ҳар бир педагог ўз устида ишлаш ва услубий қўлланмалар яратиш режасига эга. Бу ҳар бир мураббийни дарсдан дарсга изланиш, маҳоратини ошириб боришга даъват этади. Ана шу изланиш ва масъулият маҳсули сифатида ҳозиргача 13 та фан бўйича 34 та маърузалар матни, 3 та услубий қўлланма яратилди. Шунингдек, лицейда методик ишлар яхши йўлга қўйилган. Ўқитувчилар томонидан ўқитиш услублари бўйича 6 та методик қўлланма ишлаб чиқилди. Ушбу қўлланмалардан фақат академик лицейнинг ўзидагина эмас, балки вилоятдаги бошқа ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув юртларида ҳам фойдаланилаяпти.

Ўқитувчиларнинг ўқувчиларга назарий ва амалий машғулотларни тўлақонли, мукаммал етказишида техник воситаларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Бунинг учун лицейда 42 та махсус синфхоналар мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси замонавий ўқитиш воситалари билан таъминланган. 3 та информатика, 2 та биология, 2 та химия, 2 та физика ва 1 та астрономия лабораторияси, 2 та инглиз тили синфлари Корея ҳукумати кредити асосида жиҳозланган. Таълим-тарбияни мувофиқлаштириш учун 7 та кафедра мавжуд.

Akademik litseylarda

Академик лицейнинг асосий ҳомий ташкилоти — ЖДПИ билан ҳамкорлиги тўғри йўлга қўйилган. Ҳозир лицейда институтнинг 4 та кафедраси филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Институтнинг 7 нафар профессори лицейда ўқувчиларига дарс бермоқда. Лицейнинг 3 нафар ўқитувчиси бевосита институт ходимлари раҳбарлигида илмий иш олиб бораяпти. Шунингдек, институт раҳбарияти лицейнинг ўқув базасини мустаҳкамлашга ҳам ёрдам кўрсатаяпти. Ана шу мақсадда яқин кунларда академик лицейга 1 млн. сўмлик дарслик ва ўқув қўлланмалари олиб берилиши режалаштирилган.

Шу ўринда таълим муассасаси кутубхонасининг ўқувчилар ҳаётида муҳим аҳамият касб этаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Ҳозир кутубхонада 28 номда 6200 та умумтаълим фанлари бўйича дарсликлар, 1100 та ўқув қўлланмалари ва қўшимча адабиётлар, 2000 дона бадиий ва сиёсий адабиётлар бор. Ўтган ўқув йилида ЎМКҲТ бошқармаси томонидан 1 млн.500 минг сўмлик дарслик ва методик қўлланмалар келтирилди. Ўқув йили давомида жамоа 1 млн. сўмлик даврий нашрларга обуна бўлдилар. Шунингдек, ўқувчилар институт кутубхонасидан ҳам исталган пайтда фойдаланиш имкониятига эга.

Таълим-тарбиядаги ана шу узвийлик ўзининг самарасини бермоқда. 2002 йил фанлар олимпиадасининг вилоят босқичида академик лицейнинг 13 нафар ўқувчиси ғолибликни қўлга киритди. Ўқув юртида спорт ва жисмоний тарбия машғулотларига катта эътибор берилмоқда. Лицей ўқувчилари орасида таэквандо бўйича 3 нафар вилоят чемпиони, 2 нафар республика чемпиони, стол тенниси бўйича 2 нафар вилоят чемпиони борлиги фикримиз далилидир. Ҳозирги кунда лицейнинг 64 нафар ўқувчиси турли спорт тўгаракларида иштирок этишмоқда.

— Янги ўқув йилида 1-курсга 225 нафар ўқувчи қабул қилдик, — дейди лицей директори, математика фанлари номзоди, доцент Аброр Камолов. — Лицейимизда ёшларнинг фанларни замон талаби даражасида ўрганиши таълимда сифат ва самарадорликка эришиш учун услубий хизмат кўрсатишни янада такомиллаштирамиз. Бунинг учун илғор услублар, айниқса, ноанъанавий дарслардан кўпроқ фойдаланамиз. Мақсадимиз, келгусида олий ўқув юртига кириб, мамлакатимиз салоҳияти, илм-фани тараққиётини жадаллаштиришга муносиб ҳисса қўшадиган иқтидорли ёшлар сафини кўпайтиришдир.

Абдусаттор СОДИҚОВ, "Ma'rifat" мухбири

Tadbir

Тошкент автомобил ва йўллар касб-ҳунар коллежида яхши бир анъана давом этмоқда. У ҳам бўлса, коллежда ёшларнинг талабаликка қабул қилиш маросимини тантанавор, ҳамда байрамона тарзда нишонлашдир. 2003-2004 ўқув йилида коллежга қабул қилинган етти юздан ортиқ талабаларнинг ҳам илк талабалик ҳаёти ана шундай тантана билан бошланди.

Ўзбек миллий академик драма театри биносида ўқишга янги қабул қилинган ёшларни талабаликка қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирга коллеж мураббий ва талабалари билан биргаликда мамлакатимиз автомобилсозлиги, йўл қурилиши соҳаларида кўп йиллардан бери хизмат қилиб келаётган фахрийлар, ўқув даргоҳини бир вақтлар битириб, эндиликда халқ хўжалигининг турли соҳалари ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган собиқ талабаларнинг ташриф буюриши тадбирга ўзгача файз бағишлади. Тадбирни коллеж директори Жасур Қулмуҳаммедов табрик сўзи билан очди. Ўзбекистон Республикаси автомобил ва дарё транспорти агентлиги Давлат илмий-методик маркази бош директори Лутфулла Исаев ўқувчиларни бу қутлуғ даргоҳнинг талабаси бўлганликлари билан табриклар экан, уларга илм сарчашмаларидан бахраманд бўлишларида муваффақият тилади.

ИЛК ҚАДАМ

Шундан сўнг талабаларни коллежнинг собиқ раҳбари Қ.Абрамов, Тошкент шаҳар ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси масъул ходими М.Рўзиқуловлар қутлашди. Улар талабаларнинг келгуси ишларида омад ва зафарлар ёр бўлишини тиладилар.

Шу куни талабаларга ўқув юртининг рамзий калити ва "синов дафтарчаси" топширилди. Ўқув юртига қабул қилинган талабалар якдиллик билан талабалик қасамёдини қабул қилишди.

Тадбирда коллеж драма тўгараги иштирокчилари томонидан қизиқарли лавҳалар ва куй-қўшиқ ижро этилди.

Маросим сўнггида унинг иштирокчиларига Ўзбек миллий академик драма театрининг актёрлари ижросида "Охирги замон ҳангомалари" спектакли намойиш этилди. Ўйлаймизки, ушбу ҳаяжонли кун билим даргоҳига қабул қилинган ёшлар хотирасида узоқ сақланиб қолади.

Шавкат ЁҚУБОВ, Тошкент автомобил ва йўллар коллежи маънавият ва маърифат бўлими масъул ходими

ЯПОНИЯДАН ҚАЙТИШДИ

Тошкентда Ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантириш лойиҳаси асосида Японияда малака ошириб қайтган қишлоқ хўжалигига ихтисослашган касб-ҳунар коллежларининг 23 нафар ўқитувчиси билан учрашув ўтказилди.

Мазкур тажриба алмашинув дастури ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази ва Япония ҳукумати томонидан Ўзбекистонга берилган узоқ муддатли кредит асосида ҳаётга татбиқ этилмоқда. Лойиҳа асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган коллежларни қуриш, уларнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш ҳамда ўқитувчи педагогларнинг малакаларини ошириш йўналишларида иш олиб бормоқда. Ҳозирги кунгача мазкур лойиҳа бўйича 106 нафар мутахассис Японияда малака оширди. 23 нафардан иборат ўқитувчилар гуруҳи эса кунчиқар мамлакатнинг қишлоқ хўжалик коллежларида бўлиб амалий машғулотларда иштирок этди. Уларнинг 10 нафари чорвачилик, 9 нафари гидромелиорация ва тўрт нафари ўсимликшунослик фанлари бўйича таҳсил олиб, японялик мутахассислар билан тажриба алмашишди.

Учрашувда кунчиқар мамлакатида малака ошириб қайтган ўқитувчилар ўзларининг орттирган тажрибалари билан ўртоқлашиб, улардан мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фойдаланишларини таъкидлашди.

"Туркистон-пресс"

КЕЛАЖАККА ПОЙДЕВОР

Мактабни битирган ўқувчи олий ўқув юртига кирганда албатта талаба деган номга сазовор бўлишида бошланғич синф ўқитувчисининг ўрни алоҳида эканини эътироф этади. Талаба бўла олмаса ҳам бошланғич таълим ўқитувчиси кўз олдига келади.

Муаллим эса ана шу вазиятларда ўқувчиси ўзини яхши кайфиятда эслашини истайди. Хўжаобод туманидаги 22-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Саида Бузрукова ўқувчилари келажаги албатта бошланғич синфларда олган билими пойдевори мустаҳкамлигига боғлиқлигини яхши англайди ва шунга яраша меҳнат қилади.

Суратда: С. Бузрукова болажонлар билан дарс пайтида.

Бурҳон РИЗО олган сурат.

Muammoni hal etish uchun o'quvchi oldiga ma'lum darajada qiyin, biroq uni yechishga ularning kuchi etadigan muammo qo'yiladi.

Xorijga borib kelib, bir olam taassurot bilan yurish boshqa, ana shu taassurotlarni marjon kabi bir ipga tuzib, amaliyotga tatbiq etishga kirishgan boshqa.

МЕН ВАТАНГА НИМА БЕРДИМ?

ёхуд хорижий мамлакатларда малака оширган, таълим олган юртдошларимиз бу саволга қандай жавоб бераётганлиги хусусида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Хорижий давлатларга бориб, малака ошириш ёки бир-икки йиллик таҳсилнинг ўзига хос тартиб-қоидалари мавжуд. Буни ҳозирги пайтда бирлаштирилган ҳар иккала жамғарма мисолида ҳам кузатиш мумкин. Албатта, ривожланган давлатлар таълим тажрибасини ўрганиб қайтиш энг муносиб кишиларга насиб этиши керак. Бунинг учун эса танловлар уюштирилади. "Устоз" республика жамғармаси томонидан мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 30 дан ортиқ устувор йўналишлари бўйича хорижда малака ошириш ва тажриба алмашиш учун олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ўртасида 1998 йилдан буён беш марта танлов ўтказилган. Ана шу йўналишлар бўйича билим даражаси юқори ва хорижий тилда эркин мулоқот қилишга қодир 850 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар турли хорижий давлатларда малака ошириб келиш имкониятини қўлга киритган. Иқтисодиёт, автомобилсозлик, нефть ва газ саноати, кончилик, кимё технологияси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни механизациялаш ва ҳоказо йўналишларда етарли билим, малака, тажрибаси бор профессор-ўқитувчилар Гарвард, Нью-Йорк, Нью-Пальтц, Мериленд (АҚШ), Кембриж, Ридинг(Буюк Британия), Нова Скотия коллежи(Канада), GTZ ва DSE жамғармалари(Германия), KNOUS(Франция), МАШАФ дастури(Исроил), ХОСЕО(Корея), INTAN, Мара технология (Малайзия), Москва университетларида малака ошириб қайтишган.

Ўтган 2002 йил давомида 309 нафар олий таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқитувчиларидан иборат грант соҳиблари хорижда малака ошириб, тажриба алмашишга муяссар бўлишди. Айтиш мумкинки, Японияниг Васеда, Австриянинг Вена техника, Сингапурнинг Наньянг политехника, Кореянинг Кумо миллий технология, Голландиянинг Фонтис университетларига борган ўқитувчилар, аспирант ва докторантлар уларнинг ўзига хос таълим тизими билан танишиб, қайсидир жиҳатлари бизда ҳам мавжудлигини, қайсидир жиҳатларини эса татбиқ этиш мумкинлигини эътироф этиб қайтдилар.

Танловлар қай тартибда ўтказилади? Энг биринчи мезон нима? Аввало, ана шу саволларга жавоб излаш муҳимлиги нуқтаи назаридан, "Истеъдод" жамғармаси молия-инвестиция бўлими бошлиғи, бош ҳисобчи Зиёдулла Эрматовга мурожаат қилишга тўғри келди.

— Ривожланган хорижий давлатларга боришни ким ҳам орзу қилмайди. Аммо, бунинг ўзига хос талаблари мавжудлигини билиш керак. Биринчи навбатда, ўз йўналиши бўйича пухта билимга эга бўлиш. Иккинчидан, у хорижий тилларда эркин муомала қила оладими? Бу йилги танловлар ҳам ўтган йиллардаги каби давлат тест маркази томонидан уч босқичда ўтказилди. Хорижий тиллар, ижтимоий-иқтисодий фанлар ва яна хорижий тилдан синовнинг ёзма ҳамда суҳбат шаклига қадар етиб келган даъвогар сўнгги бор имтиҳон қилинади. Ҳамма босқичлардан ўтгандан сўнггина, у малака ошириб келиш, тажриба алмашиш грантини қўлга киритган ҳисобланади.

Бу йилги устувор йўналишлар 11 та қилиб белгиланган бўлса, танловга жами 325 кишидан ариза тушган. Улар орасидан ўз ихтисослигини мукаммал билган ва хорижий тилда эркин мулоқот қила оладиган 18 киши танлаб олинди.

Хориж сафарига бориб қайтган таълим тизимидаги илмий-педагогик кадрлар мониторингини олиб бориш заруратини ҳаётнинг ўзи тақозо этади. Ривожланаётган Ўзбекистон ўз кадрларининг ақл-заковатига, илмий салоҳиятига эҳтиёжни ҳар қадамда сезиб турибди. Бир кишининг ўзга давлатга хизмат сафари муддати, мамлакати, йўналишига қараб, 2 мингдан 4 минг долларгача ташкил қилар экан. Демак, ана шу сарфланаётган маблағларнинг маълум даражада ўз ҳисоботлари, қоларверса, самараси ҳам бўлиши керак, деган талабнинг қўйилишини ҳеч ким рад эта олмайди.

"Истеъдод" жамғармаси грант совриндорлари мониторингини ташкил этишга аҳамият бериш керак, деб ҳисобланмоқда. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Чунки хорижга бориб келиб, бир олам таассурот билан юриш бошқа, ана шу таассуротларни маржон каби бир ипга тузиб, амалиётга татбиқ этишга киришган бошқа. Грант совриндорлари томонидан хориж таълим тизимидан ўрганилган янги педагогик ижобий тажрибаларни оммалаштириш ва малака ошириш дастурларидан фойдаланиш мақсадида ҳозирга қадар "АҚШ таълим тизими ва унинг ривожланиш йўллари", "Замонавий касб-ҳунар таълимида бошқариш ва инновациялар", "Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва амалга ошириш бўйича тавсиялар", Дуглас Анчел томонидан тузилган "Интернетда ишловчиларга йўлланма", "Ўзбекистон таълим муассасаларида янги ахборот технологиялар ва масофавий ўқитишни жорий этиш" каби 30 дан ортиқ ўқув қўлланмалари, услубий материаллар тайёрланган. СОРОС фонди ва ТДПУ ҳамкорлигида "Интернет янгиликлари" ахборотномаси нашр этилиб, жамғарма томонидан ўтказилаётган тадбир иштирокчиларига тарқатилди. Бундан ташқари грант совриндорлари — профессор-ўқитувчилар аудиторияларда хориж таълим тизими, улардаги муваффақиятлар, ахборот технологиялари юзасидан ўқув курслари ўтказишиб, оммалаштириш чораларини кўришмоқда. Демак, олинган ва жамланган умумий таассуротлар акс этган манбалардан бошқалар ҳам хориж таълимининг ўзига хос жиҳатларидан хабардор бўлишмоқда.

Дунё миқёсидаги халқаро анжуманлар, турли дастурлар, ўзаро битимларга мувофиқ хорижий мамлакат сафарларига бориб келаётган ҳамюртларимиз ҳам оз эмас. Ўзга давлатни шунчаки кўриб қайтиш эмас, балки бунинг орқасидан мамлакатимизга бирор манфаат келтириш, унинг ривожланиши учун, дейлик, жуда катта бўлмаса-да, қандайдир имкониятни кашф қилиш мумкин. Буни Тошкент ахборот технологиялари университети "Радиоалоқа қурилмалари" кафедраси катта ўқитувчиси Фарҳод Холиқов фаолияти мисолида таҳлил қилишга уриниб кўрайлик.

Бельгия, Германия, Хитой, Франция, Голландия давлатларида бўлиб қайтган ёш ўқитувчига охирги марта Руминия пойтахти — Бухарест сафари насиб этди. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг Бухарестдаги тармоқ технологиялари академияси билан тузган ўзаро битимларига мувофиқ, Тошкент ахборот технологиялари университети ёш ўқитувчилари малака оширишга юборилиши керак эди. Гарчанд бориш-келиш харажатлари университет ҳисобидан бўлса-да, худди уларники сингари академиянинг очилиши, жиҳозланишини Бухарест томон ўз гарданига оладиган бўлди. Бу ҳақда Фарҳод Холиқовнинг ўзидан тинглаганимиз маъқул.

— Шу йил 17 майдан 3 июнга қадар давом этган хизмат сафарим даврида минтақавий академияни бошқариш, локал академиялар очиш ва уларни бошқариш, талабаларни рўйхатдан ўтказиш, уларнинг имтиҳон топширишини ташкил қилиш бўйича таълим олдим.

Ҳозирги кунда эса худди шундай академияда иқтидорли талабалар ва университетимиз ўқитувчилари, илмий ходимлари учун дарс олиб бормоқдаман. Бу курснинг афзаллиги шундаки, тармоқ коммутаторлари чуқур ўрганилади. Компьютер тармоғини созлаш, камчиликларини топиш, бартараф қилиш, мураккаб информацион инфратузилмаларни бошқариш ана шу курснинг мазмун-мундарижасини ташкил қилади. Кафедрамизда "Радиоузаткич қурилмалари", "Мобил алоқа тизимларида электромагнит мослашув" фанларидан маърузалар ўқиш билан бир қаторда ҳозирги кунда долзарб бўлган "Электр узатиш линиялари орқали сигналлар узатиш қурилмаларини лойиҳалаш", "MPEGI стандартли video CD дисклари ўқиш учун қурилма", "Йўлдош алоқа телевидениесини қабуллаш учун конвертор, ресевер қурилмалари", "Замонавий FM радиоузаткичларни лойиҳалаш" мавзуларидаги битирув малакавий ишларига раҳбарлик қилдим.

* * *

Суҳбатдошимизнинг таъкидлашича, минтақавий академияга яқин кунларда Бухарестдан ўқув-техник жиҳозлар келтирилади. Агар улар ўз миллий валютамизда нархланадиган бўлса, жуда катта сумма ва беғараз ёрдам сифатида берилаётган ўқув жиҳозлари келгусида кўзланган мақсадга эришиш имконини беради. Демак, бу университетда янгилик яратилди деганидир.

***

Иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармасининг эндиликда "Истеъдод" номи остида ўз фаолиятини давом эттираётганлиги барчамизга аён. Ҳозирга қадар унинг молиявий фаолияти асосан, республикамизда фаолият кўрсатаётган қарийб 100 га яқин турли вазирлик, идора, уюшма, корхона, банк, молия ва суғурта ташкилотлари томонидан ажратилган ҳомийлик маблағлари ҳисобига шакллантирилган. Булар орасида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Давлат мулк, солиқ, божхона қўмиталари, "Ўзавтойўл", "Ўздавпахтасаноатсотиш", "Ўзёғмойтамакисаноат" уюшмалари қўшаётган ҳисса салмоқли бўлди.

1997 йилдан 2002 йилгача 800 дан зиёд йигит-қизлар ривожланган давлатларнинг олий ўқув юртларига бакалавр ва магистрлик даражасини эгаллаш учун бир нечта устувор йўналишлар бўйича юборилган: иқтисодиёт, бизнес ва менежмент, халқаро ҳуқуқ, компьютер фанлари, информацион технологиялар ва коммуникация воситалари, табиий ва амалий фанлар, қишлоқ хўжалиги, экология ва мониторинг юритмоқда. Бу махсус ишчи гуруҳи гарданига юклатилган.

Биз юқорида 800 дан зиёд ўзбекистонлик талабалар чет элда таълим олганини қайд қилиб ўтдик. Агар уларнинг ҳар бирининг ақл-заковати, билими ва салоҳиятидан мумкин қадар тўлиғича фойдаланилса, ташаббусларига йўл очиб берилса, имконият даражасида рағбатлантирилса, демақ, бу ягона мақсаднинг ушалишидир.

"Умид"чилар билан суҳбатлашсангиз, хулосангиз бир хил бўлавермайди. Чунки уларга нисбатан муносабатнинг ўзи ҳар хил. Шундан келиб чиқиб, мулоҳаза қиладиган бўлсангиз, уларда гоҳо ўз ишидан мамнунлик, гоҳо чўчиш, гоҳо журъатсизлик, гоҳо аросатда юриш ҳолатига дуч келасиз.

"Истеъдод" жамғармаси бошқаруви раиси, олий ва ўрта махсус таълим вазири, академик С.Ғуломов раҳбарлигида "умид"чи ёшлар билан алоқалар тўлиқ тикланяпти. Уларнинг фаолияти синчиклаб таҳлил қилинмоқда. Республика миқёсида конференция уюштиришга ҳозирлик бошланган. Деярли ҳар ҳафта улар иштирокида семинар ва йиғилишлар ўтказилмоқда. Уларнинг диплом ишлари, кичик ҳажмдаги илмий мақолалари бўйича ҳам фикрлашиляпти.

Буюк Британиянинг Манчестер университети таълимини олиб қайтган Ербол Сулаймонов марказий банкда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, хорижий кредит линияларини ўзлаштиришни мувофиқлаштириш департаменти бошқарма бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишламоқда. У ўз фаолиятини қисқача шундай ифодалайди:

— Марказий банкда 2000 йил январь ойидан иш бошлаганман. Дастлаб иқтисодий таҳлил департаменти етакчи иқтисодчиси, сўнгра молия соҳасини ривожлантириш агентлигида контрактлар ва харид қилиш бўйича мутахассис сифатида ишладим. Банк раҳбарияти томонидан ёш мутахассисларга доимий эътиборни кўряпмиз. Банк молия академиясида уч ойлик малака ошириш курсини ўтагач, дўстим Низомиддин Муродов билан биргаликда Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошида ташкил этилган халқаро бизнес мактабида молия, банк иши, иқтисодиёт, статистика йўналишлари бўйича талабаларга сабоқ бермоқдаман. Бу эгалланган билим заҳираларимизни қайта такрорлаш ва талабалар орасида билимларимизни саралаб, шу соҳада малакали мутахассис қилиб тарбиялашда алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда.

"Истеъдод" жамғармасининг вужудга келиши, унинг халқаро алоқалари, ўз совриндорлари билан мунтазам равишда муносабат ўрнатиши умумий жиҳатдан бир муддаони кўзлайди. У ҳам бўлса салоҳиятни, хориж таълим тажрибасининг мақбул жиҳатларини ўзимизга татбиқ этишдан иборат. Шу ўринда жамғарманинг халқаро алоқалари тўрт йўналишда олиб борилаётганини яна бир карра таъкидлаб ўтиш лозим: **таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи, аспирант, тадқиқотчиларни етакчи ўқув марказларига малака оширишга юбориш, чет эллик мутахассисларни Ўзбекистонга таклиф этиш, интернет тармоғи, видеоконференциялар орқали масофадан туриб ўқитиш, хорижий мамлакатларнинг республикамиздаги ваколатхоналари билан ҳамкорликдаги дастурлар.** Иккинчи йўналиш бўйича 150 дан ортиқ семинарларнинг ўтказилиши, унда тахминан 3000 кишининг хориж таълим тизими, янги педагогик технологиялари бўйича маълумот олишга муяссар бўлганликлари ҳам таъкидлаб ўтишга арзийди. Бир қанча халқаро ташкилотлар — IREX, ЮНЕСКО, ДААД, АКСЕЛС, UNDP, USID, НСЭО билан семинар-тренинг, қишки ва ёзги мактаблар, махсус курслар ташкил қилиниб, бунда ҳам республикамиздаги минглаб ёш мутахассисларнинг ўқитилиши мақсадга мувофиқ бўлаётир.

Биз, кўпинча хориж давлатларига бориб келган ҳамюртларимизнинг таассуротлари билан қизиқамиз. Аммо улар бу билан юртимизга қандай наф келтирганини кўп ҳам суриштиравермаймиз. Шу нарса лозимки, таълим соҳасидан бирорта хорижий давлатга бориб келган ҳамюртларимизнинг таассуротлари таассурот ҳолида қолиб кетмасин. Зеро, таассуротларни амалиётга кўчира олсаккина, "Мен Ватанга нима бердим?" деган саволга жавоб беришимиз ҳам бемалолроқ бўлади.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

ОТА-ОНАЛАР МАЖЛИСИДА ЎҚУВЧИЛАР

Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманининг чекка қишлоқларидан бирида жойлашган 57-ўрта мактабда ота-оналар мажлиси бўлиб ўтди. Бу катта анжуманга туман ҳокимлигидан, ички ишлар бўлимидан, халқ таълими бўлимидан, туман диний идорасидан ва бевосита ўзини-ўзи бошқариш органларидан вакиллар таклиф қилинди. Энг диққатга сазовор жойи шу бўлдики, ушбу анжуманда 57-ўрта мактабнинг ўн биринчи синф ўқувчилари ҳам иштирок этишди.

— Бу анжуманни ўтказишдан бош мақсад, — дейди 57-ўрта мактаб директори Қодир Йўлдошев, — ўқувчилар саводхонлигининг ошишида дарсликлар айланма жамғармаси ролини ота-оналарга тушунтириш, тўй-маросимларни тежамкорлик билан ўтказиш, гиёҳвандликнинг олдини олиш, ҳар хил диний ақидаларга берилмаслик, ёшлар орасида ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш ҳақида суҳбатлашиш, баҳс-мунозара олиб бориш эди.

Дастлаб мактаб директори Қодир Йўлдошев мактаб ўқувчиларининг юз фоиз мактаб формаси билан таъминланганлиги, дарсликларнинг белгиланган суммасини босқичма-босқич тўлаб борилиши ҳамда мактаб ва оила ҳамкорлигининг таълим-тарбияни яхшилашдаги роли ҳақида батафсил тўхталди.

Сўнгра "Қаншартол" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ортиқбой Рейимов мажлисни бошқарди ва дабдабали тўй-маросимларнинг мактабдаги таълим-тарбияга ҳам таъсири борлиги тўғрисида маъруза қилди.

Унинг таклиф қилишича, келин тўйлар ихчамлаштирилиб, бир кунда, алкоголли ичимликсиз, қоларверса, миллий урф-одатларимизга мос тарзда ўтказилиши керак. Бу таклиф ҳаммага маъқул тушди. Лекин гуруч курмаксиз бўлмаганидек, бундай таклифларни тан олмайдиган, ўз билганича иш тутадиган, бармоқ билан санарли бойваччалар борлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Музокарада сўзга чиққан туман диний идораси ходими Исломбой Жумамуратов келин тўйларни ўзбекона қилиб ўтказиш ва айниқса, бўлажак келинларга икки соатгина кийиладиган оқ либос ўрнига миллий либос — атлас кийдириш ҳақида гапирди.

Туман ички ишлар бўлими ходими, участка нозири Рашид Алламов сўзга чиқиб, гиёҳвандликнинг ёмон иллат эканлиги тўғрисида, ўз жонига қасд қилишнинг ёмон оқибатлари ҳақида ўн биринчи синф ўқувчиларига атрофлича тушунчалар берди.

— Худога шукрки, — деди у, — гиёҳвандлик билан шуғулланиш, ҳар хил норасмий диний ташкилотларга қатнашиш ва ўз жонига қасд қилиш кўрсаткичлари бўйича республикада паст ўринларда турибмиз.

Мажлиснинг охири баҳс-мунозарага айланиб кетди. Бундай йирик анжуманда қатнашиб кўрмаган ўн биринчи синф ўқувчилари олдинига қисиниб-қимтиниб ўтиришди. (Сабаби, шу залда уларнингг ота-оналари ҳам иштирок этишаётган эди-да). Сўнгра эса ҳамма нарсани унутиб, баҳсга аралашиб кетишди. Ҳар хил саволлар беришди, ўз фикрларини билдиришди.

Гапнинг индаллосини айтганда, катта ёшлилар томонидан билдирилган фикрлар ёшларга тўла маъқул бўлди.

Маҳмуд АБДУЛЛАЕВ,
Беруний туманидаги 57-умумий ўрта таълим мактабининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор муовини

АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА МУАММОЛИ ТАЪЛИМ

ўғил-қизларни янги билим ва малакаларни эгаллашга ҳам йўналтиради

Муаммоли таълим муаммоли вазият яратиш орқали амалга оширилади. Чунончи, умумий ўрта таълим мактабларининг "Адабиёт" дастуридаги "Алпомиш" достони қаҳрамонлари тавсифи таҳлилида муаммоли таълим туридан фойдаланиш мумкин. Мазкур достон дастурнинг 9-синфида ўрганилади. Уни ўрганиш учун 2 соат вақт ажратилган. Биринчи соатда "Алпомиш" достонининг яратилиши, уни қўйлаган бахшилар, достоннинг ранг-баранг нусхалари ҳақида қизиқарли маълумотлар берилиб, сўнгра достон матнини ўқишга киришилади (дарсликдаги парча ҳажми ажратилган соатга нисбатан камлиги боис достоннинг ўзидан ўқиган маъқул. Қайси парчани ўқишни ўқитувчи белгилайди). Достондан парчани ўқитувчи ўзи ўқийди. Чунки ўқувчилар ҳали достоннинг тили ва руҳини яхши англаб етмаганликлари боис унинг жозибасини очиб бера олмасликлари мумкин. Иккинчи ва учинчи соатда достоннинг давоми ўқитилиб, матн устида ишланади, умумий таҳлил этилади.

Таҳлилда достондаги миллий руҳ, унинг ўқимишлилиги ва севимлилигини таъминлаган омиллар, чорвадор, ўзбек халқи ҳаётининг таъсирчан ифодаланганлиги, қўнғиротликларнинг енгил қочирим ва мутойибалари, асар қаҳрамонлари тавсифи, асар тилининг сербўёқ, қизиқарли ҳикматомуз эканлиги, бадиий тасвир воситаларининг халқоналиги, қийин сўзлар билан ишлаш каби жиҳатларга эътибор берилиши жоиз. Машғулотни ташкил этишда таълимнинг интерфаол усулларидан ўрни билан фойдаланган маъқул.

Тўртинчи соатда достон қаҳрамонларидан Қоражон ва бошқа тимсоллар тавсифи бўйича таълимнинг муаммоли туридан фойдаланиб, баҳс-мунозара ўтказиш мумкин. Ўқувчилар достон қаҳрамонларининг ҳар бири бўйича билимга эга бўлганлар. Қоражон Алпомишга, қўнғиротликларга фидойилик қилади. У ўқувчи кўз ўнгида ҳақиқий дўст, ғамгулик тарафдори сифатида гавдаланади. У маккор Сурхайл кампирнинг ўғли бўлишига қарамай, достон давомида фақат яхшилик учун курашади. Алпомишнинг ким эканлиги Қоражонга тушида аён бўлади. Барчинга уйланишни орзу қилиб юрган Қоражон фикридан қайтади ва Алпомиш томонида туриб, алпларга қарши курашади, унга умр бўйи дўст бўлиб қолади.

Шу ўринда ўқитувчи қуйидагича муаммоли саволни ўртага ташлаши мумкин: Ўйлаб кўринг, ўзга юртдан келган бегона бир йигит билан дўст тутиниб, ўз акаларига қарши курашиш, ўз ватани, халқи юзига оёқ қўйиш эмасми, уни яхши инсон дейиш мумкинми? Бу савол ўқувчилар руҳини безовта қилиши, ўқув-билувга бўлган қизиқишларини ортириши табиий.

Ўқувчилар қўйилган муаммо билан ўзлари ўзлаштирган билимларни қиёслаб, мантиқан мушоҳада юритадилар. Қоражоннинг яхши-ёмон сифатлари ҳақидаги билимларини тиниқлаштириш учун достон матнига мурожаат қиладилар.

Бундай муаммоли вазият ўқувчини асар матнига, ундаги ҳар бир фикрга диққат-эътибор билан қарашга ўргатади. Ҳар бир ўқувчи қайта ўқиш орқали ўзлаштирган билимлари асосида эркин баҳс-мунозарага киришади.

— Қоражон Алпомишни келмасидан илгариёқ тушида кўради. Руҳлар Алпомишнинг кимлигини англатадилар, ўзини унга дўст этадилар. Алпомишнинг қандай кучга эга эканлигига Қоражон Муродтепадаги учрашувда ҳам амин бўлади. Шунинг учун Алпомишга ёрдам беради.

— Бегона юртдан келган одам кучли экан деб, унга дўст тутиниш ва ёрдам бериш ўз юртдошларига хиёнат эмасми?

— Алпомиш қалмоқлар юртига ёмон ниятда эмас, ўз ёри ва ватандошларини қутқариши, қалмоқларни имонга келтириш учун боради. Унинг ниятини Қоражонгина сезади ва унга ёрдам беради.

— Алпомиш ҳақиқатан ҳам баҳодирликда тенгсиз, полвонликда ягона, умуман ҳар тарафлама беқиёс қудрат соҳиби. Достонда ёзилишича, у "ўтда ёнмас, қилич кесмас, ўқ ўтмас" паҳлавондир. Шундай экан, Қоражон ўз акаларига, жигарларига қарши бормасдан, уларга хиёнат қилмасдан бошқача йўл тутса ёки Алпомишнинг ўзига қўйиб берса ҳам бўларди-ку!

— Менимча, Алпомиш илоҳий қудратга эгалиги боис дуч келган қалмоқ полвони билан курашишни ўзига эп билмаган бўлса керак.



Наманган вилояти Чуст туманидаги 22-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Назимхон Хўжабеков 28 йиллик меҳнат фаолияти давомида ўқувчилар қалбида адабиётга ҳавас уйғотди ва бир қанча шогирдлар етиштирди.

Суратда Н.Хўжабеков дарс пайтида.

Бурҳон РИЗО олган сурат.

Sinab ko'ring

— Нима бўлганда ҳам юртдошларига бундай муносабат, ўз акалари, яқинларини ўз қўли билан ўлдириши имонли кишининг иши эмас, деб ҳисоблайман.

Шу тариқа ўқувчиларнинг барчаси ўзлари кашф этган, чиқарган хулосаларини баён этишлари мумкин. Ўқитувчи уларнинг ҳеч бирига "сенинг фикринг тўғри эмас" деб айтмаслиги керак. Қоларверса, муаммоли вазият ҳосил қилишдан мақсад Қоражонни яхши-ёмонга чиқариш ҳам эмас. Муҳими, ўқувчи тафаккурида, шуурида мустақил фикр пайдо қилиш, унинг ўзини ўйлатиш, излантириш ва эркин ҳолатда ўз ҳукми-хулосасига эга бўлишга ўргатишдир.

Бундай баҳс-мунозараларнинг ташкил этилиши ўқувчиларни достон матнини тўлиқ ва чуқур ўрганишга йўналтиради, ўз фикрининг қатъий ва аниқ бўлиши учун имкон яратади.

Муаммоли таълимнинг бошқа ўқитиш турларидан энг муҳим фарқи шундаки, унда ўқувчи тафаккурида ақлий кўзғалишлар уйғотилади. Ўқувчи муаммони ҳал этиш учун билимига эга бўлиш кераклигини англайди. Бундай вазият ўқувчини билим олишга, изланишга, ўша ҳақиқатнинг тагига етиш учун фаол ҳаракатга ундайди.

Муаммоли ўқитиш усули ўқувчида дастур асосидаги билим ва малакаларни синаб кўриш, муаммо қўйиш, мустақил ўқиб-ўрганишга имкон яратиш, муаммони жамоа бўлиб ҳал этиш ва ўқувчининг ижодий қобилиятини ривожлантириш мақсадида ташкил этилади.

Муаммони ҳал этиш учун ўқувчи олдига маълум даражада қийин, бироқ уни ечишда уларнинг кучи етадиган муаммо қўйилади. Ўқувчи мазкур муаммо бўйича билимларини ёдга туширади, ўзидаги билимлар муаммони ҳал этиш учун кам эканлигини англайди. Муаммони ҳал этиш учун фаол равишда изланади, қидиради ва топишга ҳаракат қилади, далил ва унга асосланган хулоса орасидаги фарқни тушуниб етади.

Ҳар бир ўқувчи ўзининг билим заҳирасидан ташқари янги ўзлаштирган билимлари билан мунозарага киришади. Бунда муаммо ҳал этилиши ҳам ёки кўп фикрлилик билан якунланиши ҳам мумкин.

Муаммоли ўқитиш технологияси яна шунисси билан муҳимки, ўқувчилар янги билимларни ўз қизиқишлари натижасида мустақил, ижодий изланиш йўли билан эгаллайдилар. Натижа эса самарали мустаҳкам ва амалий бўлади. Худди шунингдек, Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романидаги Ўзбек ойим, Зайнаб тимсолларини ўрганишда, Ойбекнинг "Қутлуғ қон" романидаги Мирзакаримбой, Ермат тимсолларини, Ҳамид Олимжоннинг "Зайнаб ва Омон" достонидаги Зайнаб, Анор хола тимсолларини ўрганишда таълимнинг муаммоли туридан фойдаланиш мумкин.

Бешинчи соатда ўқувчилар достондан олган таассуротлари асосида ижодий матн яратадилар. Хуллас, муаммоли таълим ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш, ижодий фикрлаш салоҳиятларини ўстиришидан ташқари уларни янги билим ва малакаларни эгаллашга ҳам йўналтиради.

Назира ҒУЛОМОВА,
РТМ Давлат тили бўлими бошлиғи

Jamiyatning buguni va kelajagi, uning madaniy-ma'rifiy va ma'naviy salohiyati ta'lim tizimining qay darajada rivojlanganligi bilan belgilanadi.

Tushida: Oppoq keng dala. U nevarasi bilan oq yo'lli otni choptirib, yelib bormoqda...

1-oktabr — O'qituvchilar va murabbiylar kuni umumxalq bayrami oldidan

ХАЛҚИМИЗ АРДОҚЛАР, СИЗНИ МУАЛЛИМ!

БАЙРАМ ТАДБИРИ: У ҚАНДАЙ ЎТКАЗИЛАДИ?

Ўзбекистон мустақиллиги туфайли тараққиётнинг барча соҳаларида рўй бераётган ўзгаришлар бўлғуси фуқароларнинг турли хил фазилатларга эга бўлиши зарурлигини тақозо этмоқда. Бозор иқтисодиёти даврида юз берадиган тезкор ўзгаришларга мос ҳолда эгилувчан, мосланувчан шахсий фазилатлар ҳамда касбий хислатлар шаклланган бўлмоғи лозим. Бўлғуси шахсларда бу хислатларни шакллантиришда ўқитувчи муҳим ўрин тутади.

Жамиятнинг бугуни ва келажаги, унинг маданий-маърифий ва маънавий салоҳияти таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Тизимдаги ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқитувчи ва мураббийларга боғлиқ эканлиги барчамизга аён.

Шу сабабли мамлакатимизда ўқитувчилар меҳнатини қадрлаш, уларга ҳар жиҳатдан ғамхўрлик кўрсатиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, таълим тизимини жаҳон андозалари асосида ислоҳ қилиш, янги илм масканлари қуриш, уларни замонавий техника ва ўқув воситалари билан жиҳозлаш кун тартибидаги асосий масалага айланган.

Ўқитувчилик азал-азалдан эътиборли касб ҳисобланади. Мамлакатимизда республика Президентининг Фармони билан 1997 йилдан бошлаб 1 октябрь — "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни" деб белгиланган.

Юртимизда ўқитувчи ва мураббийларнинг обрў-эътиборини янада ошириш, ёшларимизнинг биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари учун барча шароитлар яратилаяпти. Умумхалқ байрами — ўқитувчилар ва мураббийлар кунида муаллимлар қутлуғ айём билан муборакбод этилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг табригида бу касб эгаларига энг яхши тилаклар изҳор этилади. Байрам арафасида таълим муассасаларининг тажрибали ўқитувчи-мураббийлари давлат мукофотлари билан тақдирланади. Барча ўқув юртларида ўқитувчиларга бағишланган тадбирлар бўлиб ўтади, улар учун дастурхонлар ёзилади, шогирдлар устозларига ўз тилакларини изҳор этишади. Тадбирларда ўқитувчиларга бағишланган куй ва қўшиқлар янграйди. Собиқ ўқувчилар устозларини байрам билан табриклаш учун мактабга келадилар.

Ватанимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, таълим-тарбия соҳасини ривожлантириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, ёш авлод қалби ва онгида табиий, ижтимоий-гуманитар фанлар асосларини, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, уларни ватанпарварлик, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга салмоқли ҳисса қўшишдаги кўп йиллик самарали меҳнатлари учун заҳматкаш устоз-мураббийлар — "Ўзбекистон Республикаси Халқ ўқитувчиси", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси", "Элюрт ҳурмати" ордени, "Дўстлик" ҳамда I ва II даражали "Соғлом авлод учун" ордени каби давлат мукофотлари билан тақдирланадилар. Аньаналаримизни асраб-авайлаш, мамлакатимиз сарҳадлари яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, ёшларимизда ёт ва бегона ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун дадил курашиш ҳамиша ўқитувчи зиммасига тушади.

* * *

Юртимизда ҳар йилгидек "Обод маҳалла йили"да ҳам "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни"ни кўтаринки руҳдаги умумхалқ байрами сифатида нишонлаш кўзда тутилмоқда. Байрамга қизғин ҳозирлик кўрилар экан, уни ташкил этувчи ва ўтказувчиларга ёрдам сифатида қуйидагиларни амалга оширишни тавсия этамиз.

Мактабларда, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида, академик лицей, касб-ҳунар коллежларида, олий ўқув юртларида, маҳаллаларда, корхоналарда "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни" байрамини ўтказиш ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда, халқимизнинг устоз-мураббийларга бўлган муносабатлари мисолида ўқувчи-ёшлар, умуман инсонлар дунёқарашини шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам жамиятнинг фаол ва онгли шахсини тарбиялашга ёрдам берувчи ўқитувчи ва мураббийлар халқ педагогикаси, алломалар ўгитлари асосида ёш авлоднинг ахлоқ-одобга, билимга бўлган қарашларини ривожлантиришда жиддий эътибор бермоғи лозим.

Байрам тантаналарига ота-оналар, маҳалла фаоллари, халқ таълими ходимлари, ёзувчи, шоирлар, санъат аҳли, ҳомий ташкилотлар, фахрий ўқитувчилар, "Маҳалла", "Нуроний", "Устоз", "Олтин мерос" каби жамғармалар, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, оммавий ахборот воситалари вакилларини жалб этиш керак. Байрам доирасида дарс, тарбиявий соат, семинар, адабий-бадиий ва илмий кечалар, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилиши мумкин.

Байрам тантаналарига "Сизга таъзим, Сизга эҳтиром", "Сиз шундай буюксиз, муаллим", "Сиз — ҳаёт чароғбони", "Устоз — азиз, мукаррам", "Ўқитувчи — элга нажот", "Устоз ва мураббийлар сизларни шарафлаймиз", "Мен севган устоз", "Агар ҳаёт бўстон бўлса, боғбон муаллим", "Устозлар куни — умумхалқ байрами" каби мавзулар тавсия қилинади. Шунингдек, ёш мусаввирлар, ёш ҳунармандлар, ёш рақҳосалар, ёш чеварлар кўрик-танловларини, ёш полвонлар, ёш спортчилар, ўткир зеҳнлилар, топқирлар мусобақалари, мушоиралар ўтказилади.

Мазкур байрамни нишонлашдан аввал марҳум устозлар руҳини шод этишга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

"Ўқитувчилар ва мураббийлар куни"ни қуйидагича режа асосида ўтказиш мумкин: 1 октябрь — "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни" байрами фақат Ўзбекистондагина дам олиш куни. Ўқитувчи — улуғ зот ва руҳ меъмори. Ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатининг қадр-қиймати ҳақида. Буюк устозлар ҳақида (ўқитувчилар сулоласи ҳақида) гапириш. Ўқитувчиларни тақдирлаш, совғалар бериш. Устозлар ҳақида алломаларимиз ва Президентимиз айтган энг кўп ҳикматли сўзлар, шеърлар, қўшиқлар айта олувчи истеъдодларни аниқлаш. Китобхонлар кўрик-танловини (ҳудудий) ўтказиш. Ўқитувчига эътибор, миллатга эътибор. Устоз ва шогирд маънавияти. Ижодкор илғор ўқитувчиларни рағбатлантириш. Қадрлаш" майдонларига бориш лозим.

Байрам театрлаштирилган режа асосида олиб борилса, унинг эстетик тарбиявий қиммати янада ошади. Бу вазифа мактаб, мактабдан ташқари муассасалар, ўқув юртларининг ҳаваскорлик драма тўгараги аъзолари, мусиқа ва чолғу асбоблари тўгараклари иштирокчилари зиммасига тушади. Байрамни ўтказишда Давлат рамзларига аҳамият бериш лозим.

Қуръони Карим, Ҳадису шариф, Юсуф Хос Ҳожиб, А.Жомий, А.Навоий, А.Авлоний, Усмон Носир, Фитрат, Чўлпон, Мунаввар Қори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов сўзларидан фойдаланишга эътибор бериш лозим. "Қутадғу билиг", "Қобуснома", "Маҳбуб ул-қулуб", "Муҳокаматул луғатайн", "Одобнома", "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ", "Алифбе", "Устоз — муаллим", "Одоб сабоқлари" каби қадимий ҳамда замонавий дарслик ва қўлланмалардан намуналар қўйилиши, фидоий ўқитувчилар суратлари, энг яхши дарс ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар баёнидан лавҳалар, шунингдек, деворий газеталарнинг байрам сонлари кўргазма сифатида намойиш этилиши тадбирнинг эсда қоларли бўлишини таъминлайди.

Metodik tavsiya

ИЛМ-ФАН, УСТОЗ МАЪРИФАТПАРВАР ШАХСЛАР ТАЛҚИНИДА

Дунё турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур.

Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ.

Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай.

Имом ал-БУХОРИЙ

Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлар. Билим қайда бўлса, буюклик бўлар.

Юсуф Хос ХОЖИБ.

Фақат бир эзгулик бор — билим ва фақат бир ёмонлик бор — жаҳолат.

СУҚРОТ

Биз ўз истеъдодли, фидоий болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиши учун қанот беришимиз керак.

Ислом КАРИМОВ

Тарбия уч нарсага эҳтиёж сезади: истеъдодга, илмга, машққа.

АРАСТУ

Ўз-ўзини эл ишига бағишлаган, инсон тарбиясига жон тиккан олижаноб ўқитувчиларни, мўътабар муаллимларни бундан буён ҳам бошимизга кўтарамиз.

Ислом КАРИМОВ

Билим, маърифат яхши ахлоқ билан безанмоғи лозим.

Абу Наср ФОРОБИЙ

Аввалига биз болаларимизга ўргатамиз. Сўнгра ўзимиз улардан ўрганамиз. Кимки буни хоҳламас экан, ўз давридан орқада қолади.

Я.РАЙНИС

Мактаб — дунё иморатларининг энг муқаддаси ва қадрлисидир. Мактабнинг чин ва ҳақиқий маъносини билган миллатлар жонлари, моллари ила ҳиммат ва ғайратларини сарф этиб, миллатнинг тараққийи ривожига ижтиҳод қилурлар.

Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ

Инсонни инсон қилиб етиштирувчи нарса — тарбиядир.

ДЕМОКРИТ

Г.ИБРАГИМОВА,
РТМ "Маънавий ва маърифий ишлар" бўлими бошлиғи

ЭЪТИҚОД

ЎҚИТУВЧИНИНГ БИР КУНИ...

Elda aziz

Улфатим кўп, аммо
бир дўсти ҳамроҳ,
Ҳалим тополмайман
ундан ҳалимроқ.
Қанча устоз кўрдим,
қанча олийгоҳ,
Олим тополмадим,
ундан олимроқ.
Бола юрагимда
бебаҳо тилсим,
Оддий муаллим у,
оддий муаллим.
Муҳаммад ЮСУФ

Она тандирга ўтин ташлаб, олов ёкди. Ғарамланган ўтиннинг ҳам таги кўриниб қолибди. Қиш ғамини, ўтин ғамини ўйлашимиз керак экан-да. Гуриллаб ёнаётган оловга қараб, ҳаёлидан ўтди: "Тандир ичидаги олов тафтига зўрға чидайди одам, дўзахни ҳам оловга ўхшатишади, дўзахингдан ўзинг асрагин, Оллоҳим..."

Саватга нонларни солди-да, тандирга ёпа бошлади. Тўлин ойдек нонларни бақувват қўллари билан узиб олар, хаёлини эса бугун ўтиладиган дарс сценарийси чулғаган...

Безовта бўлиб, набирасидан хабар олди, қаттиқ шамоллабди, тез ёрдамни чақирди, она-болани касалхонага олиб кетишди...

Говмишни соғиб, сутни пиширишга қўйиб, ҳовлидаги қўй-қўзиларга ўт солди. Набираларига чой тайёрлаб, апил-тапил кийиниб, "данагидан мағзи ширин"ларни боғчага қўйганча, ўзи мактабга, муқаддас даргоҳига юзланди. Ҳамкасблари билан эсон-омонлаб, янги келган газеталарни варақлаб, кўз югуртириб бўлганди ҳамки, дарсга қўнғироқ чалинди.

Опа — Бувайда туманидаги 39-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Моҳинисо Дорипова тўлқинланиб-тўлқинланиб дарс бошлади. Ўзига хос ва ноанъанавий тарзда... Дарс жараёнида баҳс-мунозара, анжуман, интерфаол, фаол-мулоқот (дебат), саҳна, модул каби ноанъанавий усуллардан самарали фойдаланди.

Танаффусда "Ёш тилшунос", "Ёш адабиётшунос" тўгараги аъзоларининг газетага тайёрлаган хат-хабарларини кўриб берди, таҳрир қилди. Ўқувчиларига тайёрлаган материалларини оққа кўчириб, таҳририятга етказишларини таъкидлади. Ўқувчиларининг қаламлари ўткирлашганига хурсанд бўлди, шукр, билдирган эътирозларимни тўғри қабул қилишибди. Илоҳо, ижодингизга кўз тегмасин деб, яна дарсга шошилди...

Бугунги ўқув режасида белгиланган дарсларидан тушдан кейинги дарси қолди. Тушлик вақтидан унумли фойдаланиши керак. Бир пиёла чой ва енгил овқатланиш асносида беморлари учун овқатни ярим тайёр ҳолатда қилиб қўйди. Ўғлига хат ёзиб, уйдаги аҳволни батафсил баён қилди.

Бутун вужуди билан илм дарёсига болалар билан шўнғиб кетди. Сабоқ тугагач, ёзма ишларни қўлтиқлаб, ҳамкасблари билан хайр-хўшлашиб, уйга отланди.

Барака топсин, ўғли овқатни пишириб касалхонага кетибди. Она набираларини олди-да беморни ўз кўзим билан кўрайин деб, қадамини тезлаштириб, касалхонага отланди. Шукр, неварасининг иссиғи тушиб, пишиллаб ухлаяпти. Келинқизига тамадди қилиб олинг деб, ўзи шифокорлар хонасига аста-секин юра бошлади. Оқ эшикка "Бош шифокор" деб ёзилган хонани минг бир хижолат бўлиб тақиллатди. Изн бўлгач, гарчи ёш бўлса-да, оқ халат ўзига ярашган, юзидан нур ёғилган йигит опани қабул қилди. Сукут сақлаб, сўзларини тинглади. Опа ичида дори-дармонлар, хизмат учун фалон сўм сўраса керак, деб ич-этини еб, боши ғувуллади. Ҳали маош олганларича йўқ... Аммо опанинг хаёлларини бош шифокор бўлиб юборди.

— Опажон, сиз хавотирланманг, худо хоҳласа, неварангиз яхши бўлиб кетади. Дори-дармонлар етарли, зарурат бўлса, айтармиз. Имкониятлар бор ҳозирча...

Тўлиб-тошиб, келинқизига бош шифокор билан бўлган суҳбатни сўзлаб берди. Болам, "Эл оғзига элак тутиб бўлмас" экан-да, дўхтирларга пул, совға-салом бермасанг қарамайди дейишади. Инсофлилари ҳам бор экан-ку... Ёки етти фарзандимни бир кўз билан отасиз боққанимни эшитганмикан...

Неварасининг "аяжон, сув" деган илтижоси она-бола ўртасидаги суҳбатнинг белига тепди. Шукр, шунчалик дарди енгиллашганига шукр. Бир пас неварасини эркалатиб, ота-онанг бахтиларига омон бўлгин, деб дуо қилди-да, хайрлашиб, уйга шошилди.

Йўлда юриб кетаяпти-ю, хаёл қурғур учқур отдек елиб, ўтмишини эсга солди, қалб кечинмаси армонли қўшиқ бўлиб ингради:

"Болалик пайтларим 1955-1965 йилларга тўғри келган. У вақтлар энди билсам жуда оғир йиллар бўлган экан... Катта-кичик болалар тўпланиб олиб, турли ўйинлардан бош кўтармаймиз. У даврларда оилада бизбоп иш ҳам йўқ экан, шекилли — оналаримиз "Боринглар, ўйнанглар", дея ишларни ўзлари қилаверардилар. Кўчамизда Зуҳра опа деган бир қиз бор эди. "Айтишларича, у отадан эрта етим қолган экан. Қачон қараманг чилдирмасини олиб, бизни йиғарди-да, қўшиқни бошларди:

Ғўзапоя ўтини,
Аччиқ экан тутуни.
Ҳеч бандага солмасин,
Етимликнинг ўтини.
Чилдирма чала-чала,
Чорвоғимдан айрилдим.
Бошимдаги соябон —
Мен отамдан айрилдим.

Болалик экан-да, кимдир ўйинга тушар, кимдир тинглар, яна кимдир Зуҳра опанинг қўшиғига қуларди.

Орадан анча йиллар ўтди, ҳаётнинг қаттиқ қисмати менинг фарзандларимни ҳам отадан эрта айирди. Ана шундагина Зуҳра опанинг бутун армонлари қўшиқ бўлиб тўкилгани, дардлари чилдирмаси оҳангига қуйилганини юракдан ҳис этдим, қалбим ўртанди. Шундагина сездим — етимликнинг "ўти", қуйдиргувчи тутуни аччиқ бўлишини. Шундагина сездим ота — фарзандлар бошидаги соябони, тенгсиз посбони эканини...

Ҳа, ҳаёт мисоли чархпалакка ўхшайди, инсон ўз умри давомида не синовларни кўрмайди, дейсиз. Зуҳра опа ҳам ҳозирда фарзандлари, келинлари, набиралари даврасида муҳтараму мўътабар она. Фарзандларнинг посбони, соябони бўлмиш умр йўлдоши она бахтининг бутунлиги тимсоли.

Бу оила кўпчилик ҳавас қилса, ибрат олса, арзигулик оилалардан бири бўлиб қолди. Шуларни ўйлаб туриб, яратган Эгамга илтижо қиламан:

«Ўғилларим, Алпомишларим, мунисгина Умидам ҳам орзулари рўёбли, бахти бутун инсонлар бўлсин. Келажакда бугунги армону ўкинчларини унутиб, бекаму кўст умр кечирсинлар, дадаларининг пок руҳи уларни ҳамиша қўллаб турсин!"

Дарвоқе, опанинг турмуш ўртоғи ҳам математика ўқитувчиси бўлган. Бевақт ўлим 6 ўғил, бир нафар қизни отасидан жудо қилган... Домла Йўлдош ака Дориповни Оллоҳ раҳматига олган бўлсин...

Илоҳо, набираларим отаси ўзига насиб этсин, етимлик, фарзандлик доғини кўрсатмагин деб, яратгандан сўради.

Ботиний "мен"и ташқарига беихтиёр чиққанини, қўшнисининг "Ҳа, омон бўлгур Моҳиниса, юрган йўлингизда ҳам болаларга дарс беряпсизми ёки шеър тўқиб юрибсизми?" — деган ширин танбеҳидан опа ҳушёрланди, қадрдон қўшниси билан эсон-омонлик қилишди, ҳол-аҳвол сўрашди. Неварасининг анча соғайганини эшитиб, хурсанд бўлди. Бугун маҳаллада тўй борлигини, ёдидан чиқмаслигини таъкидлади. "Ҳа, Моҳиниса, айтгандек, хотиримдан кўтарилибди, омон бўлгур Муроджон, ажойиб видеочи бўлибди-да, Маликахоннинг тўйида роса видеога олди-да, бу дунёдан ўтиб кетсам, невараларим кўриб юрар, эсдаликда. Роса азоб-уқубат билан болаларингизни ўқитиб, нонини бутун қилдингиз, ҳам ота, ҳам она бўлиш қийин. Илоҳо, меҳнатларингизнинг роҳатини кўринг, кам бўлманг", деди қўшниси. Қадрдон қўшнисининг сўзларидан кўзларидан тирқираб шашқатор ёш оқди. Шукр, Яратганга, шукроналик учун шукр деб, қўшнисини уйга таклиф қилди. "Қўшнижон, Сиз ўтириб туринг, мен ҳозир" деди-да, бир пиёла чой тайёрлади. Бир пиёла чой устида бугун бир мўътабар даргоҳга боришини айтиб, ҳамроҳ бўлсангиз, бирга бориб келардик деб, табаррук оилада бўладиган суҳбатга шошилди. Бу суҳбат ўзбек халқининг буюк ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор ҳақида эди...

Опа жонли мулоқотдан оламолам таассурот, яхши кайфият билан уйга келди. Ҳартугул Муроджони синглиси Умида билан овқатга ҳаракат бошлаган экан.

— Онажон, келяпсизми, чарчамадингизми? Беморлар яхшими? Сиз бир пиёла чой ичиб олинг, биз юмушларни қилиб турамиз.

Опа болаларига юзланиб, омон бўлгурлар, мен табаррук бир хонадонда бир пиёла чой ичдим. Овқатни тезлаштириш керак, касалхонага кеч овқат олиб боришнинг нафи йўқ, деди. Сўнгра ҳовли ишларини қизига, мол-ҳолларни ўғлига буюриб, ўзи кечки овқат пишириш билан машғул бўлди. Идишга солинган овқатни сумкага жойлаб, ўғлини касалхонага юборди. Говмишни соғиб, челақдаги сутни қўшнисига илинди. Қизига, қўшнимизга бериб чиққин, болаларининг оғзи «оқ»қа тегсин, деди.

Жамулжам бўлиб, кечки овқатни тамадди қилишаётганда, қўшнилари тўйга чақириб қолишди. Болаларининг норозилик оҳангини сезди. Биз билан ўтирмайсизми, онажон, дейишди. Опа, ҳай болаларим, «маҳалланг — ота-онанг» дейишган, бирров бориб муборакбод этиб келаман. Аканг билан келармиз, ҳа, у эл хизматида, элнинг қорига яраган кам бўлмайди деб, болаларини тинчлантирди.

Тўй соҳибини табриклаб, бир пиёла чой ичиб, узр сўраб, уйга қайтди.

Хонадонига қадам қўйибоқ, неварасининг ҳол-аҳволини сўради, ўғлининг: Опажон, хавотирланманг, иссиғи тушибди, кам-кўсти йўқ, дўхтирлар яхши қарашяпти экан, деган сўзлари хавотирларини тарқатиб, тинчлантирди.

Фарзандлари билан суҳбатлашди, эртанги кун қилинадиган ишлар режалаштирилди. Болалар безовталанишди. "Ҳа, тинчликми? Арининг ини бузилдими?".

— Онажон, ҳозир «Гвадалупе», кейин «Камила» бўлади.

— Шу хориж телесериаллари ҳам бемаза қовуннинг уруғидек кўпайиб кетди-да. Ярим кечагача кўрасизлар. Билиб-билиб, ўз қизиқишингиз, ишингиз билан машғул бўлинг, китоб ўқинг...

Опа ижодхонасига йўл олди. Хонтахта устида «пишитиш»га қўйган ишига яна бир юзланди ва давом эттирди. «Қайтиш» деб сарлавҳа қўйди. Ёзганларидан ички бир қониқиш ҳосил қилди-да, аста овоз чиқариб, ўқий бошлади. Шу аснода телефон қаттиқ ва узундан узоқ жиринглади. Тошкентдан бўлса керак, деган ўй хаёлидан ўтди. Ҳа, тахмини тўғри чиқди. "Болам, омонмисизлар, тинчликми? Онажон, суюнчи беринг, яна бир неварали бўлдингиз? Муборак бўлсин болам, ўзларингга насиб қилсин, омон бўлсин, ота-онаси билан бирга бўлсин, Яратганга шукр. Келинболамни қутлаб қўйгин, тез-тез овқатидан хабар олгин. Салом дегин". Ётар чоғи бўлса-да, опанинг уйқуси учди-кетди. Китоб жавонидан ўғли Эркинжоннинг илк шеърий китобини қўлига олди. Ундаги дардли сатрлар уни яна-да ҳаяжонлантирди.

Опа, кўзда ёш билан илоҳо, невараларим бахтига ота-онаси соғомон бўлсин, умрлари боқий бўлсин, деб дуо қилди. Кўз ёши ёстиқни хўл қилди. Яратганга шукрона келтириб, кўзи илинди. Тушида: Оппоқ кенг дала. У неварасининг оқ ёлли отни чоптириб, елиб бормоқда...

Кумрихон СУЛТОНОВА,
Республика таълим маркази матбуот ходими

Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл туманида Шўрахон деб аталувчи бир сўлим қишлоқ бор. Бу қишлоқни мамлакатимизда ҳамма билади, ҳамма танийди. Танишининг, билишининг бош сабаби ўз меҳнати билан танилган инсонлар, зиёлилар ва ҳунармандларнинг кўплигидир. Айниқса, ўқитувчилари билан ҳам бу қишлоқ кўп ном таратган.

Биз сўз юритмоқчи бўлган ўқитувчи Содиқ Ҳусайинов ҳам билими ва меҳнат фаолияти билан доимо ўзгалардан ажралиб турган.

Дарҳақиқат, элга танилиши учун одам қайсидир бир жиҳатлари билан доимо етакчилик қила олиши лозим. Мен болалик йилларимдан эслайман, Содиқ Ҳусайиновни ҳамма ҳурмат қилар эди, доимо маслаҳат олишарди. У истараси иссиқ, бағри кенг, зиёли инсон эди. Содиқ Ҳусайинов 1932 йил Шўрахон қишлоғида таваллуд топган. Болалиги чангли йўлларда ўтди. Қўй боқди, мол ҳайдади. Кейин қишлоқдаги Пушкин номидаги ўрта мактабда ўқиди. Сўнгра Низомий номидаги педагогика институтининг педагогика ва психология факультетида таълим олишни давом эттирди.

1953 йил олий ўқув юртини битирган Содиқ Хивада икки йил ишлади. Кейин уни туман раҳбарияти ҳокимиятга инструктор қилиб ишга олди. Энди унинг фаолияти янада кенгайди. У бутун бир туманнинг маорифи билан шуғуллана бошлади. Маърифий-маданий ишларга бош-қош бўлди. Ҳокимиятда роппа-роса етти йил ишлагандан кейин уни туман халқ таълими бўлимига ишга тайинлашди. Энди у том маънода маърифатпарварлик фаолиятини бошлади. Мактаблар ҳаёти ва ўқитувчилар фаолияти билан яқиндан таниша бошлади. 1962-1963 йиллар тинимсиз ишлади, аммо буйруқбозлик, мустақил ишлашга йўл бермаслик каби ҳолатлар уни ранжита бошлади. У пайтини топдию, ўзига-ўзи буйруқ чиқариб, ўша ўзи ўқиган Пушкин номидаги мактабга ишга ўтди.

Мактаб директори Эгамберди Розметов ҳам ҳайрон. Кеча мудир бугун мактабга келиб иш сўраб ўтирибди. Уни кўрганлар хурсанд. Очиқ гаплашиб ҳеч тортинмасдан суҳбатлашар эдилар. Уни дарҳол директор ўринбосари лавозимига тайинладилар...

Домла бизни 1972 йилларда рус тили ва адабиёти фанидан ўқитганлар. Ҳали-ҳамон эсимда, Пушкиннинг "Дубровский" асарини шундай гапириб берардики, воқеалар гўё кўз олдимиздан кино лентасидай ўтарди. Рус тилида қизиқарли ва равон қилиб гапирарди. Биз унинг рус тилини яхши билишига қойил қолардик. Кўз олдимизга гўё рус манзаралари келарди. Бу киши Россияда яшаб келган, деб ўйлардик.

Унинг ўқувчиларга бўлган жиддий муносабати, бағри кенглиги, маданиятлилиги ҳаммани ўзига жалб этарди. Ҳамма ўқувчилар ўша домлага ўхшашни исташарди. Домла гоҳо ҳазилни ҳам жойига қўя оларди. Ўқувчилар билан ҳар хил ҳолатларда муносабат қилишга тиришарди. Ҳар бир ҳолатда ҳар хил ўқувчининг қайсидир жиҳати намоён бўлиб қолишини биларди. Гўё у кишининг бағрикенглигида барча технологияларни қамраб оладиган қандайдир ишончли фазилатлари бор эди. Шундан бўлса керак, болалар яхши ўқишга ҳаракат қиларди. Кимки, ғиромлик қилса, шундоқ сезиб турарди.

Ўқитувчилар ҳам шундай эди. Мактабда тартиб-интизом жуда яхши бўлиб, ҳамма бу мактаб ўқитувчиларига ҳавас қиларди. Математикадан Рўзимбой Оллаберганов, физикадан Олим Қурбонов, тил ва адабиёт фанидан Аминбой Қурбонов, кимёдан Йўлдош Олтибоев, биологиядан Йўлдош Дўсимбетов, тарихдан Ғойиб Тўқимбетов каби ўқитувчиларни туманда барча ҳурмат билан тилга оларди. Шундай кучли жамоанинг пинҳоний етакчиси Содиқ Ҳусайинов эди.

Кунлардан бир кун ўқув йили бошида Содиқнинг дўсти Пўлатга дарс юкламаси етмай қолди. Директор унга қўшни мактабларга ўтиб ишлашни маслаҳат берди. Пўлатнинг эса кетгиси йўқ. У дарҳол Содиқнинг ёнига борди.

— Содиқ, директор дарс юкламаси йўқ, деб турибди, кетадиган бўлдим, — деб қолди. — Ёрдам бермасанг бўлмайди.

— Дарс юкламаси бор, ҳеч қаерга кетмайсан, — деди у.

Шундай қилиб Содиқ директорнинг ёнига борди.

— Пўлатни олиб қолиш учун мен директор ўринбосарлигидан бўшайман. Ибодуллани ўринбосар қилиб сайлаймиз, — деди.

Директор бунга кўнмади. Масала жиддийлашди. Содиқ барибир барча ишларда ёрдам бериб юражагини айтгандан кейин директор кўнди. Аммо Ибодулла домла ҳам "ишлай олмайман" деб туриб олди. Унга Содиқ "ўзим ёрдам бераман" деб кўндирди. Шундай қилиб, Содиқ битта яхши ўқитувчини мактабда сақлаб қолди. Ўринбосар бўлиш асосий иш эмас, балки яхши жамоани сақлаб қолиш асосий иш эканлигини у яхши тушунарди. У ўқитувчи бўлиб ишлай бошлади. Барибир, ҳурматига яна ҳурмат қўшилди. Ўзининг фидоий меҳнатини бахш этиб, эвазига ҳеч таъма қилмайдиган ўқитувчи ҳақиқий маърифатпарвардир.

Шунақанги, мазмунли ва қизғин фаолият эгаси бизни ўқитганлигидан хурсандман. Мен Нукус давлат университетининг филология факультетини битказиб, ҳозирги 17-мактабда ишлаб юрганимда домланинг олдига тез-тез бориб турар эдим. Ҳар хил мавзуларда суҳбатлашардик. Гап айланиб танқидчиликка келганида Матёқуб Қўшжонов билан Озод Шарафиддиновга юксак баҳо берарди ва ўшаларнинг асарларини кўпроқ ўқишни тавсия қиларди. Ҳақиқатан ҳам мен бадиий ижодга қизиқишимга Озод Шарафиддиновнинг қизиқарли танқидий мақолалари туртки бўлди. Домланинг танқидий асарларни ҳам ўқиб боришини ўшанда билганман. Мен турли хил нашрларда мақола ва шеърлар билан кўрина бошлаганимда домла роса қувонган эди. Мабодо бир неча ой матбуотда кўринмай кетсам "кўринмай кетдинг-ку", деб ҳазиллашиб қўярдилар...

Гарчи домла бугун ҳаётда бўлмаса-да, унинг фарзандлари ва невералари бор. Невараси Камол бугун Нукус давлат университетининг математика факультетида сўнгги курсда таълим олмоқда. Ўқишни яна давом эттириш орзуси бор. Яна бир невараси Дармон истеъдодли ўқувчилар мактабида таълим олаяпти. Шеърлар машқ қилади. Яқинда қўлёзмаларини ўқиб қолдим. Қишлоқ ҳақидаги шеъридан бир тўртлик эсимда қолган:

Боғингда гулларинг
бисёр очилган,
Қалбингда оқади
жўшқин бир дарё.
Фарзандларинг номи
дилга битилган,
Қишлоғим, сен
ўзинг мен учун ҳаё!

Бу сатрлар остида уриб турган қалбнинг ҳам буюк орзулари борлигини ҳис қилиш мумкин. Балким унда бобосининг истеъдоди яна барқ уриб яшнаши, ўзини намоён қилиши мумкин-ку!

Тоҳир РЎЗИБОЕВ,
Тўрткўл туманидаги 64-истеъдодли ўқувчилар мактабининг олий тоифали она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

AQShning Nyu-York shahridagi Metropoliten muzeyida o'tkazilgan «Ilk shaharlar san'ati» mavzuidagi ko'rgazmada uch oy davomida namoyish etilgan «Ikkita chipor ilon boshi tasvirlangan taqasimon toshtumor» noyob topilma sifatida minglab tomoshabinlarni hayratga soldi.

Qishloqdan qaytar ekanman, shuncha odamni birlashtirgan, ezgulik sari uyushtirgan, ma'rifatli bo'lish uchun jon kuydirishga undagan, elni elga qo'shishga olib kelgan buyuk kuch — milliy qadriyatlarimizning qudrati ekani aynan hashar misolida ko'rinib turganiga amin bo'ldim.

Moziydan sado

ТАРИХИМИЗ ТАРҒИБОТИ

Ватанимизга бўлган ғурур ва ифтихор туйғусини сингдириш, Ўзбекистонни қадимий цивилизация марказларидан бири сифатида дунёга янада кенгроқ танитиш, осори-атиқаларимиз, шунингдек, маданий бойликларимизни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш ва кенг тарғиб қилиш Ўзбекистон тарихи давлат музейи жамоаси фаолиятининг асосини ташкил этади. Бу борада оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланилаётганлиги қўйилган мақсадга эришишимизда муҳим рол ўйнамоқда.

Музейнинг янги экспозицияси асосида республика телевидениеси ва радиосида бериб борилаётган туркум кўрсатув ҳамда эшиттиришлар, "Маърифат", "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газеталарида очилган "Мозийдан садо", "Мозий дурдоналари" рукни остида чоп этилаётган мақолалар кенг жамоатчиликнинг музейга бўлган қизиқишини тобора кучайтираётганлигини кўрсатмоқда. Республикамиз вазирликлари, идоралари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, шунингдек, жамоат ташкилотларининг музейга ташриф буюриши, хорижий меҳмонлар сонининг тобора ортиб бораётганлиги фикримизнинг далилидир. Биргина шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида музей экспозициясидаги 10 мингдан ортиқ ноёб ёдгорликлар, ашёлару ҳужжатли фотосуратлари, "Иккита чипор илон боши тасвирланган тақасимон тоштумор" "Илк шаҳарлар санъати" номи билан АҚШда чоп этилган дунё каталогидан ҳам муносиб жой олди. Шубҳасизки, бу жонажон юртимиз номини, унинг буюклигини, қадим халқимизнинг улуғлигини яна бир бор эътироф этишда катта аҳамиятга эга.

Албатта, амалга оширадиган ишларимиз ҳали жуда кўп. Шу боис оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, халқимизни ва айниқса, ёшларимизни музейнинг ҳар бир ноёб топилмаси, ашё ва фотосуратлари билан мунтазам таништириб боришни ўзимизнинг асосий ишимиз деб биламиз. Бу эса кенг жамоатчиликнинг тарихимиз дурдоналаридан бохабар бўлишида ҳамда ўзлигимизни англашда беқиёс аҳамиятга эга бўлиши, шубҳасиздир.

Мансур СИДДИҚОВ,
Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори

«РАҚСГА ТУШАЁТГАН ЖАНР»

Газетамизнинг шу йил 7 май сонида эълон қилинган тест саволларига жавоблар.

1. "Дўстлар, бу кун ажаб бир сарв қомат кўрмишам, сурати бошдин аёқ ғарқи латофат кўрмишам".

Ушбу дилбар мисралар муаллифи шоир, моҳир таржимон ва муаррих олим Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий (1809-1874) ҳисобланади.

2. Севги ҳақида, дераза, дашт ҳақида, армон ҳақида балладалар ёзган замондош шоиримиз, драматург, ажойиб насрий асарлар муаллифи Усмон Азим бўлади.

3.

Юқоридаги мисра рус шоири М.Ю.Лермонтов (1814-1841) қаламига мансуб бўлиб, у. 1832 йилда яратган "Парус" ("Елкан") шеърининг сўнгги тўртлигида шундай ёзади.

4. "Муқаддас шудринг тушган бедазордан ўтиб соҳилга чикди, сал юриб оловдай товланиб ястаниб ётган лолазорга дуч келди, энтикди, кеча опаси билан бўлган ширин суҳбатни эслаб пичирлади: "Эҳ, опажоним, азизим, нимасини айтай, ҳаёт дегани, умр дегани — икки эшик ораси, бир қадам йўл, ана-мана дегунча ўтади — кетади". Келинг, ушбу матнда яширинган бадиий асарлар номини топайлик.

"Муқаддас" (Одил Ёқубов қиссаси), "Шудринг тушган бедазор" (Шукур Холмирзаев ҳикояси), "Соҳил" (Юрий Бондарев романи), "Лолазор" (Мурод Муҳаммад Дўст романи), "Азизим", "Ҳаёт" (Ги де Мопассан романлари), "Умр" (Суннатилла Анорбоев қиссаси), "Икки эшик ораси" (Ўткир Ҳошимов романи), "Бир қадам йўл" (Усмон Азим драмаси) ва бошқалар.

5. Жаннатини гоҳ йўқотган, гоҳ топган — бу инглиз шоири Жон Мильтон (1608-1674). У "Йўқотилган жаннат" (1667 йил), "Топилган жаннат" (1671 йил) поэмаларини яратган.

6. "Саъдий ва Ҳофиз асарларининг пинҳоний асрорига етгунимча шеърларимда қувончбахш жиҳатлар ва ҳаётдўстлик кам учрарди" дея эътироф этган машҳур рус шоири Александр Сергеевич Пушкин (1799-1837) эди.

7. Фазода, самолётда бандаликни бажо келтирган жафокаш араб шоири, Фаластин жамоат арбоби, "Мактублар", "Ватанни қалбимизда жо қилиб", "Ташрифнома", "Дераза ойнасига битилган шеърлар", "Фаластин дафтарлари" каби китоблар муаллифи Муин Бсису бўлади. У ҳақда шоир Икром Отамурод "Ярадор умид отлари" номли публицистик достон ҳам яратган. М.Бсису 56 йил (1928-1984) умр кўрган. Халқаро Нилуфар мукофоти лауреати (1980).

8. "Дуо қилинг, нодонларнинг юзин кўрмай" дея ёлворган улкан мумтоз адабиёт намоёндаси Аҳмад Яссавий (1105-1166) бўладилар.

9. Рақсга тушаётган жанр бу баллада, чунки итальянча баллада сўзи "рақсга тушиш" маъносини билдиради.

10. "Инсон барча жонли мавжудотлар орасида ақлли овоз — сўз соҳиби бўлгани учун эмас, балки ҳаётбахш жонга, илоҳий руҳга эга бўлгани учун ҳам, изтиробга, фидойиликка, ҳамдардлик ва бардошли бўлишга мойиллиги, лаёқати бўлгани учун ҳам мангу яшайди. Шоиру ёзувчиларнинг бурчи ҳам мана шунда — кишилар қалбини юксалтиришда, уларга хос мардлик ва шижоатни қайта тиклаб, ўтмишда инсоннинг шон-шарафи бўлган орномусни, орзу-умидни, ифтихорни, меҳр-шафқатни ва фидойилик туйғуларини кучайтириш ва инсоннинг ирода-бардошига кўмаклашишдир".

Сиз ёд олган ибратли сўзларни Нобель мукофотини олиш пайтида ("Инсон мангу яшайди" нутқи, 1950 йил) "Сарторис", "Шовқин ва нафрат" "Август ёғдуси", "Авессалом, Авессалом", "Қишлоқча", "Шаҳар", "Қўрғонча", "Нақллар", "Мусо, пастга туш" каби машҳур асарлар муаллифи, забардаст америка ёзувчиси Уильям Фолькнер (1897-1962) айтган.

11. Ҳикоялари серфожеа адиб "Тинч Дон", "Очилган қўриқ", "Улар Ватан учун жанг қилдилар", "Инсон тақдири" каби машҳур асарларни яратган рус ёзувчиси, жамоат арбоби, академик, Нобель мукофоти лауреати (1965 йил) Михаил Александрович Шолохов (1905-1984) бўлади. Агар Сиз адибнинг "Жаҳон адабиёти дурдоналари" (ЖАД) сериясида нашр қилинган "Инсон тақдири" (Тошкент 1988 йил) номли ҳикоялар тўпламини ўқиб чиқсангиз ундаги ўн тўққиз ҳикоядан нақ ўн олтитаси фалокат, ўлим билан якун топганига шоҳид бўласиз.

12. Алишер Навоий (1441-1501) "назм беша (ўрмон В.О.) синнг ғазанфари ва дарду ишқ оташкадасининг самандари" ҳамда "Ҳинд сеҳргари" деб ота-бобоси шаҳрисабзлиқ бўлган ҳинд шоири ва олими Хусрав Деҳлавий (1253-1325)ни атаган. У 500.000 байтга яқин шеърий мерос қолдирган. Лирик шеърлари беш девонни ташкил этади. Булар — "Ёшлик туҳфаси" (1293), "Сараларнинг сараси" (1316), "Камолот чўққиси" (1326). Бир неча достонлар, шу жумладан Низомий (1141-1209) "Хамса"сига ўхшатиб "Хамса" (1298-1301) ҳам яратган.

13. Илтижоли мисраларни суврати ҳам, сийрати ҳам бағоят гўзал бўлган Нодира (Комила, Макнуна) тахаллуси билан ижод қилган ўзбек шоираси Моҳларойим (1792-1842) ёзган.

14. Уйда ёзилмаган достон "Палаткада ёзилган достон" деб номланади. Уни 1966 йилда Ўзбекистон халқ шоири, драматург, жамоат арбоби, Ўзбекистон Қаҳрамони (1999) Эркин Воҳидов (1936 йил 28 декабрь) ёзган. Асарда Тошкент зилзиласи (26 апрель 1966 йил), халқимизнинг сабот-матонати, руҳий оламининг гўзаллиги, халқлар дўстлиги тасвирланган.

15. "Юрак", "Қон", "Овоз", "Қўллар", "Кўзлар", "Сочлар", "Лаблар", "Фикрлар" каби жарангдор шеърларни яратган Литва халқ шоири Эдуардас Межелайтис (1919) бўлади. Инсонга ишонч ва муҳаббат, ҳаёт нафаси, халқ куч-қудрати, заковати баралла уфуриб турган ўтли шеърларни ўзида жамлаган китобнинг номи "Инсон" (1961) деб номланади. Бу тўпламни албатта ўқинг: юрагингизда бўронлар уйғонади.

16. 100 йил умр кўрган оқин бу, қозоқ халқи шоири ва оқини Жамбул Жабаев (1846-1945) бўлади.

17. **"Нени севар эсанг — имонинг улдур"** ушбу машҳур мисра буюк турк сўфий шоири Юнус Эмро (1240-1320/21) қаламига мансуб. Бу шоир ҳақида кенгроқ билишни истасангиз адабиётшунос Иброҳим Ҳаққулнинг "Абадият фарзандлари" китобини ўқинг.

18. "Музнома" (1958 йил) китобини Эстон халқ ёзувчиси Юхан Смуул (1922-1971) ёзган. Асар 1968 йили Усмон Шамсимуҳаммедов таржимасида ўзбек тилида нашр қилинган. Китоб ўқимишли бўлиб, Антарктика ҳақида ҳикоя қилади.

19. "Бу китоб жисму фиғонимдир менинг,
Бу калом жону жаҳонимдир менинг".

Григор Наркацнинг "Мусибатнома"сидан келтирилган ушбу мисралар адиб Чингиз Айтматов (1928 йил)нинг "Асрни қаритган кун" (1980) романига цитата (иқтибос) қилиб олинган.

20. Йиғлаш навбатини мажнунтолга берган ҳассос шоир Миртемир (1910-1978) эди. Шоирнинг 1972 йилда ёзган ўн икки мисрали "Бетоблигимда" шеърида:

Мажнунтол тагига
ўтқазинг мени,
Шу кунгача ўзни
мен чеклаб бўлдим.
Мажнунтол тагига
ўтқазинг мени
Мен учун йиғласин,
мен йиғлаб бўлдим,

деган мисралар бор.

21. Бешикларга, ханжарларга, шох-қадаҳларга, ўчоқларга, тошларга, кўзаларга, устунларга, қояларга, қабртошларга, эшик ва дарвозаларга битиклар битган машҳур авар шоири, жамоат арбоби Расул Ҳамзатов (1923) бўлади. Шоирнинг "Отам билан суҳбат" (1953. Дарвоқе, шоирнинг отаси Цадаса Ҳамзат ҳам номдор шоир бўлган), "Тоғ қизи" (1958); "Туғилган йилим" (1950), "Юксак юлдузлар" (1962), "Йиллар сарҳисоби" (1973), "Охирги баҳо" (1976), "Маконимда" (1978), "Менинг Доғистоним" (1967-71) каби китоблари жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинган.

Орифжон ВОҲИДОВ,
Олот туманидаги 29-мактаб директори

Qadriyat

ҲАШАР — ЭЛНИНГ САХОВАТ МАКТАБИ

Ҳашар ўзбекларнинг қадимий ва ҳамиша навқирон одатларидан бири бўлиб келган. Унда иштирок этиш ҳар бир киши учун шараф ҳисобланган. Одамларнинг ташаббуси, элга бўлган меҳри оқибатида йўллар, кўприклар, бинолар вужудга келган. Бугун ҳам худди шундай саховатли, эзгуликка элтувчи қадриятимизни давом эттирувчилар кўплаб топилади.

Миллий қадриятларнинг қадр-қиммати шундаки, кенг жамоатчилик бир маслак сари интилиб, кўпчилик учун маъқул бўлган, умумманфаатга хизмат қилувчи савоб тадбирларни амалга оширадилар. Ҳашар — халқимизнинг ана шундай удумларидан бири. Бир жойда яшовчи қавм ёки бирон-бир ижтимоий уюшма ўзаро ёрдам бериш, кўмаклашиш мақсадида бирлашиб кимгадир уй қуришда, яна бировга деҳқончилик ҳосилини йиғиштириб олишда кўпчиликлашиб меҳнат қилишган. Бу одат ривожланиб борган, кенг жамоатчиликни ўз атрофида тўплай бошлаган. Бугунги кунга келиб эса у умумхалқ ҳашари даражасига етиб, бутун бир давлат миқёсида аҳамиятга молик тадбирга айланди.

Азалдан халқимиз ҳашарда иштирок этишни бурч деб билган. Ҳар бир хонадон учун унда қатнашиш шараф ҳисобланган. Шу ўринда ёшлик даврида қишлоғимизда ўтказиладиган ҳашарлар тўғрисида тўхталсам. Ҳар йили қиш чиқиши билан "Катта арик"ни ҳашар йўли билан тозалар эдик. Бу ариқ тоғ тарафдан оқиб келиб, то қишлоқнинг охирига боргунча хонадонларни сув билан таъминлайди. Кексалар ҳашар кунини белгилаб, одамларни тақсимлар эди. Узунлиги 5-6 км бўлганлиги учун одамлар гуруҳ-гуруҳга бўлинарди. Ҳар бир гуруҳда албатта, иш боши ҳам бўларди. Ҳашар давомида ёшларга ишнинг «кўзи» ўргатилар эди. Баҳорда эса чорва моллари сувлаши учун махсус қазилган ҳовузлар тозаланарди. Ёзга келиб уйлар, молхоналар устига лойшувоқ қилиниб, бир кунда 8-9 уй ёки молхона қайта таъмирланар эди. Кузга келиб эса йўл таъмири муносабати билан ҳашар ўтказиларди. Энг эътиборли томони шунда эдики, бундай тадбирлар инсонлар учун байрам тусини олиб, ёшларга меҳнат ва эзгулик мактаби бўлиб хизмат қилган.

Яқинда қишлоғимизда ана шундай «эзгулик мактаби»ни ўтаб келган кишилар ҳашар йўли билан янги мактаб биносини қуриш ташаббусини ўртага ташлади. Эски мактаб биноси ҳалокат ҳолатига келиб қолганига анча бўлганди. Мактаб директори Исомиддин Олимов ташаббус кўрсатиб, ёши улуғ кишилардан маслаҳат сўради. Қариялар бундай савобни дарров қўллаб-қувватлади. Исомиддин Олимов, асли маърифатпарвар оилада вояга етган. Отаси ҳам мактабда 42 йил ўқитувчилик қилган. Маълум давр мактаб директори бўлган. Исомиддин ака жамоа хўжалиги раиси бўлиб ишлаган пайтида ислом оламида машҳур Юсуф Ҳамадонийнинг шогирдларидан бири Хожа Абулқосим Андоқий мақбарасини қайта тиклаб, шу ерда ҳашар йўли билан жоме масжидини қуриш ташаббускори бўлган эди. Қишлоққа дастлабки асфальт йўлнинг келишида ҳам шу кишининг ҳиссаси бор. Шунинг учун бўлса керак, қишлоқ оқсоқоллари тезда бутун аҳолини мактаб ҳашарига жалб қилишда сидқидилдан ёрдам беришини билдирди. Тепадан буйруқ кутиб яшаш, боқимандалик даври ортда қолганлиги, ташаббускорлик бугунги куннинг талаби эканини таъкидлашди.

Шундай қилиб, ҳашар бошланди. Одамлар пойдевор қуриб, пахсадан бино кўтаришга тушди. Ҳашарчилар сони кўп, улар ишлаганидан сўнг яхшигина тамадди ҳам қилиш керак. Аҳоли «ҳорманг»га келиш йўли билан ҳашарчиларнинг озиқ-овқатини таъминлади. Бирон кишига сенга бугун фалон топшириқ, деб махсус уқтирилмади. Биров нон ёпиб келса, яна биров овқат чиқарди. Мен борган куни Шерали ака исмли киши улоқ сўйиб, "ҳорманг"га келган экан. Шу куни пахса девор тугатилиб, пардевор (девор устидан ёғоч қўйилгандан сўнг уриладиган лой) учун ҳашар авжига чиққанди. Ҳашарчиларнинг кайфияти чоғ, кимдир мулладумалоқ (гувала) тайёрласа, бошқа биров лой отиб турибди. Иш бир дақиқа ҳам тўхтагани йўқ. Дам олишга ўтирган ҳашарчилардан икки киши, шу мактаб ўқитувчилари Абдураҳим Сувонов ва Раҳмон Ҳайитовлар билан суҳбатлашганимда, улар бу ҳашар нафақат катталар, балки ўсиб келаётган ёш авлод кўз ўнгида, бевосита ўзлари иштирокида содир бўлаётганлигининг тарбиявий аҳамияти беқиёс эканини тўлқинланиб сўзлаб беришди.

Қишлоқдан қайтар эканман, шунча одамни бирлаштирган, эзгулик сари уюштирган, маърифатли бўлиш учун жон куйдиришга ундаган, элни элга қўшишга олиб келган буюк куч — миллий қадриятларимизнинг қудрати экани айнан ҳашар мисолида кўриниб турганига амин бўлдим. Дилимдаги ҳис-туйғулар ҳашарни саховатга элтувчи, ёшлар тарбиясига ижобий таъсир ўтказувчи мактаб, деб баралла айтиш кераклигига тўлиқ ишонч ҳосил қилдим.

Илҳом ЎТАНОВ,
Республика "Маънавият ва маърифат" маркази бош мутахассиси

ТАСВИРДА ПОСТМОДЕРН

Anglash

Вячеслав Охунов ўзининг шу кунги олиб бораётган изланишларида 80-йиллар ғоясини, неолит давридаги каби механизм билан тўлиб-тошган, сочилиб ётган борлиқ, воқеликни қайта тиклашга интилаётган кўринади. Чунки, рассомга янги ғоя ботма-бот келиб туради. У шу янги фикрлар, ўйлар уммонини тасвирларида ифода этишдан толмайди. Мисол учун фақат Ўзбекистондагина эмас, балки Ўрта Осиёда ҳам 1987 йили нарвонлар ғояси илк бор рассом В.Охунов ижодида кўринганди.

Жамол Усмонов инстоляцияси эклектик, яъни аралаш-қуралаш нарсалардан тузилган-қурилган санъат. "CONTEMPORYARY ART" бу ҳозирги замон санъатида постмодерн йўналиши бўлиб, Жамол Усмонов изланишлари эса эклектик йўналишнинг чегарасига, кўринишига яқин ҳолати деса бўлади.

Инстоляциянинг ўзига хос, рангтасвирнинг эса ўз қоида-қонуни бор. Шу қонун-қоида асосида ишни унга суянган ҳолда бажариш керак бўлади. Кенглик, бўшлиқ объекти бу инстоляция. Балиқни қумга ўрнатиш бу ҳали кенглик яратилди, қизиқарли мувозанат ташкил этилди деган гап эмас. Ҳар бир нарса ишлаши, композицияга киритилган, қўлланган элемент шу талқин қилинаётган мазмунни очишга хизмат қилиши, яъни бирор мақсад учун хизмат қилиши лозим. Нарса ўзига хос ажойиб, ғалати бир ҳолатни ўзида кашф этиши даркор. Бу фикримизга классик мисол сифатида Йозеф Бойснинг изланишларини олишимиз мумкин. Уни концентуал санъатнинг отаси деса бўлади. Масалан, унинг бу инстоляциясида кигиз ёки намат билан роял ўраб қўйилган бўлиб, бу жуда қизиқарли инстоляция ёки Anzeim Kieter темир китоблардан кутубхона ишлаган ва ҳоказо ёки машинага темирдан қанот қилинган. Санкт-Петербургда броневикни тош, мармардан ишлаб чиққан. Томошабин Европа менталитети асосида ўз диққатини муайян нуқтага, йўналишга жамлаб йиғишга ҳаракат қила олсин. Жамол Усмонов атайлаб текис ишлаш услубини танлаган. Чунки унинг фикрлаши шундай. Сезанн уч ўлчамли айлана-доира ҳолатдаги тасвирларни яратди, Матисс Шарқ гиламларидан келиб чиқиб, икки ўлчамли тасвирлар услубини ўз изланишларининг мазмунига асос қилиб олди. 1987 йили бўшлиқда, кенгликда В.Охунов "Осмонга шоти" асарини яратиб, бу асардан рассом кейинчалик хеппинг услубига томон йўналди. Бу ҳам концептуал, постмодернизм йўналишининг бир тур ҳолатидир.

Хеппинг эса бу акционизм (бирор мақсадга эришиш учун қилинган ҳаракат)нинг бир тури, хили демакдир. Воқеа сифатида тараққий этиш, яъни ҳодиса кўринишида кўз ўнгимизда жонланиш, ҳаракатга келиш ташкил қилинган эмас, балки атайлаб қутқу солиш (фитна чиқариш) орқали амалга оширилган кўриниш деса бўлади. Бу санъат бевосита очиқ ҳавода, манзара қўйнида ижро этилади. Бирор интилиш, истак, мақсадни амалга ошириш учун қилинган ҳаракат бу 60-йиллар авангард санъатида пайдо бўлган турли шаклларни ўзида умумлаштирувчи ҳолатдир. Бу демак (хеппинг—шаклнинг олд кўриниши) санъат жараёнини намойиш қилиш шуларнинг ҳаммаси акционизм демакдир. Бу санъат шундай жараёнки, унда энг аҳамиятлиси шундаки, воқелик билан санъат ўртасидаги чегара ейилиб, ўзаро киришиб, қоришиб кетиши, бирининг вулқон каби отилиб чиққан ҳаётий кўринишги, ҳолат билан қуюлиб кетиши муҳимдир. В.Охунов худди шу санъат, яъни концептуал санъат билан 80-йиллар охирларидан жиддий шуғуллана бошлади.

1990 йилда Қирғизистонда "Чув дарёси ёқасида", "Ёритқич" деб номланган пирамидасини яратди. Бу пирамида 10 тонналик тошдан бўнёд бўлди. Бу ёритқич очиқ ҳаводаги объектдир. 1989-90 йилларда Қирғизистонда В.Охунов инвайромент, яъни кўчманчиларнинг ҳаёти, муҳитини ёғоч, тери, тош, каноп, лосдан қилинадиган арқон, шу ерда мавжуд материаллардан ишланган нарсалардан турли яшаш жойи, турмуш учун керак бўлган жиҳозлар ясайди.

80-йиллардан бошлаб рассомни қум, уюлиб кетаётган қумлар қизиқтиради. Қумлар ритми, қум ва лойдан очиқ кенгликда композициялар ишлаш руҳи вужудини эгаллаб олади. Унинг ички олами билан бу бўшлиқдаги, кенгликдаги ҳолат қоришиб кетади.

90-йилларнинг ўрталаридан бошлаб В.Охунов ўзининг бу изланишларини умумлаштириб, жамлаб, кўз олдига маълум мақсадга эришган яхлит ҳолатини келтириб, туғунни ечгандай бўлиб, қум-лой монифестини ёзади. Бу монифест туғилган янги-янги ғоялар уммонини, фикрлар қўламини тарғиб этиб, кишилар онгини, кўнгил тубидаги туйғуларни қўзғаш, ҳаракатга келтириш, интеллектуал ички дунёсини жонлантириш, портлаш, янгиланишга олиб келиш, бу билан унинг руҳиятида янгиланиш, чексиз мавҳум дунё очиш, шу дунё қаърида сузиш, ўзини эркин, ҳеч нарсага тобе бўлмаган, атроф-муҳитдан холи, барча моддий дунёдан ўзини фориғ қилган сўфиёна, руҳий оламнинг энг чўққисига кўтаришга бўлган интилишнинг давоми, янги поғонага кўтарилиш, мол-мулк, кишининг МЕНини ёрқин юзага чиқарувчи, унга монелик қилувчи икир-чикир, дунёвий ташвишлардан қутулиб, эмин-эркин ҳаёт кечириш, яшаш рассомни янги поғонага чексиз маънавий олам қаърига олиб чиқади.

Ўзбекистон рангтасвири А.Волковнинг "Анорли чойхона" (1924)сидан бошлаб саналади. Унда қамралган бадиий ифодавий кўлам моҳияти билан ҳам, салмоғи билан ҳам дунё миқёсида Парижда бўлиб ўтган кўргазмада, Пикассо ва Дали каби рангтасвир даҳолари ўз асарлари билан қатнашган кўрикда улар изланишлари билан тенгма-тенг, бадиий салоҳияти, изланишлар кўламининг тиғизлиги билан ҳам баб-баробар беллаша олган асар сифатида эътироф этилди. Шунинг учун ҳам бу асарни Ўзбекистон рангтасвиридаги карвонбоши — шоҳ асар дейиш мумкин. Бошқа бир давр, бўлак вақт ўлчови сифатида В.Охуновнинг "Осмонга нарвон" (1987) инстоляциясини илк бор бу йўналишдаги дастурли асар, бу хилдаги акциянинг бошланиши, бош мезони дейиш мумкин. Унинг моҳияти ва янгилиги, бундай кўламли изланишнинг, янги йўналишнинг бошланишидир. Ушбу асар туфайли В.Охуновни инстоляция йўналишининг Осиёдаги илк бошловчиси сифатида тан олинганлиги бежиз эмас. Бу акциянинг моҳияти, кўлами тан олинди. 80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб Ўрта Осиёда В.Охуновнинг бу асарини картинадан фазовий композицияга ўтиш даври дейиш мумкин. В.Охунов 80-йилларнинг бошланишида ўзининг "Ёнаётган уй", "Қушлар" серияси билан Ўзбекистонда "сеҳрли реализм", "фожеали реализм" оқимини, йўналишини бошлаган бўлса, 80-йилларнинг иккинчи ярмидан бўшлиқ, яъни макон композицион изланишлари билан янги йўл очди. Пешма-пеш бундай йирик оқимлар, йўналишларни биринчи бўлиб Ўзбекистонда бошлаб бериши унинг ўз изланишларига талабчанлиги, қайтариқлардан ўзини халос қилиб, тасвирий санъатда янги йўл очиш, янгилик яратишга чанқоқлигини англатиб туради. Бунга яна бир мисол сифатида илк бор сўфиёна изланишлар руҳини бошлаб берган ва ундан кейин унинг изланишлари Л.Ибрагимов, А.Турдиев, А.Нур, Ж.Усмонов ва ўнлаб йирик рассомларнинг бу йўналишни ўзларининг изланишларида дастуриламал қилиб олганликларини ҳам алоҳида қайд қилиш керак. В.Охуновнинг изланишлари кўлами ва моҳиятини шундан ҳам англаб, пайқаб олса бўлади.

Жавлон Умарбеков миниатюра, Шарқ нақкошлигидан ўз ижодий изланишларида унинг теран илдизларидан баҳра олган бўлса, "Сеҳрли реализм", тасвирда сўфизм, инстоляция, яъни фазовий композицияда В.Охунов илк кўрик очди, рассом сифатида танилди. Бу борада олиб борган изланишлари Ўзбекистонда кўпчилик рассомлар фикрлаш доирасида кескин ўзгаришлар юз беришига замин ҳозирлади, туртки берди.

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ,
Санъатшунослик илмий тадқиқот институти катта илмий ходими

Agar inson "men kimman, nima qilayapmanu, nima qilishim kerak?" kabi hayotiy savollarga to'liq javob bera olsagina, u ma'naviy komil inson hisoblanadi.

Shoh va shoir sifatida tarix zarvaraqlarida munosib nom qoldirgan Bobur hazratlari zurriyotlariga mehribon va tarbiyasi, ta'limi uchun hamisha o'zini mas'ul sezgan ajoyib Ota sifatida ham ibratlidir.

Муштарийларимизга маълумки, Бутунжаҳон почта иттифоқининг ташаббуси билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида 2003 йил январ-март ойларида республикамиз ҳудудидаги умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида "Биз қандай қилиб яхшироқ келажакни қуришимиз мумкинлиги ҳақида Сенга ёзаман" мавзусида 32-халқаро хат кўринишидаги иншо танлови ўтказилди. Танловни ўтказиш учун республика миқёсида ва жойларда почта алоқаси корхоналари ҳамда халқ таълими бошқармалари ходимларидан иборат ишчи гуруҳлари тузилди.

Танловда 1500 нафардан ортиқ ўқувчи иштирок этди. Иншолар танлови икки босқичда ўтказилди. Биринчи босқич Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўйича ўтказилди. Бунда танловда қатнашаётган иншолар жойлардаги ишчи гуруҳлари томонидан кўриб чиқилиб, 1,2 ва 3-ўринга лойиқ иншолар танлаб олинди. Ушбу иншолар республика миқёсидаги иккинчи босқичда қатнашиш учун Республика танловини ўтказиш бўйича тузилган ишчи гуруҳга тақдим этилди. Ишчи гуруҳи томонидан вилоят босқичи ғолиблари бўлган иншолар кўриб чиқилди ва танловнинг якуний республика босқичи ғолиблари аниқланди. Биринчи ўринга (50000 сўм) — Навоий вилояти, Қизилтепа туманидаги 33-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Ойдин Улуғова; иккинчи ўринга (30000 сўм) — Наманган вилояти, Янгиқўрғон туманидаги 10-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Муслима Камолова; учинчи ўринга (20000 сўм) — Фарғона вилояти Фарғона туманидаги 10-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Диёра Рўзиматова ёзган иншо лойиқ топилди.

Республика танловининг 1-ўрин соҳибаси Ойдин Улуғованинг иншоси рус тилига таржима қилиниб, халқаро танловда қатнашиш учун Бутунжаҳон Почта Иттифоқининг Халқаро бюросига тақдим этилди.

Танлов ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими Бутунжаҳон Почта Иттифоқи ташкил топган кун — 9 октябрда бўлиб ўтади.

2004 йилда Бутунжаҳон Почта Иттифоқининг ташаббуси билан 33-халқаро хат кўринишидаги иншо танлови "Қашшоқлик билан курашишда ёшлар қандай кўмак бериши мумкинлиги ҳақида Сизга ёзаман" (Пишу Вам о том, какую помощь может оказать молодежь в борьбе с нищетой) мавзусида ўтказилади. Барча ўқувчи-ёшларни ушбу танловда фаол қатнашишга чақирамиз. Қуйида мазкур танловнинг 3-ўрин соҳибаси бўлган Диёра Рўзиматованинг иншоси эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

"БИЗ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЯХШИРОҚ КЕЛАЖАКНИ ҚУРИШИМИЗ ҲАҚИДА СЕНГА ЁЗАМАН"

Ассалому алайкум, қадрли дўстим Элизабет. Ишларинг яхшими? Соғлиғинг-чи? Ҳормай-толмай ўқишларни давом эттирмоқдамисан? Ўтган гал ёзган хатингда юртим, яъни Ўзбекистон ҳақида тўлиқроқ маълумот беришимни сўраган экансан. Шу сабабли сенга хатимда шу ҳақда ёзишга қарор қилдим.

Минг бор шукрлар бўлсинки, ҳозирда хур, мустақил Ўзбекистонда ҳаёт кечирмоқдаман. Сенга маълум бўлса керак, бундан ўн икки йил муқаддам юртимиз собиқ Совет иттифоқи таркибига кирарди. Иттифоққа қарам бўлганлиги учун жуда кўп ишлардан ортда қолар эди. Унинг бойликлари эса, иттифоққа топшириларди. Юртини дунёга танитмоқчи бўлган шоирлар, ёзувчилар ва маърифатпарвар инсонлар халқ душмани сифатида қатағон қилинган эди. Оддий халқ бўлса бу сиёсатга тушунмас, гўё ҳаммаси шундай бўлиши керак, деб ўйлашарди. Иттифоқ ҳукуматига ҳам айнан ана шу ҳолат қўл келганди. Ўзбек халқини ўйинчоқ қилиб ўйнаб, ўзлари кўзлаган мақсадларига эришардилар.

Аммо 1991 йил тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилди. Чунки, айнан шу йили Ўзбекистон мустақил давлат сифатида эълон қилинди. Ниҳоят, ўзбек халқининг орзуси ушалди. Мустақилликдан сўнг юртимиз ўзининг давлат рамзларига эга бўлди. Энг асосийси, ўз қомусини қабул қилди. Бу — Конституция бўлиб, у — 6 бўлим, 26 боб ва 128 моддадан иборат. Унда фуқаролар учун белгиланган қонун-қоидалар ва юртимизга оид муҳим қонунлар мужассам этилган. Кимда-ким бу қонунларга риоя қилмаса, тегишли жазони ўтамоғи лозим. Юртбошимиз Ислом Каримов ҳам ана шу ўтган 11 йил мобайнида жуда адолатли сиёсат олиб бордилар. Ҳар йили 1 сентябр куни — Мустақиллик эълон қилинган кун байрам қилинади. Ана шу йиллар мобайнида юртимиз турли соҳаларда юксак ўринларга эришди. Таълим соҳаси ҳам ислоҳ қилинмоқда. Ёшлар чет элга ўқишга боришмоқда, юртимизда ҳам жуда кўплаб таълим муассасалари қурилиб, уларда ёшларимиз таълим олмоқдалар. Спорт соҳасида ҳам юксак ўринлар қўлга киритилди. Спортчиларимиз жаҳон олимпиадаларида нуфузли ўринларга эришдилар. Масалан, Муҳаммадқодир Абдуллаев жаҳон олимпиадасида бокс бўйича биринчи ўринни қўлга киритди. Жуда кўп мусобақаларда юртимиз байроғи юқори кўтарилиб, мадҳиямиз янграб келмоқда. Тиббиёт соҳасида ҳам юксалишлар бўлиб ўтди. Чет эллардан замон талабига мос ускуна, жиҳозлар келтирилди. Шифокорлар ҳам чет элларга бориб, ўз малакаларини ошириб келмоқдалар ва халқимизга беминнат хизмат кўрсатмоқдалар. Яна бир қатор шунга ўхшаш соҳаларда турли ўзгаришлар бўлиб ўтди. Ватанимни 165 дан ортиқ давлат тан олди. Тошкентда 35 дан ортиқ давлатларнинг элчихонаси очилди.

Ҳар бир инсон ўз юртининг юксалиши учун қўлидан келган ишни қилишга, ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилади. Мен сенга бир нарса ҳақида айтмоқчиман. Бутун дунё ҳамжамиятининг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва маънавий тараққиётига зарба берувчи иллатлардан бири — гиёҳвандликдир. Ёш авлоднинг гиёҳвандлик қурбони бўлиши жамият тараққиётидаги улкан ғовдир. Ёшларимиз гиёҳвандликка ружу қўймасликлари учун кўпроқ спорт билан шуғулланишлари керак. Бунинг учун Ватанимда шарт-шароитлар етарли.

Президентимиз ёш авлоднинг саломатлигини ўйлаб спорт соҳасини ривожлантиришга оид бир қатор фармонлар чиқардилар. Ёшларимиз жисмонан баркамол, ақлан етук инсонлар бўлсаларгина жамиятнинг келажагини порлоқ қила оладилар. Агар инсон "мен кимман, нима қилаяпману, нима қилишим керак?" каби ҳаётий саволларга тўлиқ жавоб бера олсагина, у маънавий комил инсон ҳисобланади. Президентимизнинг "Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак", деган ҳикматли сўзлари биз ёшлар учун ҳам таллуқлидир.

Tanlov

Биз мустақил юрт фарзандларимиз. Бу бизнинг порлоқ режаларимизнинг мустаҳкам пойдеворидир. Лекин келажагимизни қуриш ўзимизнинг қўлимизда. Муҳтарам Юртбошимиз бизга ўз режаларимизни қуриш йўлини кўрсатиб бердилар. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши ва унда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши бу ойдин йўлни ёритиб турибди. Бу яратилаётган қулай шарт-шароитлардан самарали фойдаланиб, пухта, замонавий билим олиш ҳар биримизнинг асосий бурчимиздир. Илғор давлатлар ривожланишга фан ва техника ёрдамида ўз миллий кадрларини ўстириш эвазига эришган экан, биз ҳам шу йўлдан бормоғимиз лозим.

Дўстим, гап порлоқ келажагимизни қуриш ҳақида борар экан, яна бир фикрни сен билан ўртоқлашмоқчиман. Ҳар бир миллатнинг ривожланиши калити фақат замонавий фан ва техника билан чегараланиб қолмаслиги зарур. Бу биз учун восита холос. Миллийлигимизни қайта тиклашимиз, аждодларимиз удумларини, руҳини сақлаб қолишга ҳаракат қилишимиз керак. "Ўтмишсиз келажак йўқ", деган ҳикматга риоя этиб, миллатимизга мос ижобий анъаналарни доимо ижодий ривожлантириш сари интилмоғимиз даркор. Биз бу йўлда, албатта, юксакликка эришамиз. Чунки, Ватанимда мен ва менга ўхшаган ёшлар учун ўқиш ва изланишга кенг имкониятлар яратилган экан, унинг келажаги, албатта порлоқ бўлади. Мен келажакда ўқиб, ўрганиб, изланиб, жаннатмакон диёримни жаҳондаги энг ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишга ўз ҳиссамни қўшаман ва бу йўлда кучим борича меҳнатимни аямайман.

Бу фикрларим, албатта, сени қизиқтиради ва ўз фикрларингни ёзиб юборасан, деган ишонч билан мактубимни тугаллайман. Хайр. Саломат бўл. Сенга Ўзбекистонимнинг янада порлоқ келажагини кўриш насиб этсин, деб қолувчи дўстинг Диёра.

Диёра РЎЗИМАТОВА,
Фарғона туманидаги 10-тиллар йўналишидаги умумий ўрта таълим мактабининг 9-"А" синф ўқувчиси

ОТА ФАҚАТ МАБЛАҒ МАНБАИГИНА БЎЛМАСИН, ЛЕКИН...

Муҳтарам газетхонимиз "Маърифат"нинг шу йил 26 июль сонида чоп этилган Р.Нурматованинг "Ота маблағ манбаими?" сарлавҳали мақоласини эътиборсиз мутолаа қилмаган бўлса керак. Материални қайта-қайта ўқиб чиқдим. Муаллиф ҳақ, баъзи хонадонларда оиланинг том маънодаги устуни бўлмоғи лозим бўлган ҳазрати падарларимиз фарзандларининг орзу-ҳаваслариии бутловчи таъминотчига айланиб қоляпти.

Муборак ҳадису шарифлардан бирида "Ота ўзининг боласига кўркам одобдан ортиқ ҳадя бера олмас..." дейилади ва изоҳланадики, "Ҳар бир ота ўзидан кейин қолган боласининг дунёда бахтли бўлишини, роҳатда яшашини истайдир. Шу йўлда умрининг охирига қадар тиришадир, боласининг маишатини енгил қилиш учун кўп вақт Аллоҳнинг буйруқларини қўйиб ўз устига гуноҳ ҳам юклайдир. Лекин боласининг роҳат турмуши учун энг керакли бўлган кўркам хулқ ўргатилмаганликдан, бечора отанинг неча йиллар буюк куч, ортиқ ғайрат билан тиришиб йиққан молини боласи озгина бир вақт ичида беҳудага сарф этиб қўярда, бир умр бахтсиз бўлиб яшашга маҳкум бўладилар. Бу эса оталари қилган хатоларнинг мевасидир..."

Мақола муаллифи онанинг ота билан фарзанд ўртасида кўприк бўлиши масаласига диққатни қаратиб "Юлдузли тунлар"дан олинган ҳаяжонли суҳбатларни киритади. Бу жуда тўғри. Лекин бу борада яна шундай нозик жиҳатлар ҳам борки, бу бевосита отажонларимизнинг қилаётган амалларию, дунёқарашлари билан боғлиқдир. Шоҳ ва шоир сифатида тарих зарварақларида муносиб ном қолдирган Бобур ҳазратлари зурриётларига меҳрибон ва тарбияси, таълими учун ҳамиша ўзини масъул сезган ажойиб Ота сифатида ҳам ибратлидир. Шу ўринда "Бобурнома"дан олинган Бобурнинг ўғли Ҳумоюнга йўллаган мактубидан қуйидаги парчани келтириб ўтмоқчиман:

"... Яна мен дегандек, бу хатларинга битибсен ва ўқумайсен, не учунким, агар ўқур хаёл қилсанг эди, ўқий олмас эдинг. Ўқий олмагандин сўнг албатта тағйир берур эдинг. Хатингни ҳуд ташвиш била ўқиса бўладур, вале асру муғлақтур. Насри муаммо ҳеч киши кўрган эмас. Имлонг ёмон эмас. Агарчи хейла рост эмас, илтифотни "то" била битибсен. Қулунжни "ё" била битибсен. Хатингни ҳуд ҳар тавр қилиб ўқуса бўладур, вале бу муғлақ алфозингдин мақсуд тамом мавқум бўлмайдур. Ғолибо хат битирда, коҳиллиғинг ҳам ушбу жиҳаттиндур. Такаллуф қилай дейсен, ул жиҳатдин, муғлақ бўладур. Бундин нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз билан бити: ҳам санга ташвиш озроқ бўлур ва ўқуғучиға..."

Подшоҳликнинг минг бир ташвишларидан ортиб Бобурнинг ўғли Ҳумоюннинг ҳуснихатига ҳам ташвиш чекиб, фарзандига мактуб орқали мураббийлик қилиши бунга ўзида вақт ва масъуллик топиши, албатта дилбандида отага нисбатан ўзгача меҳр-муҳаббат, ҳурмат уйғотади. Шулар ҳақида ўйлар эканман, яқиндагина гувоҳи бўлганим бир воқеа кўз ўнгимдан ўтаверди:

...Ишдан чиқиб мактабга етиб келганимда ота-оналар йиғилиши бошланишига саноқли дақиқалар қолган эди. Ўғлимнинг синфи томон шошилаяпман. Шу пайт қайси эшикни очишни билмай дам униси, дам бунисидан мўралаётган киши эътиборимни тортди.

— Ўғлимизнинг ота-оналар мажлиси бор экан, — деди у дудуқланиб, менинг ажабланиб қараётганимни сезди шекилли:

— Онаси касалхонага тушиб қолувди. Болам ҳам тихирлик қилиб, "... бу гал ҳам бормасангиз ўқишни йиғиштираман", деб кўнмади. Сакизни қайсинисида ўқишини сўрабман-да, шошилиб...

Кўнглимда туғилган ғашлик билан йиғилишга кирдим. Фарзандларининг ортидан асосан онажонлар мажлисга келган. Ҳатто бирининг қўлида чақалоғи, гапни гапга қўшмай, инжиқланади...

Муҳтарам газетхон, халқ, салтанат ташвиши зиммасида турган подшоҳ Бобур ўғлининг хат-саводи устида қайғуриши олдида воқеадаги отанинг ўғли ўқийдиган синфни билмаслигини қандай изоҳлаш мумкин?! Афсуски, бундай — фарзандининг таълим-тарбиясига бефарқ оталар кам эмас. Улар ўзларини ўзлари таъминотчига айлантириб қўймаяптиларми!?

Бир кишини биламан. Яхшигина жойда ишлайди. Қўша-қўша машиналари бор, қачон қараманг хотини болалари билан сумка-сумка бозор қилиб рўзғор тебратади. Албатта аёли эрининг ёнида олиб юришини, фарзандлари билан хиёбонларни айланишни, хуш суҳбатлар қуришни истайди. Лекин эрининг дилхиралигидан чўчийди. Ҳаваслaридан сўз очгудек бўлса: "Ана пул, мана уйжой, ниманг кам..." дея ўдағайлаб кетади. Болалар бу гапсўзларни эшитмайди дейсизми?! Эшитади, ўзларининг тушунчалари билан таҳлил қилиб, хулоса ҳам чиқаришади. Балки оталарининг бу юриш-туришларига ҳавасманд йигитчалар ҳам худди падари бузрукворларидек "таъминотчи" бўлиб вояга етишар ёки эртага оталарига меҳр билан эмас, моддий қувват билан оқибат қайтаришга ўзларини бурчдор сезиб улғаядилар. Мурувват билан Меҳрнинг ўртасида эса фарқ жуда катта. Меҳр ва Мурувват ҳақида ўйларканман, кўзларимни мунчоқдек, ширингина болакайнинг нигоҳларида катталарникидай қатъий ўйчанлик билан айтган гаплари қулоғим остида жаранглайверади:

— Дадам аяжонимга шунча азоб берадилар. Отам қачон келиб, қачон туриб кетадилар, кўрмай ҳам қоламан. Баъзан ойим билан жанжаллашаётганларидан уйғониб кетаман.

— Ҳаром-ҳариш бўлиб келасиз. Ундан кўра келмай қўя қолинг, — дея йиғлайдилар аяжоним. Нега бундай дейдилар тушунмайману "ҳаром" ёмон нарса эканлигини биламан. Агар пулимиз кўп бўлса эди, ҳечам дадамни телефон қилиб чақирмас эдим. Эҳ, пулсиз яшаб бўлмайди-да!

Бу болакай билан тез-тез диллашиб, кўнглини кўтариб тураман. Лекин чиқараётган ҳаётий хулосасидан вужудим музлаб кетади. Демак, пулсиз яшаш мумкин бўлса, отасиз яшашга рози у! Бу катта фожиа эмасми?!

Яна Муравват ва Меҳр тушунчаларига қайтмоқчиман. Моддий жиҳатдан тўкис, саховатли қалб эгаси истаса сийлаган кишисига мурувват кўрсатиши мумкин. Лекин тоза меҳр юракни жизиллатиб бору йўғингиздан қатъий назар дилдан дилга оқиб ўтади. Шу туйғуда аввало жондошлик, қондошлик мужассам. Уни ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди. Ота ва фарзанд ўртасида ана шундай беғубор ҳиссиёт бўлса энг катта тўкислик шу назаримда. Бу бахтиёрликни бино этиш эса кўпроқ отажонларимизнинг ўзларига ҳам боғлиқ. Бу бола учун борингдан эмас, ҳаловатингдан кечиш дегани. Топганингни фарзандингнинг оғзига тутиш, эгнига илишгина эмас, оромингдан кечиб, баъзан ўз ташвишларингни четга суриб, асабларингни чатнаб кетса-да, ақлу шуурини пешлашга ўзингни жавобгар сезмоқ дегани...

Раҳбар кишилар учун оталикнинг бундайин нозик қирраларини англаш кўпинча "катта-катта ташвишлар"нинг соясида қолиб кетади. Лекин "Оиласига чиройлик раҳбарлик қила олган киши, кўпга бош бўла олади" деган ақидага суяниб иш тутувчилар ҳам кам эмас. Юз эмас минглаб кишиларга раҳбарлик қилаётган ажойиб инсон бор. Қачон қараманг қабулида одам тирбанд. Кўпчилик унинг ҳузуридан қониқиш билан чиқиб кетаётганининг кўп гувоҳи бўлганман. Ана шундай эл ташвиши билан қоришиб яшаётган киши фарзандларининг тарбияси, таълими, саломатлигини кузатишга ҳам алоҳида вақт ажратади. Фарзандларини эргаштириб қавму қариндошларини йўқлаб боради. Ўғиллари билан кутубхонага, муқаддас қадамжоларга, ҳатто спорт саройларига бирга боради. Концертларга, театрларга тушгудек бўлса раҳбарлар қаторида эмас, болалари ўртасида ўтиришни хуш кўради. Болаларининг ҳар бир саволига жавоб бериш, китоб ўқитиш, ўзи ҳам айнан ўша асарни ўқиб ўзаро баҳс юритишдан ҳузур қилади... Демак, инсон ҳамма нарсага имкон топиши мумкин. Фақат бунинг учун хоҳиш ва истак бўлса бас. Оталик эса хоҳиш ва истакдан ташқари масъулликни ҳам талаб қилади. Хатоларни тузатиш мумкиндир. Лекин кечикиб берилган тарбия ўрнини тўлдириш, меҳр кўрсатмай, меҳрибонлик кутиш қийин. Падари бузрукворларимиз оиламизни меҳр қуёши билан ёритувчи, том маънодаги қўриқвонларимизга айлансин.

Aks-sado

Ойбуви ОЧИЛОВА

ИНСТИТУТ: КОМПАНИЯ, БИРЛАШМАНИНГ БАҚАМТИЛИГИ

таълим тизимини такомиллаштиради

Ҳар бир институт ёки университет алоҳида таълим муассасаси. Демак, у бир вақтнинг ўзида анча-мунча ҳамкорлар билан иш юритади. Чунки келгусида бу таълим даргоҳида ўқиётган ёшлар ўша корхона ёки компаниянинг кадрларига айланишади. Хусусан, Тошкент давлат авиация институтининг "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ҳамда Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ўрнатган мустаҳкам алоқаси замирида ҳам, аслида, ана шундай муносабат борлигини англаш қийин эмас. Бу ҳақда институтнинг иқтисодиёт ва тадбиркорлик бўйича проректори, техника фанлари номзоди, доцент Давлатбек Ҳожиберганов мухбиримизга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

— Институтимиз ташкил этилган 1995 йилдан бери у ўзининг бир қанча ҳамкорларини топишга ҳаракат қилиб келаяпти. Таълим ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорлик серқирра, тор доирада эмас. Ана шу рўйхатнинг бошида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси туради.

Маълумки, ҳозирги вақтда олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида талабаларнинг аксарият қисми шартнома асосида ўқишаяпти. Айрим ҳолларда талабаларнинг ўқишига ҳомийлик қилиш концерн, компания, корпорация ёки ассоциациялар томонидан амалга оширилмоқда. Худди шундай ғамхўрлик институтимиз ҳамкорлари — "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ҳамда Чкалов номидаги авиация ишлаб-чиқариш бирлашмаси томонидан ҳам кўрсатилмоқда. Компания 60, бирлашма эса 80 дан зиёд талабанинг тўлов-контракти учун тегишли миқдордаги маблағни ўтказиб бераяптики, бу уч томонлама тузилган шартномада ҳам ўз аксини топиб боради. Бунга кўра, талаба ўқишни тамомлагандан ана шу компания ва бирлашмада ўз меҳнат фаолиятини бошлайди.

Ҳар иккала ҳамкоримиз таянч корхона ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда, уларда талабаларнинг назарий билимларини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган қурилмалар ва ускуналар, амалий лабораториялар бор. "Ўзаэронавигация" таркибидаги махсус тренажёрларга 2-, 3-, 4-курс талабалари бориб шуғулланишади. "Радиоэлектроника", "Электротехника" каби мутахассислик фанлари айнан ана шундай тренажёрлар воситасида олиб борилади.

Асосий таълим йўналишлари — авиакоинот ҳамда фуқаро авиацияси бўйича тайёрланаётган кадрларни иш билан таъминлаш масаласига ҳам компания ва бирлашма раҳбарияти ўз диққат-эътиборларини қаратиб келишмоқда. Агар бу йил институтимизни 150 нафардан зиёд ёшлар битиришган бўлса, айни пайтда уларни ўз соҳалари бўйича ишга жойлаштириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Ишончимиз комилки, ҳамкорларимиз дипломли кадрларни иш ўринлари билан таъминлашади.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва дунё миқёсидаги турдош олий ўқув даргоҳлари иш тажрибасини ўрганиш мақсадида уларнинг ўзаро шартномалар тузилган. Чунки институтимиз нисбатан ёш, авиация соҳасидаги таълим тажрибаларини қўллашда бироз оқсаши табиий. Шу боис Санкт-Петербург, Киев, Москва, Рига ва бошқа хорижий турдош олий ўқув даргоҳларидан таклиф қилинган профессор-ўқитувчиларнинг хизмат харажатлари ҳам миллий авиакомпания томонидан қопланмоқда. Бу ҳар ўқув йили учун 400-500 минг сўм миқдорига тенг келади. Демак, хориждан келган профессор маърузаси маълум даражада талабанинг дунё миқёсидаги маълумотлардан хабардор бўлишини ҳам таъминлайди. Компаниянинг бундай ғамхўрлиги ҳам институтда тайёрланаётган кадрларнинг сифат даражасига ижобий жиҳатдан таъсир кўрсатиши табиий.

Булардан ташқари, миллий авиакомпания ҳар ўқув йилида хорижий ҳамда ҳамдўстлик мамлакатларига хизмат сафарига бориб келишадики, уларни бепул чипталар билан авиакомпания таъминлайди.

Турли хил маданий тадбирлар — талабаларга диплом топшириш, спорт мусобақалари уюштириш, байрам кечаларини ўтказишда ҳам ҳамкорларимиз ҳамиша биз билан ёнма-ён. Биргина фуқаро авиацияси факультетини бошқа бинога кўчириш, мебеллар ва турли ўқув жиҳозлари билан таъминлашда ҳам улар бош-қош бўлишди. Авиакоинот факультетига қўйилган 10 хил русумдаги самолёт макетлари бирлашманинг талабалар, демак бўлғуси кадрлар ҳақида қайғураётганидан далолат беради.

Истиқболда компания 7 йилдан стажи кам бўлмаган профессор-ўқитувчи ва ходимларни бир йилда бир марта бепул чипта билан таъминлаш, амалий машғулотларимизнинг эса тўлиқ ўз цех ва лабораторияларида ўтказилишига ёрдам бермоқчи. Умуман, компания ва бирлашманинг ҳар бир муаммомизга "лаббай" деб жавоб бериши ва мумкин қадар ҳам этишга киришиши институт раҳбарияти ва талабалар олдида таълимга нисбатан масъулиятни оширади.

Ta'lim va ishlab chiqarish

Ҳ.ТЎЙМАНОВА ёзиб олди.

Андижон туманидаги 8-мактабгача таълим муассасасида сармоядан ташқари маблағ топиш мақсадида тарбиячилар бўш вақтларида ўзлари турли хил кўғирчоқлар тикишади. Ушбу муассаса тарбиячилари томонидан ясалган ўйинчоқлар 2002 йилда «Севимли ўйинчоқлар» республика кўрик-танловда 1-ўринга муносиб кўрилди.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШЛАРИ

Tadbir

Андижон шаҳридаги Намуна маҳалласи фуқаролар йиғинида мустақил юртимизнинг тенгдошлари бўлган 42 нафар ўғил-қизнинг мучал тўйи ўтказилди.

Мучал ёшидаги ҳар бир ўғил-қизлар "Ғаллабанк" республика акциядорлик-тижорат банки минтақавий филиалининг омонат дафтарчаси топширилди. Дафтарча эгалари унга қўйилган маблағни кўпайтириб, балоғат ёшига етганларида олишлари мумкин.

Шунингдек, яна 15 нафар кам таъминланган оила фарзандларига Қизил Ярим Ой жамияти вилоят бўлимининг совғалари-устки кийим-бошлар берилди. Болалар ижросида қўшиқ ва шеърлар янгради.

— Маҳалламиз ҳудудида 8 та корхона ва ташкилот мавжуд, — дейди Намуна маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Анваржон Абдураҳимов, — Шу корхоналар ҳам бугунги тадбирга баҳоли қудрат ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Андижон шаҳридаги Саъдий маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам Ўзбекистон мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб истиқлолнинг илк кунларида туғилган 25 нафар боланинг мучал тўйлари нишонланди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими бу тадбирга алоҳида совға билан келди. Бўлим раиси Н.Ашуров болаларга 5000 сўмдан пул қўйилган омонат дафтарчаларини топширди.

О.СИДДИҚОВ

ЙИЛЛАР ЕТАКЛАЙДИ МУРОДГА

Дунёнинг ранги турфа. Унга дабдурустдан боққан кишининг кўзи қамашади. Айниқса болалик нигоҳи бу турфаликни ҳис этса-да, уни ажратолмайди. Бу пайтда унинг ўзига ёрдам кераклигини-да ҳис этиши мушкул. Шу боис унинг оққорани ажратиб бошлашида катталарнинг, айниқса, бошланғич синф ўқитувчисининг ўрни жуда муҳим. 1971 йилда эндигина ҳарбий хизматни тугатиб, Нарпай туманидаги 101-мактаб (ҳозирги Нуробод туманидаги 56-мактаб)да бошланғич синф ўқитувчилигидан меҳнат фаолиятини бошлаган Абрўй Норбоев биринчи дарсга киришидаёқ шу ҳақда ўйлади. Тўғри-да, эртага ўқувчи улғайиб, бирор касб-корни эгаллаш даражасига етганида албатта бу даражанинг пойдевори бошланғич таълим эканини билади ва муаллимини алқайди. Аксинча ҳолат юзага келган тақдирда ҳам бошланғич таълим ўқитувчиси биринчи галда тилга олинади. Ўқитувчига қайси таъриф маъқул?!

Йиллар ўтиб, А.Норбоев ўқувчиларга география фанидан сабоқ бера бошлаганида ҳам дастлаб ўзига савол берди: қачон, қаерда бўлмасин мен сабоқ берган ўқувчи дунё тузилиши, харита, қўйингки, географиядан кимнингдир саволига жавоб беролмай қолса, ундан ўқитувчинг ким эди, деб сўрашмайдими?

Мактабга раҳбар бўлган йиллари ҳам у ўз вазифасини бирор дам унутмади. Мактаб мавқесини ҳамиша кўтаришга интилди. Бу борада ўқитувчи-ю, ўқувчиларни руҳлантиришга эришди.

Айни пайтда 56-умумий ўрта таълим мактабида ёшларга ҳарбий таълимдан сабоқ бериб келаётган А.Норбоевнинг ўқувчиларидан кўнгли тўқ: у шогирдларининг мустақил диёр армиясида ўз ўринларини топиб кетишига ишонади.

Хуллас, талабчан педагог А.Норбоев бу ҳаракатларини олдига қўйган мақсадига эш равишда давом эттириб келмоқда ва бундан мактаб жамоаси ҳамиша мамнун.

Ta'lim fidoyilari

Ш.НИШОНОВ

Yaponlarning o'zlari o'z mamlakatlarini qadimda Nippon (yoki Nixon) deb ataganlar. Bu nom ikki ieroglifcha belgidan tarkib topgan, birinchisi "quyosh", ikkinchisi esa "asos" degan ma'noni anglatadi.

Tokioning o'zida 23 rayon joylashgan. Shaharda 4 milliondan ortiq uy bor. Ko'p ko'chalarning umuman nomi yo'q. Raqamli jadvallar rayon, blok, xonadonlarning tartib raqamini bildiradi.

ШВЕЦИЯ ЕВРОГА КИРИШИ МУМКИН

Швеция давлати, евро валютаси ҳудудига кириш ҳақида референдум ўтказди.

Reutres ахборот агентлигининг хабар беришича, сайлов участкалари 14 сентябрь 8.00 да очилиб 20.00 да ишни якунлади. Ҳисоб-китобларга қараганда Швеция фуқаролари ўзларининг валюталарига содиқ қолишган ва Дания, Буюк Британия каби евро ҳудудга қўшилмаган 3-давлат бўлди.

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ ЖОРЖ БУШ КҲДРНИ АЙБЛАМОҚДА

Жорж Бушнинг АҚШ президенти Шимолий Кореяни наркобизнес йўлларини бўш қўйганликда ва бунга қарши ҳеч қандай кураш олиб бормаётганликда айблади.

Жорж Бушнинг Конгрессга бўлган йиллик мурожаатида гиёҳванд йўли ўтган 23 давлатни ҳам айтиб ўтди. "Улардан айниқса Афғонистон, Покистон, Хитой қаровсиз қолмоқда" — деди Буш.

ЯНА АТЕПИК ПНЕВМАНИЯ ЁКИ SARS

Ёш аёл ўткир йўтал ва ҳарорат кўтарилиши оқибатида Гонконгнинг хусусий касалхоналаридан бирига ётқизилди. Кейинчалик аёлни давлат касалхонасига ўтказишди, чунки аёл кишида атепик пневмания белгилари сезилди.

Ушбу аёлнинг сўзларига қараганда у яқин орада чет давлатларга чиқмаган. Ҳозирда шифокорлар текширув ишларини олиб бормоқдалар.

Бундан ташқари Сингапур давлатида ҳам шундай ходиса рўй берган, беморга SARS касаллиги ташхиси қўйилган. Унинг гапларига қараганда, тиббиёт лабораториясида ишлаган ва ана шу ердан SARSни юқтириб олган.

Умуман, баҳор ойларидан бери SARS дунёга тарқалиб, 800 кишининг умрига завол бўлди. Эпидемияни июль ойида тўхтатишга муяссар бўлинди.

Аммо олимларнинг айтишича, вирус яна қайтарилиши мумкин.

ТУТҚИНДА УШЛАБ ТУРИЛГАНЛАР

Японияннинг Нагое шаҳри корхоналарининг бирида 52 ёшли "Кейкубин" ширкатининг ишчиси бир неча кишини тутқунда ушлаб турди. Пичоқ, камон ва камон ўқлари билан қуролланган ишчи, 3 ойлик маошини тезда тўлаб беришларини корхона раҳбариятидан талаб қилди. Бир неча соатдан сўнг норози хизматчи ҳамма жойга керосин сепиб чиқди, сўнг эса ёнғин чиқди. Ёнғин натижасида 2 киши дунёдан кўз юмди ва 19 киши ярадор бўлди. Алангани ўчириш учун ўт ўчирувчилар икки соат курашдилар. Ўт ичида зўравоннинг ўзи ҳам ҳалок бўлди.

РОССИЯ БЕРЕЗОВСКИЙНИНГ ҚАЙТАРИЛИШИНИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА

Тадбиркор Борис Березовскийга Буюк Британия сиёсий бошпана берган бўлса-да, Россия прокуратураси Березовский ишини давом эттиришини билдирди. Бу ҳақда Адлия вазирининг ўринбосари Юрий Калинин хабар берди. Калининнинг айтишича: Березовскийга талайгина саволлар йиғилиб қолган.

РОССИЯ ВА БЕЛОРУССИЯ: ЯГОНА ВАЛЮТА

Россия Президенти Владимир Путин 15 сентябрь куни Сочи шаҳрида Белоруссия президенти Александр Лукашенко билан музокаралар ўтказди.

Россия президентини ахборот хизматининг хабар беришича, музокараларда асосий мавзу валюта бирлиги масаласи бўлган.

Россия ва Беларуссия иттифоқи 2005 йилдан бошлаб ягона валюта, яъни Россия рублининг муомалага тўлиқ киришини таъминлаши керак.

Учрашув чоғида Россия томонидан Белоруссияга етказиб бериладиган табиий газ ва унинг тўловлари ҳақида ҳам гап борди. Россия кўп вақтдан бери Белоруссияга табиий газни ички нархларда етказиб беради. Масалан, Белоруссия йилига 10,2 млрд кубометр газ олади. 1 минг. кубометр газни Россия 28 доллардан етказиб беради. Ваҳоланки, Украина ўз табиий газини 1 минг. кубометрини 50 доллардан сотмоқда. Бунинг эвазига Белоруссия "Белтропсгаз" корхонасининг йирик миқдордаги акцияларини Россияга сотмоқчи бўлган эди.

БАРЧА ҚАТНАШЧИЛАР СОВРИНДОР БЎЛДИ

Республикамизда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси томонидан ўтказилаётган спартакиаданинг Республика босқичи гуллар шаҳри Наманганда 10-12 сентябрь кунлари бўлиб ўтди.

10-сентябрь куни шаҳардаги "Паҳлавон" спорт мажмуасида бўлиб ўтган тантанали очилиш маросимида иштирок этган Республика халқ таълими вазири ўринбосари У.Мусаев, Республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси З.Қодиров, касаба уюшмалари Вилоят кенгаши раиси К.Наимжонов ва бошқалар спартакиада қатнашчиларини ушбу спорт байрами билан қизғин табриклаб беллашувларда уларга омад тилашди.

Спортнинг мини футбол, стол тенниси, шахмат, шашка, армрестлинг (қўл кучи беллашуви), арқон тортиш турлари бўйича 3 кун давомида ўтказилган беллашувларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан ташриф буюрган 210 нафар спортчи эркак ва аёл халқ таълими ходимлари жамоалари ўзаро куч синашдилар.

Арқон тортиш беллашувида Қорақалпоғистон Республикаси жамоаси йигитлари биринчи, навоийликлар иккинчи ва Хоразм вилоятидан келган спортчилар учинчи ўринга сазовор бўлишди.

Мини футбол мусобақасида наманганликлар ғолиблик шоҳсупасини эгаллашган бўлса, Тошкент шаҳри, Фарғона вилояти мини футболчилари 2- ва 3-ўрин соҳиблари бўлишди. Шунингдек, стол тенниси бўйича ҳам наманганликлар мутлақ ғолиб деб топилди. Бу турнинг 2- ва 3-поғоналари эса Бухоро ва Самарқанд вилоятидан келган теннисчиларга насиб этди. Шахмат бўйича Андижон, шашкачилар баҳсида Сирдарё армрестлинг беллашувида Наманган вилоятлари ҳакамлар ҳайъати томонидан ғолиб деб эътироф этилди. Умум жамоа ҳисобида энг яхши натижаларга эришган Наманган вилояти жамоаси фахрий биринчи, Сирдарё вилояти иккинчи ва Тошкент шаҳри спортчилари учинчи ўринга сазовор бўлишди. Спартакиаданинг тантанали ёпилиш маросими иқтисодиёт ва тадбиркорлик коллежида бўлиб ўтди. Унда кубоклар, фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Акрамжон ТУРСУНАЛИЕВ,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

Япония давлати деганда замонавий техникалар кўз ўнгимизда гавдаланади. Чунки бугун Япония давлати бошқа мамлакатлардан техник воситалар ишлаб чиқариш бўйича анча илгарилаб кетди.

Японияни ҳудудий ўлчамига кўра Ғарбий Европанинг энг йирик мамлакатлари билан таққосласа бўлади. Бироқ таркибига ва шаклига кўра Япония ҳудуди улардан кескин фарқ қилади. Япония архипелаглар мамлакати бўлиб, тўртта йирик: Хоккайдо, Хонсю, Сикоку ва Кюсю ороллари ва 4 минг майда ороллар жойлашган. Бу ороллар Евроосиё билан Тинч океан орасида 3,5 минг км.га чўзилган бўлиб, Осиё—Тинч океан регионининг марказидадир. Унинг майдони 372,2 минг км²дир. Мамлакат Осиёнинг чекка шарқида жойлашганлиги учун у "Кун чиқардаги ўлка" деб ҳам аталади. Японларнинг ўзлари ўз мамлакатларини қадимда Ниппон (ёки Нихон) деб атаганлар. Бу ном икки иероглифча белгидан таркиб топган, биринчиси "қуёш", иккинчиси эса "асос" деган маънони англатади. Шунинг учун ҳам Японияни "қуёш чиқадиган мамлакат" деб талқин қиладилар.

Японияннинг байроғидаги қуёшнинг қизил гардиши ва давлат рамзидаги думалоқ хризантема гули ҳам қуёшнинг балқиб чиқишини ифода этади.

Япония аҳолисининг сонига кўра, дунё мамлакатларининг ўнлигига киради. Бироқ, кейинги ўн йилликлар давомида аҳоли табиий ўсишининг характери кескин даражада ўзгарди. Япония аҳоли кўпайишининг иккинчи типидан биринчи типига ўтган Осиёдаги биринчи мамлакат бўлди. Бу "демократик инқилоб" жуда қисқа муддатда бўлди. Уянон жамиятидаги йирик иқтисодий-иқтисодий туб ўзгаришлар натижасида бўлди.



Япония — болалар ўлими кўрсаткичи дунёда энг паст бўлган соғлом одамлар мамлакатидир. Бунда давлат демографик сиёсати ҳам катта роль ўйнади. Оилани режалаштириш асосларига доир машғулотлар мактабнинг юқори синфларидан ўтказилади. Ҳозир Япония давлатида 127,6 миллион нафар аҳоли яшайди.

Япония миллий таркибига кўра ниҳоятда бир хилдир. У типик бир миллатли мамлакат бўлиб, японлар аҳолининг 99,4 фоиздан ортиғини ташкил этади. Улардан ташқари корейс ва хитойлар ҳам яшайди. Япон тили жуда ўзига хос бўлиб, жаҳондаги тил оилаларидан бирортасига кирмайди. Ҳозирги замон япон ёзуви тизими ҳам анча мураккаб, чунки унда ҳам иероглифлар, бўғинли ҳарфлар ишлатилади.

Мамлакатда икки асосий дин — синтоизм ва буддизм мавжуд бўлиб, улар илк феодализм давридаёқ вужудга келган. Одатда диндорлар бир вақтда ҳар иккала динга эътиқод қиладилар. Бу динларнинг таъсир доираси ўзгача бўлса-да, улар биргаликда мавжуддир. Синтоизм ("син то" сўзи — "худо йўли" демакдир) асосий диний-маиший урф-одатлар, аввало тўйтантаналарига хизмат қилади; бундай тўйлар ҳар доим синтоистик ибодатхоналарда ўтказилади.

Буддизм эса, аксинча, марҳумлик маросимларини ўтказишга хизмат қилади.

Шу ерда Япония давлатининг Ўзбекистон давлати билан ўрнатган дипломатик алоқаларига ва бунинг самарали томонларига тўхталиб ўтсак. Япония давлати Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 19 мартда тан олди ва шу кундан бошлаб дипломатик алоқалар ўрнатилди. Шарқнинг энг ривожланган мамлакати—Япония билан ҳамкорлик қилиш Ўзбекистон учун ҳар томонлама қулайдир.

1994 йил 16—19 май кунлари Ўзбекистон давлат делегацияси расмий ташриф билан Японияда бўлди. Сафар пайтида Ўзбекистон билан Япония ўртасида муносабатларнинг асосий принциплари ҳақида қўшимча баёнот, ташқи ишлар бўйича муносабатлар ҳақида ҳужжат имзоланди. Ўша куни Ўзбекистон делегацияси машҳур "Панасоник" концернида бўлиб, унинг раҳбарияти билан Ўзбекистонда филиал очишга келишилди. Республикамиз шаҳарларида "Панасоник" маҳсулотларини сотиш йўлга қўйилди.

Ўзбекистонда Японияннинг дунёга машҳур "Мицуи ва КО, ЛТД", "Мицубиси корпорейшн", "Сумитото корпорейшн", "Томен корпорейшн", "Чори" каби компанияларининг доимий ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар билан Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланган. Япония ҳукумати Кўқдумалоқ нефть-газ конденсати конини ўзлаштиришда, Бухорода нефтни қайта ишлаш заводини қуришда, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини таъмирлашда, телеалоқа тармоқларини таъмирлашда ўз сармоялари билан қатнашмоқда.

Япония аҳолисининг ўртача зичлиги кўрсаткичларига кўра (1 км²га 340 киши тўғри келади) дунёда энг

Dunyo mamlakatlari

олдинги ўринлардан биридадир. Амалда эса аҳолининг зичлиги бундан анча катта, чунки мамлакатнинг деярли барча аҳолиси денгиз бўйидаги пасттекисликда ва дарё водийларида жойлашган.

Охирги ўнйилликлар ичида Япония урбанизация сурьатларининг юқорилиги билан ажралиб туради. Мамлакатда икки юздан ортиқ йирик шаҳар бор.

Япония шаҳар типи ўзига хос белгиларга эга. Кўпчилик шаҳарлар ўрта асрлардаёқ феодаллар қасрлари, монастрлар, почта йўллари устида вужудга келган. Улар ҳозиргача ўзининг қадимий тарихи — одатда бир ва икки қаватдан иборат иморатларини сақлаб қолган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин кўп шаҳарлар "америкача" қиёфага эга бўла бошлади. Уларда ҳам осмонга бўй чўзган ўта баланд бинолар қад кўтарди. Бу бинолларда банклар, монополияларнинг штаб квартиралари жойлашган.

Бироқ, япон шаҳарларида иш юритиладиган ягона марказ йўқ. Ҳозирда аҳолининг асосий қисми худди мана шу йирик шаҳарларда тўпланмоқда. Уларнинг энг йириклари Хон Сю оролининг жанубий соҳили бўйлаб бир-бирига туташиб кетган. Булар орасида Токио, Осака ва Нагоя атрофида шаклланган агломерацияларнинг "катта учлиги" аҳолида ажралиб туради. Японияннинг пойтахти Токио шаҳридир. Токио шаҳри япон оролларидаги энг катта Конто текислигида жойлашган. У 1869 йил пойтахтга айланган ва ўшандаёқ япончадан таржима қилинганда ўзининг "Шарқий пойтахт" деган ҳозирги номини олган. Токио — дунёдаги аҳолиси зич жойлашган шаҳарлардан биридир. 90-йиллар бошида Токио кўчаларининг умумий узунлиги 22 минг км бўлиб, экваторнинг ярмидан ортиқ эди. Бу 5 миллион автомобиль ҳаракатини аранг таъминлаб берган. Токионинг ўзида 23 район жойлашган. Шаҳарда 4 миллиондан ортиқ уй бор. Кўп кўчаларнинг умуман номи йўқ. Рақамли жадвалар район, блок, хонадонларнинг тартиб рақамини билдиради. Токиода бировнинг манзилгоҳини топиш, меҳмонлар ёки мусофирлар у ёқда турсин, ҳатто ўз хизматини сидқидилдан бажарадиган полиция ва такси ҳайдовчиси учун ҳам осон иш эмас.

Японияннинг маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнига келадиган бўлсак, 1950 йиллардан бошлаб деярли чорак аср давомида Япония иқтисодиёти жуда тез юксалиш суръатларига кирди. Бунинг натижасида Япония жаҳон миқёсидаги энг катта сармоячи давлатга айланди. Мамлакатда маълум даражада бутун иқтисодий ҳаёт сифат жиҳатидан қайта қурилди. Индустриал жараённи тўла босиб ўтган жамият асослари яратилди. Биринчи ўринда ҳамма соҳалар импорт хом ашёси асосида бутунлай янгидан барпо этилди. Булар барчаси четдан, аввало, АҚШ ва Германиядан сотиб олиниб, маҳаллий шароитга мослаштирилди. Ҳозирда мамлакат ёқилғи ва хомашё импортига боғлиқ бўлган, энергия ва метални кўп ишлатадиган ишлаб чиқаришларни тобора чеклаб, фанни кўп талаб қиладиган энг янги тармоқларга зўр бермоқда. Япония электроника, робот техникаси, биотехнология соҳаларида етакчи мавқени эгаллаб, эндиликда ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланишга киришди. Японияда фанга сарфланадиган маблағ салмоғига кўра иқтисоди ривожланган мамлакатларнинг орасида биринчи ўринда туради. Илмий ходимларининг сонига кўра эса Германия, Буюк Британия ва Францияни бирга қўшиб ҳисоблаганда ҳам улардан устун келади.

Илгарилари Японияннинг рамзи Фудзияма муқаддас тоғи, сакура, самурайлар ҳисобланган бўлса, эндиликда бундай рамз Ғарбий дунёда энг катта АЭС, металлургия комбинатлари, супертанкерлар, кўприклар, туннеллар, тезкор темир йўллар, энг замонавий автомобиллар "Тоётта", "Хонда", "Ниссан" ҳисобланади.

Японларнинг миллий байрами 23 декабрдир. Бу куни император Акихито туғилган (1933). Япония конституцион монархиядир. Унинг қонун чиқарувчи парламенти икки палатадан иборат бўлиб, қуйи палатасида 500 депутат, юқори палатасида 252 нафар депутат фаолият юритади. Қуйи палата депутатларининг фаолият муддати 4 йил, юқори палатаники эса 6 йилдир. Ижро этувчи ҳокимият Вазирлар Маҳкамасидир. Унда бош вазир асосий фигура вазифасини бажаради.

Японияннинг сиёсий партияларига келадиган бўлсак, 1953 йилда тузилган Либерал демократик партияси муҳим аҳамиятга эга. Унинг 1,5 миллиондан ортиқ аъзоси бор. 1998 йил парламент сайловларида бу партиянинг вакиллари қуйи палатадан 263 та, юқори палатадан 103 та ўрин олган. Бу партияга Япония демократик партияси оппозицияда туради. Худди шу парламент сайловида қуйи палатада 92 нафар, юқори палатада 47 нафар депутатлар шу партиянинг вакилларидан сайланганди. Булардан ташқари бир қанча партиялар—Япония либерал партияси, Янги дунё партияси, Япония Коммунистик партияси, Социал-демократик партияси ва бошқалар фаолият кўрсатмоқда.

Япония иқтисодида ҳам қишлоқ хўжалиги муҳим ўрин тутади. Қишлоқ хўжалигига 5,7 миллион нафар одам жалб қилинган. Бу мамлакат бўйича 6,6 фоиз аҳоли жалб қилинган дегани.

Япония дунёда савдо айланмаси бўйича АҚШ, Германиядан кейин учинчи ўринда туради. Унинг савдодаги асосий ҳамкорлари Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари(28 фоиз), АҚШ (26 фоиз савдо айланмаси), Европа давлатлари (14 фоиз) ва Хитой давлатидир.

Японияда бир йилда ишлаш соати 2088 соатни ташкил қилади (АҚШда 1924 соатни, Германияда 1655 соатни ташкил қилади). Ўртача бир ойда бир кишининг оладиган маоши 400 минг иен (4 минг АҚШ доллари).

Японияда фаолият юритаётган энг катта давлат университетлар: Токио, Киотос, Осонс, Хоккайдодир. Хусусий университетлари эса Нихон, Васэда, Мэйдзи, Токай, Хосэй, Кэйо ва бошқалардир.

Японияда ҳозирда 420 та газета чоп этилса, уларнинг умумий тиражи 70 млн. нусха. Энг муҳим газеталари: "Иомиури" (14 млн. нусха), "Асахи" (12,7 млн), "Майнити" (10 миллион), "Нихон кэйдзай симбун" (4 млн), "Санкэй симбун (3 млн), "Тюнити симбун" (3 миллион) нусха.

Ахборот агентликлари — Киодо Цусин ва Дзидзи Цусиндир. Юздан ортиқ телекомпаниялар фаолият кўрсатмоқда. Давлатга қарашли бўлмаган Эн-эйч-кэй корпорацияси муҳим аҳамиятга эга. Хусусий телекомпаниялари эса Эн-ти-ви, Ти-би-эй, Фудзи, ТВ Асохидир.

Шерзод АҲМАТОВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент фармацевтика институти қабул комиссияси

2003-2004 ўқув йилига тўлов шартнома асосида таълим тили ва йўналишлари бўйича бўш вакант ўринларга Давлат тест маркази қайдномаларида навбатда турган қуйидаги абитуриентлардан пулли-тўлов шартнома асосида танлаган йўналишлари бўйича аризалар қабул қилишини маълум қилади:

003 — Кимёвий технология, таълим тили — ўзбек тили

Жавоб варақаси номери	Тўплаган бали
0771924	118,4
0770385	113,8
0771902	113,2

004 — Кимё, таълим тили — ўзбек тили

Жавоб варақаси номери	Тўплаган бали
0645547	131,8
0652922	130,9
0650410	130,6
0665224	130,6
0636015	129,6
0638643	129,6
0636002	129,5
0653137	129,5
0653138	129,5
0645399	129,0
0643044	128,8
0647940	128,7

004 — Кимё, таълим тили — рус тили

Жавоб варақаси номери	Тўплаган бали
0821202	123,3
0821181	123,2

022 — Педиатрия иши: Агрономия, таълим тили — ўзбек тили

Жавоб варақаси номери	Тўплаган бали
0637524	90,6
0655453	89,3
0655443	87,6
0637522	86,9
0637537	85,7
0637526	83,5
0637542	82,5

045 — Касбий таълим, (тиббиёт ва қишлоқ хўжалиги йўналиши), кундузги таълим тили — ўзбек тили

Жавоб варақаси номери	Тўплаган бали
0653094	104,3
0652965	104,2
0652960	102,2

024 — саноат фармацияси — кундузги, таълим тили — ўзбек тили

Жавоб варақаси номери	Тўплаган бали
0638018	98,5
0655652	96,1
0638014	95,2
0655648	94,4

Абитуриентлардан 2003 йил 20 сентябргача шартномаларни расмийлаштиришларини ва тўловларни амалга оширишларини сўраймиз.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй.
Қабул комиссиясининг телефон рақами — 56-39-31.
Қабул комиссияси

ЭРКИН КУРАШ БЎЙИЧА - ИККИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида эркин кураш бўйича ўтган жаҳон чемпионатида икки спортчимиз — Артур Таймазов ва Дилшод Мансуровлар олтин медалга сазовор бўлдилар. Нью-Йоркнинг энг йирик спорт мажмуи "Медисон сквергарден"да ўтган бу чемпионатда дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатидан қарийб 300 нафар спортчи 7 та олтин медал учун кураш олиб борди. Вазни 120 кг полвонлар ўртасида Артур Таймазов финалда АҚШ вакили Маккой билан учрашди. Кескин беллашувда ҳамюртимиз 4:1 ҳисобида ғолиб чиқиб, жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди. Дилшод Мансуров эса 55 кг вазн тоифасида Молдова вакилини мағлубиятга учратиб, чемпионликни қўлга киритди.

ҚАЙД ҚИЛИНМАГАН НАТИЖА

Дзюдо бўйича Японияда ўтган жаҳон чемпионатида мамлакатимиз спортида қайд қилинмаган муваффақият қўлга киритилди. Ҳамюртимиз Абдулла Тангриев мутлақ вазнда бронза медалига сазовор бўлди.

У ярим финалда япониялик машҳур дзюдочи, жаҳон чемпиони, олимпия ўйинлари ғолиби Сузукига имкониятни бой бериб қўйди.

МИРЖАЛОЛ ВЛАДИКАВКАЗДА

Ўзбекистон футболининг ёрқин юлдузи, "Пахтакор" жамоасининг ярим ҳимоячиси, Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Миржалол Қосимов айни кунларда Владикавказда фаолият олиб бормоқда.

Жорий йилдаги мавсумни "Спартак — Алания" таркибида ниҳоялашни ният қилган ҳамюртимиз клуб раҳбарлари билан ярим йилга шартнома тузишга муваффақ бўлди. Ҳатто Қосимов Россия биринчилигининг "Спартак Алания" — "Черноморец" жамоалари учрашувида майдонга тушишга ҳам улгурди.

Қадрли инглиз тили мухлислари!

31 августдан эътиборан Ўзтелерадиокомпаниянинг халқаро телеканалида "Инглиз тили курси" намойиш этилади. Ушбу кўрсатув "American Councils", АҚШ элчихонаси ҳамда "UzPAK" билан ҳамкорликда тайёрланган. Дастур 20 та кўрсатувдан иборат бўлиб, унда Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан (Урганч, Бухоро, Фарғона, Тошкент) АҚШда таҳсил олиб келган инглиз тили муаллимлари янги методикани қўллаб, дарс олиб борадилар. Талабалар ролида АҚШда ўқувчилар дастури бўйича ўқиб келган тошкентлик йигит-қизлар қатнашган.

Курс саволлари "Ma'rifat" газетаси ҳамда www.dl.uz интернет сайтида ҳар ҳафта чоп этилади.

Марҳамат, учинчи дарс саволини ёзиб олинг.

How will you deseribe Jim and Della?

Курс якунида 2004 йилнинг 11 январь куни энг фаол талабалар АҚШ элчихонаси томонидан махсус сертификатлар билан тақдирланадилар.

Тошкент 700011 Навоий, 69
TV-4 Инглиз тили курси uztv-4@uzpakuz
Ҳаммага омад тилаб қоламиз!

Qarang, ota, hatto jonidan to'ygan vaqtlarda ham sabr-qanoat qilib, o'g'lini qarg'ashdan o'zini tiyibdi, unga nisbatan duoda bo'libdi...

Shunday qilib, yo'lovchilar 7 ming so'mlaridan ajralib, zor-zor yig'lab, Toshkentga yetib kelishdi. Endi ularning oh-vohini kim ham tinglar edi?

Bolalar dunyosi

Турсунбой АДАШБОЕВ

ЎҚИТУВЧИМ

"Алифбе"дан ўрин олган
Бир кам ўттиз ҳарфларни,
"Алла", "Анор", "Баҳор", "Байроқ" —
Каби оддий гапларни
— Ўргатган ким?
— Ўқитувчим.

Содда, зийрак, бироз шўхмиз,
Қизиқувчан, серталаб.
"Ло-ла", "Ош-ол" сўзларини,
Тоқат билан эркалаб
— Ёздирган ким?
— Ўқитувчим.

Ҳарф танитиб, бурро қилган,
Анварни, Санобарни.
— Ким ўргатган карраларни,
Тўрт амал, баробарни?
Айт-чи, Азим!
— Ўқитувчим.

Китобни шар, ўқир Хулкар,
Рости гап ишонмадик.
Биз "Алифбе" байрамини,
Жуда зўр нишонладик.
— Устозинг ким?
— Ўқитувчим,

Бизлар шаймиз: — Лаббай, — деб
Устозлар хитобига
Болажонлар навбат келди,
Энди "Ўқиш китоби"га.
— Ўргатар ким?
— Ўқитувчим.

СУҲБАТ

— "Кўктеракнинг шабодасин",
Хўш, ким ёзган?
— Ҳаким Назир.
— "Ирмоқ", "Қорхат", "Дийдорни-чи?
— Носир Фозил.
"Беш болали йигитча"дай,
Тадбиркордир, "Юрмас қойиб"...
— Уми, "Сариқ девни минган",
Худойберди Тўхтабоев.
— "Қилич билан шамшир" ушлаб,
"Боғ кўчада" минг тўлғониб,
"Булоқ сувин" ичган ким?
— Адиб Фарҳод Мусажонов.
— Болаларга ёзмоқ мушкул,
— Хўш, ким қолди бурчга содиқ?
— Сафар Барно, Султон Жаббор,
Ҳабиб Раҳмат, Анвар Обид.
Миразиз Аъзам ахир,
Шеърни чақар ёнғоқдайин.
Жирафанинг бўй-бастини
Рауф Толиб ёзар, тайин.
Баъзи бирлар чўбир отдек,
Йўлни бевақт чангитса ҳам,
Гоҳо бозор ташвишлари,
Ора-сира гангитса ҳам.
Қамбар Ўта, Шоюсуф ҳам.
Ихлос билан жўш урмоқда.
Рустам Назар, Дилшод Ражаб
Чўнг дарёга қўшилмоқда.
Андижонлик Мукум Қодир
Сал камнамо негадир?!
Шоир Йўлдош Сулаймон
Ўз созига эгадир.
Худойберди Комиловнинг,
Завқи юксак Ургутдан.
Зафар билан Содиқжон
Жужуқларга гиргиттон.

КУНҒИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

(Дам олиш саҳифаси)

Кавсарбону, Замирахон,
Олимадир, онадир.
Шеър, ҳикоя дарди билан
Ҳар иккови ёнадир.
Абдураҳмон Акбаровдан,
Олманг сира хавотир.
Хоразмнинг Боғотидан
Эрпўлат Бахт келаётир.
Тошинқираб қолган бироз,
Тулпорларин туёғи.
Сал эътибор берилса,
Соз бўларди бу ёғи...

ЭЪТИРОЗ

Эрта тонгдан зарғалдоқ,
Бир хушхабар улашар.
Маданий турмуш учун,
Қушлар қандай курашар?
Қилинган иш бобида,
Ҳисоб берди Қарқуноқ.
Ютуғимиз бир талай,
Гувоҳ келган ҳар қўноқ
Сир эмас, чумчуқ, читтак,
Шаҳарда кўп юришар.
Печканинг карнайига,
Мослаб уйлар қуришар.
Ҳатто эпсиз мусича,
Ўтирмас хас-чўп ташиб.
Чордоқ билан бўғотга,
Қолди у ўтроқлашиб.
Лайлакка раҳмат, чунки
Ундан кўплар чўчирди.
Чинор, тутдан инини
Симёғочга кўчирди.
Сўзни қисқарт дегандай
Калхат қўйди ўқталиб,
— Жўр, бедана ҳақида
Ўтирмаймиз тўхталиб
Анча-мунча нуқсонга
Барҳам бердик жойида,
Лекин шундай бўлса-да,
Бузилмоқда қоида.
Масалан қалдирғочни,
Бойўғли кўп уришган.
Воз кечмайди негадир
Гувалак уй қуришдан.
Айтаверса гаплар кўп,
Кўмир бироз озроқда.
Қолган-кутган ишларни
Ҳал қиламиз ёзроқда...

ОСМОН ҚАЙДАН БОШЛАНАР?

Тоққа бошин қўйса қуёш,
Уфқ ортин чўғ қиларкан.
Бургут учун осмон асли
Бошланади чўққилардан.

Чумолининг вақти зиқроқ,
Гапи қисқа, қалби қайноқ.
Унинг учун кўк гардиши,
Олтин рангли момақаймоқ.

Мирзачўллик деҳқон бобо,
Гурунг бошлар олисдан:
— Ўтар осмон чегараси,
Бизнинг қовун полиздан.

Мурунтовлик мерган айтар:
— Куни-кеча қайтдим овдан.
Ўзим кўрдим, осмон ахир,
Бошланаркан Тангритовдан.

ОНА ТИЛИМ

Буюк Темур жаҳон бўйлаб,
Ўз довруғин солган тилим.
Мир Алишер бобомлардан,
Мерос бўлиб қолган тилим.
Бобур Мирзо шеърларидан,
Ранг ва қиёс олган тилим.
Алла бўлиб жаранглаган,
Она тилим — жону дилим.



Xullas...

БИР-БИРИДАН ЎЗГАН СЕМИЗЛАР

Озишнинг бундай кўрсаткичидан ҳайратга тушишингиз табиий. Бундай "бахт" хорижлик бир нечта аёлнинг ҳаётида содир бўлди. Уларнинг кимлар эканини билишга қизиқаётган бўлсангиз, марҳамат, танишинг.

Америкалик Онито Колба ўн беш ой ичида 70 килога озиб, шу қадар хушбичим аёлга айландики, шу пайтгача ўзини қийнаб келаётган семизлик дардидан халос бўлгани учун севинчи ичига сиғмай кетди. Онитонинг кўрсаткичи филиппинлик Эрма Рессисининг оламшумул натижаси олдида ҳеч гап бўлмай қолди. Чунки у бир йилда 77 килога озишга муваффақ бўлди.

Ўзининг вазнини кўтариб юришга қийналадиган Лондондаги пиво бари соҳибаси Ален Мено жуда қисқа муддат ичида 50 кило "ташлади". Сарвқомат хонимга айланган Ален энди қизларининг кийимларини ҳам бемалол кийиб ишга келади. Аёлнинг хушбичимлиги нафақат бар ходимларини, балки мижозларни ҳам ҳайрон қолдирмоқда.

Аёл зоти гўзал бўлиш учун нималар қилмайди? Рекорд натижани қўлга киритган қаҳрамонларимиз бунинг сири ҳақида ҳеч кимга лом-мим дейишмаяпти.

ОЛМАХОНЛАРНИНГ "ДУШМАНЛИГИ"

Молдавиянинг Оргеев шаҳарчаси аҳолиси бу йил ўрик ейишдан тамоман маҳрум бўлди. Дарахтдаги ҳосилни кўриб, улар йил бошида қувонишган, то пишиб етилишигача хотиржам эдилар. Аммо ўрикларга ранг кира бошлаши билан озая бошлади. Нима бало, ўғрилар пайдо бўлдими? Ҳамманинг ҳовлисида дарахтлар етарли, ким кимникига кўз олайтириши мумкин?

Шаҳар атрофида ва истироҳат боғларида пайдо бўлган олмахонлар ўрикни гумдон қилаётганини оргеевликлар билишмасди. Шаҳардан унча олис бўлмаган жойдаги ўрмонда олмахонларнинг уялари ўрик данакларига тўлиб кетганини ёш табиатсеварлар сезиб қолишди.

Ана холос! Олмахонларнинг бу қилиғи одамнинг нафақат кулгисини қистар, балки жаҳлини ҳам чиқаради. Шаҳарча аҳолиси ўриклардан бебаҳра қолгани учун кимга мурожаат этишларини билмай ҳайрон.

24 РАФИҚАДАН 136 ФАРЗАНД

Тума Ндуманозе — зимбабвелик. 68 ёшдаги отахон, эҳтимол, ер юзидаги энг серфарзанд ота сифатида тан олинса керак. У 24 марта уйланиб, 136 нафар фарзандни дунёга келтирган.

Бу рақамни шунчаки қайд қилиб қўя қоламиз. Аммо Тума уларни нафақат дунёга келтириш, балки боқиб катта қилиш ҳақида ҳам қайғураётган меҳрибон оталардан. Шуниси борки, фарзандларининг ёбичиши, кийинишини таъминлаш шўрлик отахонга осон бўлаётгани йўқ.

ana shunaqa gaplar

НАФС

Qissadan hissa

Хоннинг, бекнинг ва икки камбағалнинг болалари овга чиқишиб, бир ғоз, бир тувалдоқ, бир қашқалдоқ,бир безгалдак ва бир чуррак отиб олади. Улар қўлга киритган ўлжаларини қандай бўлиб олишга келишолмай турганларида, иттифоқо йўлдан туяларини етаклаб ўтаётган сарбонни кўриб қолишади.

— Шу йўловчидан сўрайлик, бизга ўлжамизни холисона бўлиб берсин, — деди улардан бири.

Қолганлари бу таклифга рози бўлишди, йўловчини чақирдилар ва ҳалиги ўлжаларни тўрталасига бўлиб беришини илтимос қилишди. Сарбон эса шарт қўйди:

— Менинг айтганларимга рози бўлсаларинг!?

Уларнинг ҳаммаси бирдан: "Розимиз" деб жавоб беришди. Сарбон эса тақсимотни бошлади:

— Бўпти, мана эшитинглар. Хоннинг боласига қашқалдоқ, бекнинг боласига безгалдак, икковингга бир чуррак, бўлувчига ғоз, оз бўлса ҳам соз, тувалдоғи яна боз, — дея ўз ўлжасини туя устига ортди-да, сарбон жўнаб қолди.

Овчилар ўзлари олдиндан рози бўлганлари учун не қиларини билмай лол қолишибди.

Нўширавони Одилнинг саволларига унинг вазири Бузуругмеҳрнинг жавобларида нафсни жиловлаш ҳақида доно фикрлар баён қилинган.

Савол: Кўнгил нима бирла қоронғи бўлур?

Жавоб: Дунё молининг муҳаббати бирла.

Савол: Кўнгил нима бирла равшан бўлур?

Жавоб: Дунё молини дўст тутмаслик бирла.

Аммо ғофил банда баъзан ҳирсу ҳавас билан яшаб, ўз нафсига эрк беради, мумкин қадар кўпроқ мол-дунё тўплашга ружу қўяди.

Бермагил кўнгилни ушбу дунё бевафо,
Аввали зебо кўринди, охири қилди жафо.

Орамизда нафсга, бировлар молига кўз олайтирган сарбон каби шахслар йўқ эмас. Улар ўндан тўққизини уриб, қолган биридан ҳам умидвор бўладилар. Уларнинг оч кўзларини фақат тупроқ тўлдиради.

ТУТИНГАН ҚИЗ

(Воқеа)

1980 йил. Самарқанд шаҳридаги шифохоналардан бирида даволанаётган кишилар — муаллим Неъмат ака ва Хўжа Яъқуб (Жанди бобо лақаби билан танилган 96 ёшдаги нуроний отахон. Самарқандниг Мотрит мавзесида туғилиб, озодлик ҳаракатларида қатнашиб нафақага чиқ-қан)лар қадрдон бўлиб қолишди.

Бир куни қуролдош дўсти Дилмуроднинг қизи Мастура Жанди бободан ҳол-аҳвол сўрашга келди. Неъмат ака унинг кимлиги билан қизиқди:

— Бу аёл қизингизми ёки келинингиз?

Жанди бобо чуқур тин олиб, худди ўтмишни кўз олдидан бирма-бир ўтказгандек, ўз ҳикоясини бошлади:

— Қиш кунларининг бирида қуролдош дўстим Дилмурод хотини ва икки қизи билан Самарқандга мени ахтариб, Мотритдаги колхоз саройига келиб қолди. Шу кезларда мен саройбон эдим. Урушнинг учинчи йили. Кун кўриш қийин бўлганидан нажот излаб келганини айтди. Ўз аҳволини баён қилгач, унга ҳамдард бўлдим. Ҳовлимизга бошлаб келиб, оиласи билан меҳмонхонамизга жойлаштирдим. У бизникига бир эшак, бир пўстак билан келганди. Устбошлари юпун, ёпинишга кўрпа-тўшаклари ҳам йўқ. Магазиндан бир тўп чит келтирдим. Барча оила аъзоларига кўйлак, лозим ва ёпинғич тиктириб бердим. Улар бизникида яшай бошлашди. Катта қизи Мастуранинг анча бўйи чўзилиб қолган. Шу қишлоқлик Самад исмли йигитдан совчи келди. Дилмурод воқеани менга айтган эди, мен "Акамни ҳам огоҳ қилиб қўйинг" дегандим. Акам совчиларни уйига олиб борганида, Мастуранинг ота-онаси: "Катта қизимизнинг ихтиёри иккинчи отасида, кимга беради, ўзи билади" деб жавоб берди.

Мен бу гапни эшитиб, бошим осмонга етди. Қизни никоҳлаб тўй қилиб узатдик. Мана, шундан буён ўша қиз менга ҳам ўз қизимдек бўлиб, борган хонадонида бахтини топди. Ҳозир ували-жували, дўконда ишлайди. Менинг касалхонада ётганимни эшитиб, кўнгил сўрашга келган ўша Мастура бўлади. Болам, яхшилик ҳеч ҳам унутилмас экан.

Неъмат муаллим тутинган ота ва қиз воқеасини эшитиб, айрим туғишганлар ўртасида ҳам улар орасидагидек илиқ муносабат йўқлигини хаёлидан ўтказди.

ОШИҚ ЎЙНАГАН ОЗАР

(Яқин ўтмиш ҳикояси)

Поезд Тошкентга кетмоқда. Купеда тўрт киши. Тепада 40-45 ёшлардаги қрим-татар эр-хотин, пастки қаватда бухоролик юпунгина кийинган, бир оёғи протез ўрта ёшли тўпоригина киши. Йўловчилар орасида бир зиёли ҳам бор.

Тунги соат 9. Поезд "тарақ-туруқ" қилиб, тебрана-тебрана манзил сари ошиқади. Татар аёл ўйқуга кетди. Грузин башара йигит купега кириб келиб, салом-алик қилган бўлди-да, ундан-бундан гаплашиб ўтиргач, ўзининг зерикаётганини айтди. Купедагиларни қарта ўйнашга таклиф қилди. Татар киши билан ҳалиги бухоролик йўловчи бунга сал мойиллик бидиришса-да, ҳалиги зиёли ҳарчанд қисташмасин, ўйинга рози бўлмади. Грузин қартани сузгач, ўйин бошланди...

Дастлаб 5 тийиндан қўйиб ўйналган ўйин 10 тийинга кўтарилди. Шу аснода купе эшиги очилиб, икки киши мўралади. Бири ўйинга қўшилиб, бири эшик ёнида тик туриб томоша қилди. Бундан огоҳ бўлган қўшни купедагилар ҳам қизиқиб, мўралай бошлашди. Жами ўйинчилар сони тўрттага етди. Тийин алақачон кўтарилиб, сўмларга чиқди. Ўрта пулга тўла бошлади. Ўнталик, йигирма бешталиклар ҳам кўриниш берди. Бухоролик пулларини кийимлари ичидаги белбоғига боғлаб олган экан. Уч пачка 3 сўмликни ўртага ташлагач, бу ёнидаги 10 ва 25 сўмликларни ҳам ташлашга мажбур бўлаверди. Бегона купедан кирган ўйинчилар ҳам йирикроқ пулларни жуфтлаб, бир томонини эшиб, олишга ўнғай бўлсин, деб ташлайверишди. Қиморбозлар фурсатдан шундай устомонлик билан фойдаланишардики, ўзлари ташлаган пулларни абжирлик билан кўп қилиб қайтариб олишар, бошқалари эса ичдан зил кетиб ўтиришарди.

Ўйинчилар ташлаган пуллар давра айланарди, гўёки уларда оёқ пайдо бўлган-у, гоҳ у, гоҳ бу кишининг қўлига ўтарди. Грузин "Известия" газетасини яшикча қилиб, пулларни тўплаб, унга солдида, ўртага қўйди. Бухороликда ҳам, татарда ҳам пул тугаган. Бухоролик ҳалиги зиёлидан 100 сўм пул сўради. Унда пул оз бўлгани учун бермади.

Вағир-вуғур бошланди. Уйқудаги аёл ҳам саросималаниб, уйғониб кетди. Аммо у эрининг бор-будидан айрилганини ҳали билмас эди. Уларнинг ўйнашга пуллари қолмагач, грузин билан қўшни купедан кирган бошқа ўйинчи пулларни бўлишиб олиб, эшикка чиқиб кетишди. Эшик оғзида турган уларнинг шериклари, ютқазганларни ташқарига чиқармай, тепиб йиқитди-да, қочиб қолишди. Улар навбатчи милиция ходимига ва назоратчига қараб чопишди. Аммо, қиморбозлар аллақачон ғойиб бўлишган эди.

— Нега ўйнадиларинг, ўйнамаслик керак эди! Бу ўйиннинг қоидасини ҳам биласизлар-ку, энди нима деб даъво қиласиз?— милиция ходими шундай деб уларнинг ярасига баттар туз сепди.

Шундай қилиб, йўловчилар 7 минг сўмларидан ажралиб, зор-зор йиғлаб, Тошкентга етиб келишди. Энди уларнинг оҳ-воҳини ким ҳам тинглар эди?

Ошиқ ўйнаган озар,
Тўпиқ ўйнаган тўзар,
Ҳаммадан ҳам қўй боқиб,
Гўштини еган ўзар, —

деб назм битган шоир ҳам худди шундай ҳолатни кўнглидан ўтказган бўлса, ажаб эмас.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА тайёрлади.

САБРУ ҚАНОАТ ШОДЛИКЛАР КАЛИТИДИР

(Ривоят)

Ривоят қилишларича, қадим шаҳарда бир киши дўкондорлик билан шуғулланар экан. Унинг шаҳардаги қатор дўконлар орасида савдо растаси бўлиб, ҳамкасблари, ҳунарманд ва косиблар ўртасида "уста" номи билан донг таратганди. Устанинг ёлғиз ўғли бўлиб, анча эрка ва тантиқ ўсган, шу боис ҳар куни отаси олдига келиб:

— Ота, қани пулдан чўзинг, ўғил, — сиз барибир кўп пулни нимаям қилардингиз.

Уста чўнтагидаги охирги чақани ҳам чиқариб, ўғлига бераркан. Ўғил нияти ҳосил бўлгач, хурсанд кайфиятда қандайдир қўшиқни хиргойи қилганича, раҳмат айтиш хаёлига ҳам келмай чопиб кетаркан. Ота эса шунда ҳам ўғлини қарғашни лоақал ўйламай, унинг орқасидан ҳавас ва умид билан қараб қоларкан.

— Уста қартайиб қолган, у кишига ҳам қийин-да, фарзанди тобора улғайаяпти, ахир уриб, сўкиб йўлга солишнинг имкони бўлмаса.

Уста бу гап-сўзларни орқаворотдан эшитар, эшитса ҳам ҳамкасбларидан хафа бўлмагани каби, ўғлидан ҳам ҳеч қачон хафа бўлмас, унга доимо яхши гапириб, насиҳатлар қилиб, — деб пўписа қиларкан, — ўртоқларим билан сайрга чиқаман, ошиқ ўйнайман. Агар бермасангиз, билиб қўйинг, дўконларингизни сотиб юбораман. Бўлинг, пулни чўзинг, чўзинг...

Ота ўғлидан бундай сўзларни эшитиб, дили овриркан. Лекин, хафалигини асло сездирмай, мулойимлик ва хушмуомалалик билан шундай деркан:

— Оббо ўғлим-ей, пул керак бўлиб қолдими, мана ўғлим, ҳозир-да, пул сиздан айлансин, мана олинг.

— Эй, бу кам-ку, бунингиз ҳеч бало бўлмайди, қолганини ҳам беринг, — ўдағайларкан ортидан дуо билан кузатиб қоларкан.

— Зап ўғлим бор-да, — дер экан уста, — насиб этса, отаонасига меҳрибон, дўстларига садоқатли, ажойиб инсон бўлади. Ризқинг улуғ, мартабанг баланд бўлгур, ўғлим-ей.

Устанинг ҳамкасблари ўғлининг бундай қилиқларини унинг юзига айта олмасалар ҳам, у кетгач, орқаворотдан бир-бирига гап отишар экан:

— Уста ўғлини талтайтириб юборди. Тарбияси жудаям бузилган, ҳали бу бола катта бўлиб, кўп ҳунарлар кўрсатса керак, чамамда.

— Нима, озгина тартибга солишнинг бирор йўли ёки иложи йўқмикан?

Буни қарангки, отасининг дуосини олган эмасми, бола орадан йиллар ўтиб, бирдан ижобий томонга ўзгарибди. Натижада шаҳарнинг обрўэътиборли, фаол кишиларидан бири бўлиб етишибди.

Қаранг, ота, ҳатто жонидан тўйган вақтларда ҳам сабр-қаноат қилиб, ўғлини қарғашдан ўзини тийибди, унга нисбатан дуода бўлибди...

Элмурод ЭГАМҚУЛОВ,
Жомбой туманидаги 15-мактаб ўқитувчиси

"МУҚАННА" КРОССВОРДИ

1. Ғўза ҳосили.
2. Ўзбек миллий кийими.
3. Маккор ёввойи ҳайвон.
4. Ҳамид Олимжон драмаси.
5. Техника экини.
6. Даракчи қуш.
7. Ҳарбий унвон.
8. Мактаб жиҳози.
9. Табиий ёқилғи.
10. Франциядаги шаҳар.
11. Электромагнит тўлқинлар қурилмаси.
12. Жаҳоннинг биринчи космонавти.
13. "... хотин"
14. Ўзбек енгил автомашинаси русуми.
15. Театр томоша майдони.
16. Қуритилган мева.
17. Ов маҳсулоти.
18. Ҳафта куни.
19. Европадаги давлат пойтахти.
20. Россиядаги йирик дарё.
21. Матоли идиш.
22. Назар, кинна.
23. Тожик мумтоз шоири.
24. Ёғин тури.
25. Тиниш белги.
26. Республикамиздаги вилоят.
27. Палакли экин.
28. Радиони кашф этган рус олими.
29. Наврўз таоми.
30. Рангли металл.
31. Йил ойи.
32. Балиқ тури.
33. Россия футбол жамоаси.
34. Уйғун комедияси.
35. Санъат асари.
36. Соз.
37. Дурадгорчилик асбоби.
38. Узум қиёми
39. Манзарали дарахт.
40. Минерал.
41. Заҳарли ҳашарот.
42. Тарихий вақт ўлчови.



Тузувчи: Турсунали ҒАНИЕВ

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-826.
Тиражи 19179. Г. 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир: Ҳусан НИШОНОВ,
Навбатчи: Азиз НОРҚУЛОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
(М) белгиси остида реклама материаллари берилади

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-57-89, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими — 136-54-69 (факс).

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди — 21.00